


**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНІ ОШИРИШ  
ТАРМОҚ МАРКАЗИ**



**Озиқ-овқат технологияси  
(махсулот турлари бўйича)**



**“ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ СИФАТИНИ БАҲОЛАШНИНГ  
ЗАМОНАВИЙ ВОСИТАЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ”**  
модули бўйича

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**“ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ СИФАТИНИ БАҲОЛАШНИНГ  
ЗАМОНАВИЙ ВОСИТАЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ”  
модули бўйича**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7-декабрдаги 648-сонли буйруги билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчилар:** **А.Т.Рўзибоев** - Тошкент кимё-технология институти, ООМТ кафедраси мудири, т.ф.н., доцент;

**Г.З. Джахангирова** - Тошкент кимё- технология институти ООМТ кафедраси доценти, т.ф.ф.д.(PhD):

**Хорижий эксперт:** **А.А.Бектураганова** – ассоц. Профессор кафедры «Технология и стандартизация», АО «Казахский университет технологии и бизнеса»

Ўқув-услубий мажмуа Тошкент кимё-технология институти Кенгашининг 2020 йил 30-декабрдаги 4-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

## **МУНДАРИЖА**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР.....</b>	<b>5</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....</b>	<b>15</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....</b>	<b>24</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....</b>	<b>141</b>
<b>V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....</b>	<b>171</b>
<b>VI. ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b>173</b>
<b>VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>179</b>
<b>VIII. МУТАХАССИС ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН ТАҚРИЗ.....</b>	<b>182</b>

## **I.ИШЧИ ДАСТУР**

### **Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди. Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгти ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим

хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Ушбу **“Озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини баҳолашнинг замонавий воситалари ва усуслари”** фан дастурида, сосий эътибор ёғ, мой, дон, ун, ёрма, омиҳта ем, нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг замонавий технологиялари, ноанъянавий хом ашёларга ишлов бериш технологияси, оралиқ маҳсулотларга ишлов бериш технологияси ҳамда тайёр маҳсулотлар сифатини назорат қилишга қаратилган.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**“Озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини баҳолашнинг замонавий воситалари ва усуслари” модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларининг ўкув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий тажрибалар, замонавий ёндашувлар, фаннинг вазифалари, уларнинг замонавий ҳолати истиқболлари ва муаммолар, ўқитиш жараёнини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича мавжуд билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш.

**“Озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини баҳолашнинг замонавий воситалари ва усуслари”** модулининг вазифалари:

-ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий тажрибаларни ўзига хосликлари ва қўлланилиш соҳаларини аниқлаштириш;

-тингловчиларда модулли-кредит тизими, case study (кейс стади)лардан самарали фойдаланиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш;

-тингловчиларда **“Озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини баҳолашнинг замонавий воситалари ва усуслари”** фанини ўқитишнинг

инновацион технологиялари ва илгор хорижий таълим технологияларини лойиҳалаш ва режалаштиришга доир лаёқатларини ривожлантириш.

## **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, қўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар**

### **Тингловчи:**

- озиқ-овқат маҳсулотлари ва хом ашёсинининг сифати таҳлили ва экспертизасини;
- озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатига қўйиладиган талабларни;
- хом ашё ва қайта ишланган маҳсулотларнинг (физик, кимёвий, физик-механик, микробиологик) технологик хусусиятлари ва сифат кўрсаткичларини;
- хом ашё ва қайта ишланган маҳсулотларни технологик хусусиятлари ва сифат кўрсаткичларини баҳолашнинг қонунчилик базасини;
- маҳсулотларни сифатини назорат қилувчи замонавий қурилмаларни билиш;
- озиқ-овқат маҳсулотларини сифатини аниқлашда замонавий таҳлил қилиш усулларини танлашни, уларни жорий қилишда техника хавфсизлиги қоидаларини **билиши керак**.

### **Тингловчи:**

- турли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда технологик жараённи самарали ўтказилишини назоратини амалга оширадиган замонавий воситалар ва усулларни танлаш ва ишлатиш;
- технологик жараённи оптималлаштириш усуллари ва ресурсларни тежаш ва сифат жиҳатларини яхшилаш;
- хом ашё ва маҳсулотлар сифатини бошқариш усулларидан фойдаланиш;
- озиқ-овқат маҳсулотларининг таркибини ўрганишда замонавий физик-кимёвий таҳлил маълумотларини таққослаш;
- замонавий ва функционал хусусиятга эга озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан олиб

борилган тадқиқотларда қўлланилган замонавий воситалар ва усулларни таҳлил қилиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

### **Тингловчи:**

- озиқ-овқат хом ашёлари ва маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини комплекс баҳолаш;
- жорий қилинган замонавий технологиялар бўйича турли сифатдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун жиҳозларнинг иш режимларини танлаш;
- технологик жараёнларни назорат қилиш;
- хом ашё ва тайёр маҳсулотларнинг кимёвий таркиби ва хавфсизлигини аниқлаш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини баҳолашнинг замонавий воситалари ва усуллари учун фойдаланиш **малакалариға** эга бўлиши лозим.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

**“Озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини баҳолашнинг замонавий воситалари ва усуллари”** модули озиқ-овқат соҳаси мутахассислари учун асосий фанлардан бири ҳисобланади. Ушбу модул “Стратегик муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг инновацион технологиялари ва илмий асослари” ва “Озиқ-овқат саноатида қўлланиладиган фермент препаратлари” модуллари билан чамбарчас боғланган.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

**“Озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини баҳолашнинг замонавий воситалари ва усуллари”** модули қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишини “Озиқ-овқат технологияси” мутахассислиги бўйича маҳсус модуллардан дарс берувчи профессор ўқитувчилар учун муҳим ўринни эгаллайди. Ушбу модул Олий таълим муассасаларида талаба ва педагоглар томонидан ўқув-илмий ишларини олиб бориш учун асосий назарий ва амалий билимларни беради.

## Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат			
		Жами	Аудитория ўқув юкламаси		Кўчма машғулот
			Назарий машғулот	Амалий машғулот	
1.	<p>Ун, ёрма ва омихта ем маҳсулотлари сифатини баҳолашнинг замонавий воситалари ва усувлари.</p> <p><i>Дон ва дон маҳсулотлари намлигини аниқлашнинг замонавий воситалари ва усули.</i></p> <p><i>Ундаги шикастланган крахмал миқдорини аниқлаши.</i></p> <p><i>Дон маҳсулотлари сифатини ИК анализатор ИНФРАНЕО CHOPIN Technologies асбобида аниқлаши.</i></p>	8	2	6	2
2.	<p>Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари сифатини баҳолашнинг замонавий воситалари ва усувлари.</p> <p><i>Дон, ун ва хамирнинг реологик хоссаларини аниқлаши.</i></p> <p><i>Бижгишида хамир реологик хоссаларини аниқлаши.</i></p>	8	2	4	
3.	<p>Ўсимлик мойлари сифатини баҳолашнинг замонавий воситалари ва усувлари.</p> <p><i>Ўсимлик мойларининг ажратиб олиши ва уларнинг физик-кимёвий кўрсаткичларини аниқлаши</i></p> <p><i>Ўсимлик мойларини рафинациялаш ва олинган мойларнинг физик-кимёвий кўрсаткичларини аниқлаши</i></p>	6	2	2	2
4.	<p>Қаттиқ ёғлар сифатини баҳолашнинг замонавий воситалари ва усувлари.</p> <p><i>Қаттиқ ёғ ва маргарин маҳсулотларининг кўрсаткичларини аниқлаши</i></p> <p><i>Совун маҳсулотларининг кўрсаткичларини аниқлаши</i></p>	4	2	2	
<b>Жами</b>		<b>26</b>	<b>8</b>	<b>14</b>	<b>4</b>

## **НАЗАРИЙ МАШФУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-Мавзу: Ун, ёрма ва омихта ем маҳсулотлари сифатини баҳолашнинг замонавий воситалари ва усувлари.**

1. Дон ва дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида технокимёвий назорат, замонавий таҳлил усувлари ва воситалари.
2. Ун заводларида технокимёвий назорат ва замонавий воситалари ва усувлари.
3. Ёрма заводларида технокимёвий назорат ва замонавий воситалари ва усувлари.
4. Омихта ем корхоналарида технокимёвий назорат ва замонавий воситалари ва усувлари.

### **2-Мавзу: Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари сифатини баҳолашнинг замонавий воситалари ва усувлари.**

1. Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида технокимёвий назорати ва унинг ўрни, замонавий воситалари ва усувлари.
2. Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналаридаги маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналарининг технокимёвий назорати ва унинг ўрни.
3. Нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналарининг технокимёвий назорати ва унинг ўрни, замонавий воситалари ва усувлари.
4. Макарон маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналарининг технокимёвий назорати ва унинг ўрни, замонавий воситалари ва усувлари.
5. Қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналарининг технокимёвий назорати ва унинг ўрни, замонавий воситалари ва усувлари.

### **3-Мавзу: Ўсимлик мойлари сифатини баҳолашнинг замонавий воситалари ва усуллари.**

1. Ўсимлик мойлари ишлаб чиқариш корхоналарида техно-кимёвий назорат, замонавий таҳлил усуллари ва воситалари.

2. Ёғ-мой маҳсулотларини сифат кўрсаткичлари ва уларнинг меъёрлари.

3. Ўсимлик мойларини қайта ишлаш корхоналарида техно-кимёвий назорат, замонавий таҳлил усуллари ва воситалари.

4. Ёғли чиқиндиларни таҳлил қилишнинг замонавий воситалари ва усуллари ҳамда техно-кимёвий назорати.

### **4-Мавзу: Қаттиқ ёғлар сифатини баҳолашнинг замонавий воситалари ва усуллари.**

1. Қаттиқ ёғлар ишлаб чиқариш корхоналарида техно-кимёвий назорат, замонавий таҳлил усуллари ва воситалари.

2. Маргарин маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида техно-кимёвий назорат, замонавий таҳлил усуллари ва воситалари

3. Ёғли чиқиндиларни қайта ишлаш корхоналарида техно-кимёвий назорат, замонавий таҳлил усуллари ва воситалари.

4. Совун ишлаб чиқариш корхоналарида техно-кимёвий назорат, замонавий таҳлил усуллари ва воситалари

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-Мавзу: Дон ва дон маҳсулотлари намлигини аниқлашнинг замонавий воситалари ва усули.**

1. Мавжуд лабораторияларда ҳозирги кунда қўлланилаётган замонавий таҳлил усулини ва воситаларини ўрганиш

2. Мавжуд лаборатория воситалари ёрдамида таҳлил ишларини олиб бориш

**2-Мавзу: Ундаги шикастланган крахмал миқдорини аниқлаш.**

1. Буғдой унидаги шикастланган крахмал миқдорини аниқлаш усулини ўрганиш.
2. Олинган натижаларни таҳлил қилиш ва баҳолаш.

**3-Мавзу: Дон маҳсулотлари сифатини ИК анализатор ИНФРАНЕО**

**CHOPIN Technologies асбобида аниқлаш.**

1. *ИНФРАНЕО CHOPIN Technologies* асбобининг тузилиши ва ишлашини ўрганиш
2. Дон маҳсулотлари сифатини ИК анализатор асбобида аниқлаш усулини ўрганиш.

**4-Мавзу: Дон, ун ва хамирнинг реологик хоссаларини аниқлаш.**

1. Дон ва уннинг реологик хоссаларини аниқлаш усулини ўрганиш.
2. Хамирнинг реологик хоссаларини аниқлаш усулини ўрганиш.

**5-Мавзу: Бижғишда хамир реологик хоссаларини аниқлаш.**

1. Турли унлардан тайёрланган хамирнинг бижғишдаги реологик хоссаларини аниқлаш.
2. Хамирнинг бижғиш жараёнига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш.

**6-Мавзу: Ўсимлик мойларининг ажратиб олиш ва уларнинг физик-**

**кимёвий кўрсаткичларини аниқлаш**

1. Пресслаш усулида мойли хом ашёлардан ўсимлик мойларини ажратиб олиш ва мойнинг физик-кимёвий кўрсаткичларини аниқлаш
2. Экстракциялаш усулида мойли хом ашёлардан ўсимлик мойларини ажратиб олиш ва мойнинг физик-кимёвий кўрсаткичларини аниқлаш

## **7-Мавзу: Ўсимлик мойларини рафинациялаш ва олинган мойларнинг физик-кимёвий кўрсаткичларини аниқлаш**

1. Ўсимлик мойларини ишқорий рафинациялаш ва олинган мойнинг физик-кимёвий кўрсаткичларини аниқлаш
2. Ўсимлик мойларини адсорбцияли рафинациялаш ва олинган мойнинг физик-кимёвий кўрсаткичларини аниқлаш

## **8-Мавзу: Қаттиқ ёғ ва маргарин маҳсулотларининг кўрсаткичларини аниқлаш**

1. Ёғларнинг нур синдириш кўрсаткичини рефрактометрда аниқлаш ва йод сонини ҳисоблаш
2. Маргариндан ёғларни ажратиб олиш ва уларнинг эриш ҳарортаини аниқлаш

## **9-Мавзу: Совун маҳсулотларининг кўрсаткичларини аниқлаш**

1. Совун рецептурасини тузиш ва лаборатория шароитида совун тайёрлаш
2. Совунинг физик-кимёвий кўрсаткичларини аниқлаш

## **КЎЧМА МАШГУЛОТ МАЗМУНИ**

Кўчма машғулот озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи замонавий жиҳозлар билан жиҳозланган инновацион технологияларни қўллаб фаолият юритаётган корхоналарига ташкиллаштирилади.

### **1-кўчма машғулот**

“Donmahsulotlari” ПСЧМ марказий лабораториясига кўчма машғулот ўтиш.

### **2-кўчма машғулот**

“Agro-kimyo standart” МЧЖ синов лабораториясида кўчма машғулот ўтиш.

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- мини-маърузалар ва сухбатлар (диққатни жалб қилишни ўрганишни шакллантиради, маълумотларни қабул қилиш, қизиқувчанликни оширади);
- дидактив ва ролли ўйинлар, давра сухбати;
- баҳс ва мунозаралар (аргумент ва исботларни келтириш шунингдек эшитиш ва тинглаш қобилиятларини ривожлантиради);
- тренинг элементлари (позитив муносабатларни ва эмоционал кўнгилчанликни ривожлантиради).

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

### **“Синквейн” методи**

“Синквейн” методи ўқув материали бўйича мустақил фикр юритишга иборалар такрор ишлатилмаса, тингловчиларнинг фикрлаш доираси янада кенгаяди. “Синквейн” методидан фойдаланиш нисбатан кулайдир. Чунки у тайёргарлик кўриш ва ижро учун ҳам кўп вақтни талаб этмайди. Ушбу методни якка тартибда ва жамоавий тарзда бажариш ҳам яхши натижаларга олиб келади. Шу сабаб, ушбу методдан барча турдаги машғулотларда фойдаланиш мумкин.

“Синквейн” методи ёрдамида донни қайта ишлаш корхона жихозлари билан боғлиқ бўлган ҳар қандай тушунчалар, қоидалар, жараёнлар, технологик ускуналар турлари, технологик параметрлар, унёрма технологиясига чукур кириб бориш, уларнинг моҳиятини очиш, технологик жараёнларни пухта ва мукаммал ўзлаштириш, бир қатор жиҳатларини аниқлаш, уларга ҳар томонлама таъриф бериш мақсадида фойдаланиш мумкин, у талабаларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини шаклланишига олиб келади. “Синквейн” методини кўллаш технологияси бир объект бўйича кўп сонли “Синквейн”

намуналарини тузиш учун имконият яратади, уларда сўз ва иборалар такрор ишлатилмаса, талабаларнинг фикрлаш доираси янада кенгаяди.

### “Синквейн” усулига намуна: “Нон” сўзига тузилган

1. Нон

2. Иссик, жиззали  
3. Корхонада ишилаб  
чиқарилади  
4. Ун, хамиртуруши,  
сув, туз солинади  
5. Маҳсулот

1. Нон  
2. Қолипли, думалоқ  
3. Хомашё солиб  
тайёрланади  
4. Ширмой, каравай,  
батон турлари бор  
5. Неъмат

1. Нон

2. Седанали, гўштили  
3. Лабораторияда  
таҳлил қилинади  
4. Нордонлиги,  
кислоталилиги, говаклиги  
аниқланади  
5. Егулик

### Кичик гурухларда ишлаш

Талабаларни бир неча гуруҳга бўлиб, уларга мавзуга оид аниқ бир масала ёки вазифа устида ишлаш топширилади. Уларга маълум вақт берилади, кейин берилган вақт тугагач ҳар бир гурухнинг ушбу мавзу бўйича қарори, фикрлари тингланади.

Кичик гурухлар услубида машғулот олиб борилганда қуйидагиларга эришилади:

- ҳар бир талабани фаол иштироки таъминланади ва уларнинг фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш имконияти ортади;
- муаммони тез ҳал этиш усули таъминланади. Талабалар қисқа вақт ичida кўплаб янги ғоялар ижодкори бўлишади;
- машғулотнинг исталган вақтида талабаларнинг қизиқишини ортдириш ва бутун катта гурух бўйича муҳокама қилиш имконияти таъминланади;
- айрим талабалар ўзларининг мавзуга оид ушбу муаммо бўйича шахсий фикрларини ўқитувчига айтишдан тортинишади, кичик гурухларда эса улар гуруҳдошлари билан эркин фикр алмашишади, яъни машғулотда фаол иштирок этишади.



### **Ақлий ҳужум**

Республикамиздаги таълим муассасаларида ушбу услубдан 2000 йиллардан бошлаб фойдаланила бошланди. Ушбу услубнинг моҳияти жуда оддий. Талабалар мавзуга оид муаммоли савол ёки масала билан таниширилади. Масала бўйича талабалар ўз ғоя ва фикрларини билдиришлари учун аниқ вақт ажратилади, масалан - 10 минут. 10 минут ичida билдирилган барча ғоялар ва фикрлар ёзиб борилади. Билдирилаётган ғоялар баҳоланмайди, аудиторияда шовқин бўлишига, айrim талабаларанинг бошқа талаба фикри устидан кулиши ёки уни баҳолашига рухсат берилмайди. Ғоя қанча кўп бўлса шунча яхши. Алоҳида фаол талабаларнинг етакчилик қилишларига, яъни фақат бир неча талаба фикр билдиришларига йўл қўйилмайди. Мумкин қадар барча талабалар фикрини баён этишларига имконият яратилади. Вақт тугагач талабаларга экранда ёзилган барча фикрларни ўқиб, мушоҳада қилишларига вақт ажратилади. Кейин ўқитувчи ёрдамида барча ғоялар гурухларга бўлинади ва улар таҳлил қилиниб, энг мақбул вариант танлаб олинади.

## «Ақлий хужум» қоидалари:

- фикр ва ғоялар хеч қандай чекланмаган ҳолда айтилиши лозим;
- билдирилган фикр ва ғоялар тақлифлар бериш түхтатилмагунча мухокама қилинмайди, баҳоланмайди;
- билдирилган хар қандай ғоя ва фикрлар ҳисобга олинади;
- қанча кўп ғоя ва фикрлар билдирилса шунча яхши;
- билдирилган ғоя ва фикрларни тўлдириш ва янада кенгайтириш мумкин;
- барча айтилган тақлифлар ёзиб борилади;
- тақлифларни билдириш учун вақт аниқ белгиланади.

Бу усул барча функцияларни бажаради лекин унинг асосий вазифаси-муаммони мустакил тушуниш ва ечишга таълим олувчиларнинг мотивациясини уйғотишдан иборатdir.

## “Ассесмент” техникаси

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўнилмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўнилмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

**Тест:**  
Грузия давлатининг ион  
маҳсулоти нима деб аталади ?  
а) Ширмой  
в) Шоти  
г) Чурек  
д) Ганжа

**Муамоли вазият:**  
Корхонадаги ишлаб  
нинкарилаётган ионлар  
ёрикли, говаксиз бунга сабаб нима?

**Симптом:**  
Нондаги картошка касаллигини  
келтириб чикарадиган  
микроорганизм бу -

**Амалий Кўнишка:**  
“ Нон турлари ” сўзига “ Синквейн ”  
тузинг

### Тест:

Пархезбон нон турларини ёзилган қаторни кўрсатинг?

- а) Тузсиз, оксили кам, ачиткисиз
- в) Қатлама ва ёғли нонлар
- г) Батон, булочка маҳсулотлари
- д) Оби, ширмой, патир нонлар



### КИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

Нон касаллиги ва нуқсонларини график органайзерларда солиштиринг



### Симптом

Клейковина бу -



### Амалий Кўникма

“Зувала” сўзига кластер тузинг



## Пинбоард усули

- (инглизчадан: **pin** - мустахкамлаш, **board** - доска)
- Бу ўқитиш усулининг моҳияти шундан иборатки, унда мунозара ёки ўқув сухбати амалий усул билан боғланиб кетади. Унинг афзаллик функцияларидан ривожлантирувчи ва тарбияловчи вазифадир: ўқувчиларда мулоқат юритиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади, ўз фикрини фактат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантикий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади.

## Инсерт усули

- Инсерт усули тушунишни күзатиш воситасидир.
- Инсерт- бу ўкув жараёнида ўз англашини фаол күзатиш учун ўкувчиларга имконият берадиган кучли воситадир, чунки шундай ҳоллар борки, одам матнни охиригача ўқиб, у ерда нима ёзилғанлыгини эслаб қололмаслиги мумкин. Бу эса нима ўқиёттанини тушунмай, ўқиши жараёнида фаол бўлишга қатнашмайдиган ва ўз англашини күзатмайдиган ҳолларнинг мисолидир.
- Инсерт - бу матн билан ишлаганда фаолликни кўллаб- кувватлаш учун кучли воситадир.
- Ўкувчи матн билан ишлатганда бир қатор белгиларни кўйиб боради, улар эса қуйидаги маъноларни билдиради:
  - V - билганиларимни тасдиқлайди.
  - + - янги ахборот.
  - - - билганиларимга зид келади.
  - ? - мени ўйлантириб кўйди

### “Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

## “Кейс методи”ни амалга ошириш босқичлари

<b>Иш босқичлари</b>	<b>Фаолият шакли ва мазмуни</b>
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	якка тартибдаги аудио-визуал иш; кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ахборотни умумлаштириш; ахборот таҳлили; муаммоларни аниқлаш
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириқни белгилаш	индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; асосий муаммоли вазиятни белгилаш
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топширигининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; муқобил ечимларни танлаш
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	якка ва гурӯҳда ишлаш; муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

### Амалий вазиятни босқичма-босқич таҳлил қилиш ва ҳал этиш

#### бўйича ўқувчиларга методик қўрсатмалар

#### Кейс-стадини ечиш бўйича индивидуал иш йўриқномаси

1. Аввало, кейс-стади билан танишинг. Муаммоли вазият ҳақида тушунча ҳосил қилиш учун бор бўлган бутун ахборотни дикқат билан ўқиб чиқинг. Ўқиши пайтида вазиятни таҳлил қилишга ҳаракат қилинг.
2. Вазиятдан кейинги саволларга жавоб беринг.
3. Маълумотларни яна бир маротаба дикқат билан ўқиб чиқинг. Сиз учун муҳим бўлган сатрларни қўйидаги ҳарфлар ёрдамида белгиланг:

“Д” (далил) ҳарфи – (шилимшиқ пайдо бўлиши, овқатнинг мазаси бузилиши)

“С” (сабаб) ҳарфи – муаммонинг келиб чиқиш сабаблари: микроорганизмлар кўпайиши, кун иссиқлиги).

“М.Е.” (муаллиф ечими) ҳарфлари – муаллиф томонидан таклиф этилган ечим (“хар қандай шубҳани эътиборсиз қолдирма”)

4. Яна бир бор саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинг.

#### **Гурухларда кейс-стадини ечиш бўйича йўриқнома**

1. Вазиятлар билан танишиб чиқинг.
2. Гурух сардорини танланг.
3. А1 форматдаги қоғозларда қуйидаги жадвални чизинг ва тўлдиринг.
4. Ишни якунлаб, тақдимотга тайёрланг.

#### **Муаммони таҳлил қилиш ва ечиш жадвали**

<b>Муаммони тасдиқловчи далиллар</b>	<b>Муаммони келиб чиқиш сабаблари</b>	<b>Юзага келган вазиятда қўлланилган ечим</b>	<b>Гурух ечими</b>
1.Уннинг сифати пасайғанлиги.	1.Сақлаш жараёнини нотўғри олиб борилиши.	1.Сақлаш жараёнини назоратини кучайтириш	1.Сақлаш жараёнини белгиланган талаблар асосида, маҳсус воситалар ёрдамида олиб бориш.
2.Ундан моғор таъми келиши.	2.Сақлаш параметрларга ўзгартиришлар киритилиши.	2. Лаборатория томонидан текширувларини кенгайтириш	2.Барча технологик жараёнларни инструкцияга асосланиб олиб бориш
3.Унни тановвул килган инсон ёқимсиз таъм сезиши	3.Лаборатория текширувларини яхши ва аниқ ўtkazilmaganligi		3.Лаборатория таҳлилларини аниқ ва замонавий усулларида олиб бориш.

## **«ФСМУ» методи**

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хulosалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хulosалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### **Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хulosса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;
- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.



ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

### **Намуна.**

Фикр: “Дон ва ун таркибидаги клейковинани хусусиятлари”.

Топширик: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

### **III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

#### **1- Маъруза**

**Ун, ёрма ва омихта ем маҳсулотлари сифатини баҳолашнинг  
замонавий воситалари ва усуллари**

#### **Режа:**

1. Ун-ёрма ишлаб чиқариш корхоналарида техно-кимёвий назорат ва замонавий таҳлил усуллари.
2. Омихта ем ишлаб чиқариш корхоналарида технокимёвий назорати ва унинг ўрни, замонавий таҳлил усуллари.

**Таянч сўз ва иборалар:** *дон, ун, ёрма, омихта ем, назорат, сифат, таҳлил, замонавий, тушиши сони, оқлик даражаси, аксесуарлар, таҳлил, дастлабки намуна, синов, қуруқ модда, намнинг массали улуши.*

Ун-ёрма ва омихта ем ишлаб чиқариш корхоналарида техно-кимёвий назорат бўлимининг тузилиши ва ходимлар ўрни унинг сифими ва ишлаб чиқариш фаолиятига боғлиқ ҳолда ташкил қилинади. Дон маҳсулотлари саноатининг корхона техно-кимёвий назорат лабораторияси мустақил бўлинмалардан тузилган бўлади. Улар стандартга, техник талабларга ва кўрсатмаларга қатъий риоя қилган ҳолатда доннинг сифати ва дон маҳсулотларии сифатини аниқлашни таъминлаб беради.

Катта корхоналарда ва дон комбинатларида, уларнинг ичига дон қабул қилувчи корхона, ун, ёрма ва омихта-ем заводлари киради, уларда марказий лаборатория билан бир қаторда алоҳида корхоналарда ва цехларда ҳам лабораториялар бор. Ҳар бир лабораторияни ИЧТЛ бошлигининг ўринбосари, лаборатория мудири ёки катта лаборант иш ҳажмига боғлиқ ҳолда бошқариши мумкин. Унчалик катта бўлмаган корхоналарда ТКН бўлимининг ўрнига фақаг лаборатория ташкил қилинади.

Корхонада техно-кимёвий назорат бўлимининг тузилиши ва ходимлар ўрни унинг сифими ва ишлаб чиқариш фаолиятига боғлиқ ҳолда ташкил қилинади. Дон маҳсулотлари саноатининг корхона техно-кимёвий назорат лабораторияси мустақил бўлинмалардан тузилган бўлади. Улар стандартга, техник талабларга ва қўрсатмаларга қатъий риоя қилган ҳолатда доннинг сифати ва дон маҳсулотлариии сифатини аниқлашни таъминлаб беради.

Катта корхоналарда ва дон комбинатларида, уларнинг ичига дон қабул қилувчи корхона, ун, ёрма ва омихта-ем заводлари киради, уларда марказий лаборатория билан бир қаторда алоҳида корхоналарда ва цехларда ҳам лабораториялар бор. Ҳар бир лабораторияни ИЧТЛ бошлигининг ўринбосари, лаборатория мудири ёки катта лаборант иш ҳажмига боғлиқ ҳолда бошқариши мумкин. Унчалик катта бўлмаган корхоналарда ТКН бўлимининг ўрнига фақат лаборатория ташкил қилинади.

Яна мавжуд замонавий таҳлил усусларидан бири уннинг оқлик даражасини аниқлаш усулидир.

### Уннинг оқлик даражасини аниқлаш асбоби СКИБ-М



Бу асбоб буғдой ва жавдар унларининг оқлик даражасни экспресс аниқлаш учун кўлланилади. СКИБ-М асбоби кўтариб юришга қулайлиги, ишлатишда оддий ва қулайлиги билан ажralиб туради. Бу асбоб юқори навли унларнинг чиқиш миқдорини 1,5-2,0% га оширишга, ностандарт маҳсулотларни ишлаб чиқарилишини олдини олишга, назоратда электр энергия сарфини ва меҳнат кучининг пасайишини ҳамда маҳсулот сифатини бир маромлилигини таъминлайди.

**Тегирмоннинг дон тозалаш бўлимига тушаётган дон массаси сифатига  
қўйиладиган талаблар, %**

Кўрсаткичлар	Буғдой
Намлик	11,5-12,5
Ифлос аралашмаларнинг миқдори (кўп бўлмасин)	2,0
Шу жумладан заарли аралашмалар миқдори	0,2
Минерал моддалар	0,3
Донли аралашмалар миқдори (кўп бўлмаслиги керак)	5,0
Клейковина миқдори (кам бўлмаслиги керак)	25

2-жадвал  
**Буғдой унининг сифат ва миқдор кўрсаткичлари**

Тайёр маҳсулот унининг навлари	Кулдорлиги, %	Йириклиги, %		Клейковина сифати, % кам бўлмасин	Ранги оршанолепти к усулда аниқланади
		Ипак элақдаги қолдиғи (кўп бўлмасин)	Ипак элақдан ўтгани		
Олий	0,55	43/5	-	28	Оқ ёки сарғиш рангли тусли оқ
Биринчи	0,75	35/2	43/80 (кам бўлмасин)	30	Оқ ёки сарғиш рангли тусли оқ
Иккинчи	1,25	27/2	38/65 (кам бўлмасин)	25	Оқ сарғиш ёки кулранг тусли
Жайдари (обойная)	2 ва 0,07 % камроқ, тегирмондан келаётган буғдойдан	067/2	38/30 (кам бўлмасин)	20	Сарик ёки кулранг тусли, оқ кепакли ун

Объектларни таҳлилни ўтказишга тайёрлаш. Хом-ашё, ярим тайёр маҳсулотлар ва тайёр маҳсулотлар сифатини аниқлаш учун намуналар олинади. Бу операция жуда муҳим ва масъулиятли ҳисобланади, чунки тналаб олинган намуна бутун назорат қилинаётган партияning сифатини тўғри акс эттириши лозим. Бунинг учун намуна катта миқдордаги жойлардан олинадиган порциялар (олиб қўйишлар)нинг иложи борича катта миқдоридан тузилади. Порциялар сони қанчалик кўп бўлса, алоҳида порцияларнинг сифати ва таркибини ўртacha қийматлардан у ёки бу томонга тасодифий оғиши бир-бирини компенсация қилиши ва таркиб назорат қилинадиган партияning ўртacha таркибига яқин бўлишининг эҳтимоли шунчалик катта бўлади. Бироқ катта сондаги олиб қўйишлар жуда машаққатли жараён бўлиб, назорат қилинадиган объект турига боғлик равища жуда чекланган бўлиши ва маҳсулот сифати тўғрисида тўғри хulosса чиқариш учун сезиларли таъсир қилмайдиган бўлиши мумкин. Намуна одатда хом-ашё, ярим тайёр маҳсулотлар ва тайёр қандолат маҳсулотларининг алоҳида партияларидан танлаб олинади. Қандолат маҳсулотлари партияси деганла корхона томонидан битта сменада ишлаб чиқарилган ва битта хужжат билан расмийлаштирилган битта турдаги ва номдаги маҳсулотлар кўзда тутилади. Намунани танлаб олишдан олдин назорат қилинадиган партияning хужжатларини (накладной. Сифат гувоҳномалари ва ҳоказолар) текшириш амалга оширилади, Сўнгра таранинг сакланиши, маркировка ва ҳоказолар текширилади.

Дастлабки намуна. Намунани танлаб олиш астлабки намунани танлаб олишдан бошланади. Бундай намуна алоҳида олиб қўйишларнинг қўшилиши орқали тузилади. Бу олиб қўйишлар партияни ташкил этадиган турли жойлардан қадоқларнинг очилган бирликларидан танлаб олинади. Очиладиган қадоқлар бирликлари сони сезиларли даражада ўзгариб туради ва биринчи навбатда бутун партия бўйича қадоқлар бирликлари сони, шунингдек танлаб олинаётган материал хоссаларига, қадоқ турига ва қадоқлаш усулига боғлик бўлади. Фабрикага келиб тушадиган ва ишлаб

чиқаришда қўлланиладиган хом-ашё ва ярим тайёр маҳсулотларни танлаб олишда очиладиган қадоқлар бирликлари сони ана шу операциянинг унга хос бўлган хусусиятлари каби хом-ашё ва ярим тайёр маҳсулотларга бириктирилган тегишли стандартлар билан меъёрга солинади. Агар бундай меъёрлар мавжуд бўлмаса, одатда 10-15% жой танлаб олинади, бироқ камида бешта бирлик бўлиши лозим. Дасталабки намунанинг массаси бир неча граммдан бир ва ундан ортиқ килограммгача бориши мумкин ва маҳсулот тури, партиянинг ўлчами ва бир жинслик даражаси, қадоқлаш дойларининг сони, таранинг тури ва ҳоказоларга боғлиқ бўлади. Суюқ ёки ярим суюқ тузилишга эга бўлган маҳсулотлардан дастлабки намуна олишда уларни яхшилаб аралаштирилади ва дарҳол маҳсус трубкага –пробникка жойлаштирилади. Пробник албатта идиш тубигача туширилади, пробникнинг оғзи ёпилади (бармоқ билан) ва аста-секинлик билан пробник чиқариб олинади. Сўнгра пастки қисми намуна учун мўлжалланган тарага қўйилади ва оғзи очилади. Бунда бутун суюқлик тарага оқиб ўтиши лозим. Сочилувчан маҳсулотлар (шакар, ун, крахмал) намуналари паст қисми ўткирлашган конуссимон ичи ковак стерженни намоён қиласидиган маҳсус шчуп билан олинади. Стерженнинг бутун узунлиги бўйича чўзинчоқ тешик ўтган бўлади, яъни у тешиги дастагида бўлган очиқ тарновчага ўхшайди. Шчуп қопнинг бир нечта жойларига шундай тиқиб олинадики, намунага қопнинг юқори, ўрта ва пастки қисмидан маҳсулот тушсин. Майда қадоқланган маҳсулотлардан (қутилар, пакетлар, банкалар ва ҳоказо) дастлабки намуна олишда қадоқларнинг бутун бирликлари қўлланилади.

Ўртacha намуна. Лаборатория таҳлиллари ёки бошқа синовлар учун мўлжалланган дастлабки намуна қисми ўртacha намуна дейилади. Ўртacha намуна вазни одатда 400—500 г дан ошмайди. Сочилувчан консистенцияга эга бўлган маҳсулотдан (ун, шакар, какао-ловиялари, ёнғоқ магизлари ва ҳоказо) олинган дастлабки намунанинг ўртacha намунаси ажратиб олинаётганида кварталаш усули қўлланилади. Дасталабки намуна яхшилаб аралаштирилади, текис сиртга ёйилади ва қалинлиги 1-1,5 см бўлган юпқа

қатламли квадратлар шаклида текислаб чиқилади. Шундан кейин диагонал бўйича тўртта бир хил қисмга бўлинади, иккита қарама-қаршиси ташлаб юборилади, қолган учбурчаклар эса ўртача намунага киритилади. Агар олинган намуна массаси катта бўлса, операция қайтарилади. Қандолат ишлаб чиқаришнинг баъзи обьектлари бир жинсли бўлмаган тузилмага эга бўлади. Бундай обьектларга қуидагилар киради: карамель ва масаллиқли вафли; шоколад билан глазурланган конфеталар, мармелад, зефир, холва. Бундай маҳсулотлар учун тадқиқотлар ҳар битта ташкил этувчиси учун алоҳида ўтказилади. Алоҳида масаллиқ ва карамел “кўйлаги”, шоколадли глазур ва конфета танаси тадқиқот қилинади. Бу ҳолда лаборатория намунасини олиш учун обьект ташкилий қисмларга шундай ажратилади, натижада карамел массасини аниқлашда унга масаллиқнинг озгина микдорининг тушиши истисно қилинсин ва масаллиқни ажратиб олишда унга карамел массасининг заррачалари ҳам тушмаган бўлсин. Таркиби бўйича бир жинсли бўлган обьектлар учун (ирис, печенеъ ва ҳоказо) ўртача намунадан лаборатори янамунаси кварталаш усули ёрдамида олинади. Сўнгра массаси камида 100 г бўлган намуна яхшилаб аралаштирилади, агар зарур бўлса чинни идишда, гўшт майдалагичда, қирғичда (наиунанинг тузилмаси ва консистенциясига караб) майдаланади, яхшилаб аралаштирилади ва шу заҳоти зич ёпиладиган идишга дойлаштирилади. Майдалаш ва аралаштириш шундай олиб борилади, натижада намнинг йўқотилиши минимал бўлсин. Ишлаб чиқариш жараёнида бевосита поток линиясида лаборатория таҳлили учун намуна олиш зарурияти туғилганда бир хил вақт оралиғида массаси тахминан 200 г бўлган олиб қўйишлар амалга оширилади. Олинган наиуналар бирлаштирилади ва кварталаш орқали массаси тахминан 400 г бўлган ўртача намуна олинади.

Термогравиметрик қуритиш усули. Бу усул тадқиқот қилинаётган обьектдан ҳароратни ошириш орқали намни чиқариб ташлашга асосланган. Тадқиқот обьектининг тортишмаси икки марта тортилади: қуритишгacha ва қуритишдан кейин. Шартли равища нам деб олинадиган

массадаги йўқотиш аниқланади. Усулнинг бундай шартлилиги шу билан шартлашилганки. Қуритишда, намнинг чиқиб кетишидан ташқари, бир қатор қўшимча жараёнлар амалга ошади. Сув буғлари билан биргаликда иситиш вақтида тадқиқот обьектида бўлган кўпчилик учувчан моддалар учиб кетади. Бу биринчи навбатда эссенциялар, спирт ва ҳоказолар. Қуруқ қолдиқдан юзага келадиган бошқа учувчан моддалар ҳам ажралиб чиқиши мумкин. Бу моддаларнинг барчаси сув буғлари билан қуритилганда, таҳлил натижаларини ошириб юборади, яъни сунъий равищда таҳлил қилиш вақтида олинган намлик кўрсаткичини ошириб юборади. Қуритиш вақтида рўй берадиган баъзи жараёнлар аксинча қуруқ қолдиқнинг массасининг кўпайиб кетишига олиб келади. Бундай жараёнларга тадқиқот обьектида мавжуд бўлган ёғларнинг ҳаводаги кислород томонидан оксидланиши киради. Қуруқ қолдиқ массасининг бир оз ошиши шакар, крахмал ва ёғнинг гидролизи натижасида юзага келиши мумкин. Бунда таҳлил натижасининг бузилиб кетиши ошади ва тадқиқот обьекти таркибида бўлган сув қисман учиб кетмасдан, гидролиз реакциясига киришганидан кейин қуруқ қолдиқ таркибида қолиб кетаверади. Таҳлил натижасини бузиб кўрсатадиган бу омилларнинг барчаси вакуумда қуритишни амалга оширса сезиларли даражада камайтирилиши мумкин. Бу ҳолда қуритиш сезиларли даражада паст ҳароратда амалга ошади ва юқорида кўрсатилган омилларнинг таъсири сезиларли даражада камаяди. Қуритиш усули ёрдамида қуруқ моддаларнинг миқдорини аниқлашда қўлланиладиган асосий ускуна бўлиб қуритиш шкафи ҳисобланади. Қуритиш шкафига қуритиш 50 дан 150°C гача ҳароратда амалга оширилади. Ҳарорат одатда автоматик равищда контактли термометр ёрдамида қўллаб-қувватланади. Иситиш электр иситкичлар ёрдамида амалга оширилади. Кўпчилик обьектларни қуритиш учун вакуумли-қуритиш шкафлари қўлланилади. Бу ҳолат таҳлил аниқлигини оширишга ва паст ҳароратда амалг аошириладиган қуритиш давомийлигини камайтиришга имкон беради. Қандолат ишлаб чиқаришининг баъзи обьектлари (ирис, холва, мармелад ва сутли ҳамда

кўпиртириладиган конфета массалари) кварцли қум билан қуритилади. Қум учун маҳсус тайёргарлик талаб этилади (13). Қум билан қуритишда уни массаси бўйича тадқиқот қилинаётган обьектнинг навескасини массаси бўйича 6-8 баравар ошиб кетадиган миқдорда олинади. Қуритиш қопқоқли бюксда амалга оширилади. Бюксга чети кўйдирилган шиша таёқча жойлаштирилади. Аниқлашдан олдин қумли ва таёқчали бюкс қуритиш шкафида 20 дақиқа давомида 130—135°C ҳароратда қуритилади. Шундан кейин қумли ва таёқчали бюкс эксикаторда совутилади, ёпилади ва кейин тортилади. Майдалангандан тадқиқот қилинадиган обьектнинг тортишмаси ана шундай йўл билан тайёрланган бюксга жойлаштирилади. Юқори қайишқоқликка эга бўлган баъзи обьектлар қум билан аралашгандага қумоқларни юзага келтиради. Бундай обьектларда массани қум сирти бўйича бир текис тақсимлаш учун навеска олинганидан кейин навескали ва қумли бюксага тахминан 1 см<sup>3</sup>сув қўшилади. Бюксага сув қўшилганидан кейин бюкс қайнаб турган сув ҳаммолига жойлаштирилади ва навеска таёқча билан қумда эҳтиёткорлик билан тақсимланади. Сув ҳаммолида навеска шиша таёқча билан араштириб турилиб қуритилади. Бундай тайёргарлиқдан кейин навескали, қумли ва таёқчали бюкс қуритиш шкафига жойлаштирилади. Шоколад, какао-кукун, пралин, марципан, печенье, галет, крекерлар, пряниклар ва вафелли қатламлар қуритилганда қум билан қуритишдан фойдаланиш тавсия этилмайди.

Тезлаштирилган усул билан қуритиш. 100—105° ҳароратда доимий массагача классик қуритиш усули жуда кўп вақт олади ва шунинг учун қандолат корхоналарининг лабораторияларида жуда чекланган даражада қўлланилади. Одатда қандолат ишлаб чиқаришида назорат қилиш учун тезлаштирилган қуритиш усули қўлланилади. Қуритиш жараёнини тезлаштириш учун уни юқори ҳароратда олиб борадилар. Бироқ бундай ҳароратда тадқиқот обьектининг кўпчилик ташкилий қисмлари парчаланиб кетиши ва натижани бузиб кўрсатиши мумкин. Тадқиқот қилинаётган материалнинг қисман парчаланиши натижасида юзага келадиган хатони

компенсация қилиш учун қуриши чекланган вақт давомида амалга оширилади. Қуриши вақти чекланганида бутун намликтининг ҳаммаси ажралиб чиқишга улгурмайди ва бунинг натижасида юзага келадиган хатолик юқори қуриши ҳароратида тадқиқот обьектининг парчаланиши натижасида юзага келадиган хатоликни компенсация қилади. Қандолат ишлаб чиқаришининг турли обьектлари учун экспериментал йўллар билан юқорида кўрсатилган хатоликларнинг компенсациясини деярли тенглаштирадиган қуриши давомийлиги топилади. Қуриши  $130\pm2^{\circ}\text{C}$  ҳароратида олиб борилади. Шакарли печенье, чўзинчоқ печенье, галет, крекер, вафелли қатламлар учун қуриши давомийлиги 30 дақиқани ташкил этади; пряниклар, кекслар, торт ва пирожнийларнинг ярим тайёр маҳсулотлари, унли шарқ ширинликлари ва рулетлар учун — 40 дақиқа, қандолат ишлаб чиқаришининг қолган бошқа обьектлари учун - 50 дақиқа. Аниқлаш қўйидагича амалга оширилади. Тадқиқот обьекти яхшилаб шундай қурилилади, иложи борича майдалаш вақтида намнинг йўқотилишини камайсин. Аниқлиги  $\pm0,01$  г. бўлган 3 г ли тортишма олинади. Тортлар ва пирожнийлар учун навеска массасини 5 гача етказишга рухсат этилади. Бюксдаги майдалангандан навеска (зарурат туғилса қум қўшилади, баъзида навескага қумда текис тақсимланиши учун сув қўшилади, бу ҳолда қум аввал сув ҳаммолида қуритиб олинади)  $130^{\circ}\text{C}$  гача қиздирилган қуриши шкафига жойлаштирилади. Агар навеска шкафга жойлаштирилганида ҳарорат пасайиб кетса, вақт саноги ҳарорат яна  $130^{\circ}\text{C}$  гача кўтарилиганидан кейин бошланади. Қуриши тадқиқот қилинаётган обьектга қараб юқорида кўрсатилганидай 30, 40 ёки 50 дақиқа давом этади. Юқорида кўрсатилган давомийликда қуриши тугаганидан кейин навескали бюкса шкафдан олинади ва эксикаторга 30 дақиқага жойлаштирилади, қопқоқ билан ёпилади ва тортиб кўрилади. Намликтининг массали улуши  $B$  (в %) қўйидаги формула бўйича хисобланади

$$B = (m_1 - m_2) \cdot 100 / (\text{Ои}, -t_0), \quad (7)$$

бу ерда  $t_0$ - бюкса массаси, г;  $m_y$ - қуритишгача тортишмали бюкса массаси, г;  $m_z$ — қуритишдан кейинги тортишмали бюкса массаси, г

ЮЧ ли асбобда қуритиш. Асбобнинг ишчи қисми бўлиб силлиқ электр элементлари билан иситиладиган оғир плиталардан иборат бўлган иккита чўянли блок хизмат қиласди. Элементлар плиталар ичидаги монтаж қилинган бўлади. Плиталар инфрақизил нурланиш манбалари ҳисобланади. Майдаланган тадқиқот обьектининг навескаси плиталар орасидаги тирқищдаги маҳсус пакетга жойлаштирилади. Навеска учун пакет елимланмаган қоғоздан тайёрланади. Одатда филтрловчи қоғоз қўлланилади. У томонлари 16 см бўлган квадратлар кўринишида ёки 20x14 см ўлчамдаги тўртбурчаклар кўринишидаги қатламларга кесилади. Пакетлар аввалдан асбоб ичидаги 3 дақиқа давомида  $150^\circ\text{C}$  ҳароратда қурилилади. Қуритилган пакетлар совутилади, тортиб кўрилади ва эксикаторда кўпи билан 2 соат давомида сакланади. Агар тадқиқот обьекти катта намликка эга бўлса, қуритишдан ва тортиб кўришдан олдин пакетга қоғоз варақлари жойлаштирилади. Навеска киритилганида пакет шундай жойлаштириладики, натижада пастида икки қоғоз қатлами бўлсин. Тортишма пакет ичидаги текис тақсимланади. Унинг массаси 4—5 г қилиб олинади. Пакетни ва невескани тортиб кўриш  $\pm 0,01$  г аниқликкача амалга оширилади. ЮЧ асбобда қуритишнинг оптимал давомийлиги ва ҳарорати экспериментал аниқланган ва 1жадвалда келтирилган. Қуритиш тугаганида навескали пакет эксикаторга 1-3 дақиқага жойлаштирилади ва тортиб ўлчанади. Асбобга бир вақтнинг ўзида параллел аниқлашлар учун иккита пакет жойлаштирилиши мумкин. Таҳлил натижалари (7) формула бўйича ҳисобланади.

## ЮЧ ли асбобда қуритиш күрсаткичлари

Тадқиқот обьекти	Давомийлиги	Дақиқа	Харорат
Сутли –помадали конфеталар корпуси	6	170	±2
Мевали-желели конфеталар корпуси	5	170	±5
Помада-яrim тайёр маҳсулот	4	170	±5
Печенье ва пряниклар	3	160-165	±5
Какао-ловиялар	5	155-165	±5
Какао-кукун	5	160-170	±5

Рефрактометр ёрдамида қуруқ моддаларнинг массали улушини аниқлаш. Аниқлаш учун РПЛ-3 ёки УРЛ русумидаги рефрактометр қўлланилади. Бу асбоблар асосан шакарнинг сувли эритмаларида концентрациянинг кенг диапазонида (0 дан 95 фоизгача) қуруқ моддаларнинг миқдорини аниқлаш учун қўлланилади. Қуруқ моддаларнинг миқдорини аниқлаш шкаласидан ташқари бу асбоблар синиш кўрсаткичларини аниқлаш учун маҳсус шкалага эга бўлади. Қуруқ моддаларни аниқлаш шкаласи 20°C ҳароратда тоза сахарозанинг сувли эритмалари бўйича бўлиб чиқилган бўлади. Агар сахарозадан ташқари бошқа шакарлар, масалан инвертли шакар ёки шиннининг қуруқ моддаларини ўзида салаган эритмалар тадқиқот қилинаётган бўлса рефрактометр шкаласининг кўрсаткичлари тўғрилаб чиқилиши лозим. Бундай тўғрилашларни амалга ошириш техникаси қўйида келтирилган. Аниқлаш учун асбоб лампочкаси шундай ўрнатиладики. , натижада ундан тушадиган ёруғлик ойна орқали призмага тушиб турсин. Бўялмаган ёки бир оз бўялган сиртлар учун ёруғлик юқоридаги ойнага йўналтирилади, бўялган суюқликлар учун эса пастдаги ойнага йўналтирилади. Мос равища бошқа ойна парда билан тўсилади. Асбоб кузатувчининг кўзларига мослаб окулярнинг созланишига эга бўлади. Тўғри

ўрнатиш учун унинг каллачаси шундай айлантириладики, натижада шкала ва визир чизигининг тасвири янада аникроқ бўлсин. Одатда аниқлашдан олдин дистилланган сув орқали рефрактометр қўрсаткичларининг тўғрилиги аниқланади. Бунинг учун призма ҳарорати  $19,5—20,5^{\circ}\text{C}$  га етказилади. Шундан кейин юқори приzmани очиб, пастки призмага 2-3 та дистилланган сув томчилари қўйилади. Юқори призма пасткисига яқинлаштирилади. Окуляр тепага сурилади, визир чизиги тўқ ва оч майдончалар чегарасигача сурилади. Агар чегарада камалак полосаси кўринса, у маҳсус компенсатор дастаги ёрдамида бартараф этилади. Ёруғлик сояси ва визир чизигининг чегараси қуруқ моддаларнинг 0%ида ўрнатилган бўлиши лозим. Агар оғиш мавжуд бўлса асбобнинг нол нуқтаси рефрактометрга бириклилган маҳсус кўндаланг калити ёрдамида ўрнатилади. Текширишдан кейин призма вата ёки пахтали материал билан қуруқлатиб артилади. Қуруқ пастки призмага тадқиқот қилинаётган суюқликнинг 2-3 томчиси томизилади, юқори призма пасткисига яқинлаштирилади ва окулярдан кузатиб тўқ ва оч майдонлар чегараси визир чизиги билан устма-уст туширилади ва қўрсаткичлар ёзиб олинади. Натижа қайд этилади ва аниқлаш яна икки марта қайтирилади. Ана шу учта аниқлашларнинг ўрта арифметиги топилади.  $10—30^{\circ}\text{C}$  оралиқда бўлиши лозим бўлган ҳарорат ёзиб олинади. Асбобга бириклилган жадвал бўйича рефрактометр қўрсаткичлари  $20^{\circ}\text{C}$  ҳароратга келтирилади. Сўнгра тадқиқот обьектида бўлган сахарозага йўлдош моддаларни ҳисобга оладиган тўғрилашлар бажарилади. Биринчи навбатда бундай тузатишлар деярли ҳар доим қандолат обьектларида мавжуд бўлган инвертли шакар ва шиннининг бошқа моддалари ҳисобига киритилади. Инвертли шакар ва унинг таркибига кирадиган декстринлар, глюкоза ва малтозанинг синиш қўрсаткичлари сахарозанинг синиш қўрсаткичларидан кам фарқ қилишига қарамасдан, бу моддаларнинг қандолат ишлаб чиқариши обьектидаги миқдори эса катта бўлади ва тўғрилашни киритиш зарурий бўлади. Шиннининг қуруқ моддалари (декстринлар, глюкоза ва и малтоза) натижани турлича бузади, бироқ

натижада юқори натижани беради. Худди шу сабабдан таркибида шинни бўлган қандолат ишлаб чиқариши объектларини таҳлил қилганда рефрактометрдан ўтказиш натижалари камайтирилиши лозим. Шиннининг куруқ моддларига нисбатан тўғрилаш

$Y$  (в %), рефрактометр кўрсаткичларида олиб ташланади ва қуйидаги формула бўйича ҳисобланади

$$\Gamma = -0,033 a, \quad (8)$$

Бу ерда  $a$  - сқуруқ тадқиқот обьектидаги шиннининг қуруқ моддалари миқдори, %. Қандолат маҳсулотларига киритиладиган инверт қиёми рефрактометр кўрсаткичларини пасайтириб юборади. Ана шу бузилишларни компенсация қилиш учун рефрактомерт кўрсаткичларига қўшиш лозим бўлган тўғрилаш  $Y$  ( % да) қуйидаги формула бўйича ҳисобланади

$$\Gamma = -0,026 b, \quad (9)$$

бу ерда  $b$  - тадқиқот обьектидаги қуруқ моддадаги инвертли шакарнинг миқдори, %. Агар тадқиқот қилинаётган обьект таркибида шинни ва инвертли шакар борлиги маълум бўлса, тўғрилаш алоҳида бажарилади, кейин эса ишорани ҳисобга олган қўшилади. 2 ва 3 жадвалларда ана шундай тўғрилашларнинг қийматлари келтирилган бўлиб, улар турли обьектлар учун ҳисоблаб чиқилган бўлади 2 жадвалда — карамел массаси, шакарли-шиннили қиёмлар, шакарли помада ва таркибида факатгина шинни бўлган бошқа обьектлар учун; 3 жадвалда - шиннини тўлиқ киритмаган ҳолда ва инвертли қиёмни қўшган ҳолда тайжадвалёрланган карамел массаси учун тўғрилашлар қийматлари . Бу тўғрилашлар улардаги ишорани ҳисобга олиб қўлланилади. Агар ишора "+" бўлса, қўшилади, агар ишора “-” бўлса, айирилади.

3-жадвал

**Таркибда фақатгина шинни бўлган карамел массаси, шакарли-  
шиннили қиёмлар, шакар помадаси учун тўғрилашларнинг  
қийматлари**

Шинни массали қисмларининг шакарнинг 100 та массали қисмларига тўғри келадиган миқдори	Тўғрилаш. %
50	-0,85
45	-0,78
40	-0,71
35	-0,62
30	-0,55
25	-0,46
20	-0,37
15	-0,27
10	-0,16
5	-0,07

4-жадвал

**Шинни ва инвертли қиём қўшилган карамел массаси учун  
тўғрилашлар қийматлари**

Шинни массали қисмларининг шакарнинг 100 та массали қисмларига тўғри келадиган миқдори	Тўғрилаш. %
40	-0,44
35	-0,33
30	-0,23
25	-0,13
20	0,00
15	+0,12
10	+0,24
5	+0,36

Тадқиқотлар кўрсатганидек, баъзи бир мармелад турлари учун амалий назорат учун етарли бўлган ишлаб чиқариш учун қуйидаги тўғрилашларни қабул қилиш мумкин: олмали мармелад шаклли +0,7; олмали мармелад қатламли +0,9; мармелад желели -0,3. Рефрактометрик усулда қуруқ моддаларнинг миқдорини аниқлашда объект консистенциясига қараб икки хил йўл тутилади. Суюқ консистенция намунаси учун 1-2 томчисини рефрактометр призмасига томизилади. Юқори приzmани пастки призмага зич босилади ва визир тўқ ва оч майдончаларнинг чегаралари билан устма-уст тушмагунча окуляр сурилади ва ана шу ҳолат бўйича қуруқ моддалар шкаласи бўйича қийматлар қайд этилади. Операция уч марта қайтарилади ва ўртача арифметик қиймат ҳисобланади. Рефрактометрда ўрнатилган термометр бўйича 10—30°C атрофида бўлиши лозим бўлган ҳарорат қайд этилади. Агар ҳарорат 20°C дан фарқ қилса, асбобга илова қилинган жадвал бўйича рефрактометр кўрсаткичларига тўғрилашлар қидириб топилади. Тўғрилашни қўшиб ёки айириб, олинган қиймат 20°C га келтирилади. Агар объектда шинни ёки рефрактометр кўрсаткичларини бузиб кўрсатадиган бошқа моддалар мавжуд бўлса, рефрактометр бўйича кўрсаткичлар юқорида кўрсатилгандай тўғриланади. Агар тадқиқот обьекти қаттиқ жисм (карамел массаси) ёки икки фазадан иборат гетероген тизим (помадали масса) бўлса, навеска дастлаб дистилланган сувда эритилади. Бунинг учун навеска қопқоқли тортиб ўлчанган бюксага жойлаштирилади. Тортиб ўлчашдан олдин бюксага иккала учи куйдирилган шиша таёқча жойлаштирилади. Таёқча бюксани ёпишга халақит бермайдиган катталикда бўлиши лозим. Навеска массаси 10 г атрофида, тортиб ўлчашлар 0,01 г аниқликкача амалга оширилади. Навескали бюксага ўлчовчи цилиндр ёрдамида тахминан  $16 \text{ см}^3$  дистилланган сув қуйилади ва навеска эритилади. Эритишни тезлаштириш учун сувни сув ҳаммолида ёки плиткада эҳтиёткорлик билан 40-70°C ҳароратгача иситиш мумкин. Навеска тўлиқ эриб бўлганидан ва совиганидан сўнг бюксани ичидагилар

яхшилаб аралаштирилади, бюкса ёпилади ва 0,01 г аниқликкача бюкса тортиб ўлчанади. Тортиб ўлчашдан сўнг дарҳол эритманинг бир-икки томчиси рефрактометр призмасига томизилади ва рефрактометрлаш амалга оширилади. Қуруқ моддаларнинг массали улуши  $C$  (%) да) қуйидаги формула бўйича топилади:

$$C = \frac{Am_1Im_0}{m_a},$$

бу ерда  $A$  — рефрактометрнинг қуруқ моддалар шкаласи бўйича саноқ , %•  
 $m_a$ — мос равишда навеска эритмасининг ва навесканинг ўзининг массаси,  
г.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

### Назорат саволлари:

1. Объектларни таҳлилни ўтказишга тайёрлаш қандай амалга оширилади?
2. Дастребаки намунани танлаб олишни тушунтириб берин.
3. Лаборатория таҳлиллари ёки бошқа синовлар учун мўлжалланган ўртacha намуна олиш тушунтириб берин.
4. Ун-ёрма ва омиҳта ем ишлаб чиқариш корхоналари технологик лабораториясини (ИЧТЛ) вазифалари.
5. Лабораторияда меҳнатни режалаштириш ва ташкил қилиш.
6. Ун-ёрма заводларида замонавий таҳлил усуллари.
7. Тушиш сони қандай ва қайси асбобда аниқланади?
8. Уннинг оқлиқ даражаси қандай аниқланади?

## **2-Маъруза**

### **Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари сифатини баҳолашнинг замонавий воситалари ва усувлари.**

#### **Режа:**

1. Нон ва нон-булка маҳсулотлари сифатини баҳолаш учун замонавий таҳлил усувлари ва воситалари.
2. Макарон маҳсулотлари сифатини баҳолаш учун замонавий таҳлил усувлари ва воситалари
3. Қандолат маҳсулотлари сифатини баҳолаш учун замонавий таҳлил усувлари ва воситалари

#### ***Таянч сўз ва иборалар:***

*Сертификатлаштириши идораси, хавфсизлик кўрсаткичлари, витамин-минерал аралашма, замонавий ва тежсамкор ускуналар, механизациялаштирилган оқим, марказлашган лаборатория, кимёвий усул, физикавий усул, спектрофотометр, СБЧ-минерализатор, ултрабинафша спектрофотометрии, лойиҳалаштириши, прогрессив, сметани бериши, металломагнит аралашмалар, технологик босқич, масъулияти чекланган жамияти, бугдойнинг қаттиқ навлари, литсензияланадиган фаолият, компания.*

1. Марказлашган лабораторияларида замонавий таҳлил-жохозлари мавжуд. Улар нон маҳсулотларини сифат кўрсаткичларини қисқа вақт ичида аниқлаш имкониятини беради. Ҳозирги кунда нон ишлаб чиқарувчи катта корхоналарида “CHOPIN Technologies” компаниясининг замонавий жиҳозларини учратиш мумкин. “CHOPIN Technologies” компанияси донни, унни ва донни қайта ишлаш маҳсулотларини сифатини назорат қилувчи ускуналар ва технологиялар бўйича тез, қулай ва аниқ таҳлилларни ўтказиб берувчи қурилмаларни ишлаб чиқаради. “CHOPIN Technologies” компаниясининг амалий лабораторияси мутахассислари биокимё, озиқ-овқат саноати ва донни қайта ишлаш соҳасидаги олимлар, мухандислар ва техниклардан иборат. Унинг билими “CHOPIN Technologies” компаниясида 100 йилга яқин тўпланган тажрибалари билан бойитилган.

Улар донни қайта ишлаш соҳасидаги, донни ва унни сифатини назорат қилиш бўйича билимлари туфайли компания марказий ўринни эгаллайдилар. Бу қурилмалар – ишончли, инновацион ва самаралидир.

Уларга мисол қилиб қутиш шкафи донни намлигини аниқлади:

### **1.ЕМ-10 қутиш шкафи** донни намлигини аниқлади.

Бу қутиш шкафида 10 бўлимдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бирига 2 тадан бюклар жойлашади. (20 та намуна 1 вақтда таҳлил қилинади). Бу қурилмага янги намунани киритилганда, аввалроқ киритилган намуналарни қутишига таъсир кўрсатмайди. Мустақил бўлимларда намуналарни намлигини қутиш табиий ҳаво айланиши туфайли рўй беради. Атрофдаги ҳаво қутиш бўлимларига эшикдаги тирқишлир орқали киради, буғланган намлик эса тортиш қувурлари орқали чиқиб кетади.



13-расм.ЕМ-10 қутиш шкафи

Турли донларни (бошоқли, мойли, оқсилга бой ўсимликлар ва бош.) ва донни майдалаш маҳсулотларини (ун, буғдой ёрмаси, кепак ва бош.) таҳлил қилиш ушун ишлатилади.

Қурилманинг технологик кўрсаткичлари:

- ҳарорат  $\pm 0,1^{\circ}\text{C}$  аниқликкача автоматик бошқарилади;
- амалда ишлатиш жуда қулай;

-10 та бир биридан мустақил жойлашган бўлимлари фойдаланиши осонлаштиради ва турли намликдаги намуналар орасида намликни ўтказмайди.


## **2.Rheo F4- хамирни бижғиши хоссаларини аниқлайдиган жиҳоз.**

Бу жиҳоз ўзининг универсаллиги, хамирнинг сифат кўрсаткичларини комплекс тарзда аниқлаб бериши ва ундан фойдаланиши оддийлиги билан ажралиб туради. Rheo F4- жиҳози барча турдаги ачитқили хамирларни таҳлил қилиш қобилиятига эга. У бутунлай автоматик тарзда бошқарилади. Тайёр маҳсулотнинг ҳажми ачитқилар ишлаб чиқараётган CO<sub>2</sub>- газининг миқдорига ва хамирни кўтарилиши, этилиши даврида, шу газни ушлаб қолиш қобилиятига боғлиқ.

Rheo F4- жиҳози ишлаб чиқарилаётган CO<sub>2</sub> –газини ўлчаш, хамир ҳажмини ўлчаш, ғоваклигиниҳамда унинг ферментасия жараёнини барқарорлигини аниқлаб беради.

Rheo F4- жиҳози хамирни бижғиши жараёнини тавсифловчи барча асосий кўрсаткичларни ўлчайди:

- хамирни кўтарилиш динамикасини;
- газ ҳосил қилиш қобилиятини;
- газни ушлаб қолиш қобилиятини;
- тиндириш ва печга қўйишининг энг мақбул вақтини ҳисоблаб беради.
- печга қўйишдан аввал бижғиши ва тиндиришнинг мақбул вақтини аниқлаш;
- янги ва қуритилган ачитқиларни фаолиятини мониторинг;




**14-расм. Rheo F4**

### 3. Mixolab 2- донни, унни ва хамирни хоссаларини аниқлайди.

**Mixolab 2-** қурилмаси дон, ун ва хамирнинг реологик тавсифларни ўлчайди. У барча турдаги донлардан олинган барча навдаги унларни таҳлил қилиш имкониятига эга. **Mixolab 2**-қурилмаси айлантирувчи моментни ва хамир қориша, ҳамда совитишда консистенсиясини ўлчайди. Бундай ёндашув дон ва унни оқсил, крахмал ҳамда бошқа компонентларни сифатини комплекс аниқлаш, уларни ўзаро таъсирини таҳлил қилиш имконини беради. Қурилма хамир қориш ускунасида ҳарорат ўзгаришини автоном назорат қиласи. Тўлиқ таҳлил ўтказиш учун 50 гр.дан кўп бўлмаган ун ёки майдалангандон керак бўлади.

Қурилманинг технологик қўрсаткичлари:

- хамир қориш барқарорлиги ва хамир ҳосил бўлиш вақти;
- клейковина сифати ва қиздириш жараёни унинг денатурасияси;
- крахмални клейстерланиши;
- амилолитик фаоллик;



## 15-расм. Mixolab 2

Бу қурилма ун ишлаб чиқариш корхоналарида ишлатилганда:

1. Қабул қилишда донни таҳлили;
2. Донни заракунандалар билан заарланишини аниқлаш;
3. Помол партияларини ва ун аралашмаларини оптималлаштириш;
4. Тегирмонни турли системаларда олинган маҳсулотларини таҳлил қилиш;
5. Шикастланган крахмални таъсирини баҳолаш.

Бу қурилма нон ишлаб чиқариш корхоналарида ишлатилганда:

1. Ҳосил бўлган ун партиялари сифатини текшириш;
2. Клейчатка миқдори юқори бўлган унларни реологик ҳусусиятларини ўқганиш;
3. Глютениз маҳсулотларни ишлаб чиқариш;
4. Янги рецептуралар ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш технологик линияларини ўрганиш.

Ҳозирги пайтда нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида, саноатнинг барча тармоқлари каби, жадал равиша ўзгаришлар бўлмоқда. Булардан асосийлари: ишлаб чиқариш қувватларини ўзгартириш – бу ҳозирги ишлаб тураётган, амалда эскирган корхоналарнинг қувватларини таъмилаш ишлари, ҳамда техник таъминлашёрдамида ўзгартириш, замонавий технологияларни тадбиқ этиш, ишлаб чиқарishни механизатсиялаш ва автоматлаштириш, барча маҳсулот турларини ассортиментини кенгайтириш ва оширишдан иборат.

Нон ишлаб чиқарishнинг кейинчалик ривожланиб бориши, самарадорлигининг ошиши, тайёр маҳсулотларнинг сифатини ва озиқавий қийматини ўзгартириши барча технологик жараёнларни мукаммаллаштириш ёрдамида амалга ошириши мумкин. Буларнинг натижаси барча жараёнлар билан автоматик бошқаришга, хом ашёлардан самарадорли фойдаланишга имкон яратади, ҳамда автоматлаштирилган корхоналарни лойиҳалашда катта аҳамиятга эга бўлади.

Нон, макарон, қандолат ишлаб чиқариш корхоналарida ҳозирги пайтда барча маҳсулот турларини ишлаб чиқариш асосан узлуксиз-механизациялаштирилган оқимларда амалга оширилади; ушбу оқимлар машина ва аппаратлардан тузилган бўлиб, бир-бири билан органик ҳолатда ўзаро бириктирилган. Маҳсулотлар, ишлар, хизматларнинг сифати, хавфсизлик талабларига риоя қилиниши ва истеъмолчилар ҳукуқларини нотўғри ўлчаш натижаларининг салбий оқибатларидан муҳофаза қилиш муҳим масалалардан ҳисобланади.

2. Озиқ-овқат маҳсулотлари – мураккаб кўп компонентли система бўлиб, уларнинг сифати озиқавий хом ашёларни таркиби ва структурасига, уларга технолигик ишлов беришга ва сақлаш омилларига боғлиқ. Ҳозирги даврда озиқавий хом ашёларни сифатини баҳолаш ва уларни расионал ишлатиш замонавий органолептис ва инструментал таҳлил усусларини кўллаб уларнинг физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиш асосида амалга ошилмоқда.

Замонавий таҳлил усуслари озиқавий хомашёларни ва тайёр маҳсулотларни структурасини, таркибини ва хусусиятларини комплекс ўрганиш имкониятини ҳамда маҳсулотларни сифати ва хавфсизлигини хақоний баҳолаш имкониятини беради.

Замонавий таҳлил усуслари озиқ-овқат маҳсулотларини безарар эканлиги аниқлаб беради, яъни қишлоқ хўжалигига зааркунандалар билан курашишда сепилган пестисидлар, радиоактив изотоплар, сунъий бўёқлар, кимёвий консерванлар, полисиқлик ароматис углеводлар бор-йўқлигини аниқлайди.

Бундан ташқари замонавий таҳлил усуслари озиқ-овқат маҳсулотларини таркиби ва хусусиятларини чуқур ўрганади, органолептис ва оддий физик-кимёвий усуслар илғамаган ўзгаришларни аниқлаб, уларнинг озиқавийлик қимматини, сақлаш шароитлари ва муддатларини белгилаб беради.

Озиқавий хом ашёлар ва тайёр маҳсулотларни сақлаш жараёнларини назорат қилишда ҳарорат, нисбий намлиқ ва бошқа омилларни (ёритилиши, ҳавонинг таркиби ва ҳаракати) дистасион аниқлаш усуллари муҳим аҳамиятга эга.

Озиқ – овқат маҳсулотлари таркибидаги органик ва ноорганик моддалар миқдорини аниқлаш учун **кимёвий усуллардан** фойдаланилади. Маҳсулот таркибидаги қанд, ёғ ва витаминалар миқдорини аниқлаш учун **физик-кимёвий** аниқлаш усуллари қўлланилади. Спектрал таҳлил усуллари ёрдамида маҳсулотларнинг элементар ва молекуляр таркиби, шу жумладан микро-, макроелементлар ва А, К, Б<sub>1</sub>, Б<sub>6</sub> ва бошқа витаминалар миқдори аниқланади.

**Физик таҳлил** усуллари ёрдамида маҳсулотларнинг хавфсизлиги, таркиби ва хусусиятларини ҳар томонлама тавсифлаш имконияти мавжуд бўлади. Физик таҳлил усуллари озиқ-овқат маҳсулотларининг структура-механик, оптис ва электрик хусусиятларини ўрганишга асосланган бўлиб, асосий озиқавий нутриентларни холати ва структурасини аниқлаш имконини беради.

**Микробиологик таҳлил** усули ёрдамида озиқавий хом ашёларни ва тайёр маҳсулотларни микроорганизмлар, яъни бактериялар билан қопланганлик даражасини аниқлаш мумкин.

**Физиологик усуллар** озиқ-овқат маҳсулотларини биологис қимматини ва зарарсизлигини аниқлаш учун ҳамда озиқавий моддаларни ҳазм бўлиш даражасини ва ҳақиқий энергетис қобилиятини аниқлаш учун қўлланилади.

**Органолептик усуллар** хом ашй ова маҳсулотларни сезги аъзолари: кўриш, ҳид, таъм билиш ва ҳис қилиш ёрдамида баҳоланадиган озиқавий қимматини аниқлаб берадиган кўрсаткичларнинг комплексини баҳолаш учун қўлланилади. Органолептик таҳлилнинг муҳим ижобий томони қисқа вақт ичida озиқ-овқат маҳсулотларини ташқи кўриниши, ранги, таъми, ҳиди, консистенсияси ва бош. Хусусиятларини комплекси ҳақида тасаввур

хосил бўлишидир. Олинган натижалар маҳсулот сифатини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга. (Реологик хусусиятларга ёпишқоқлик, қайишқоқлик, эластиклик ва мустаҳкамлик киради).

Ҳозирги вақтда озиқ-овқат маҳсулотларининг сифат кўрсаткичларини аниқлаш учун турли йўллар билан таҳлил ўтказувчи замонавий лабораториялар мавжуд. Лаборатория мутахассислари томонидан қўйидаги кўрсаткишлар аниқлаб берилади:

- оғир металларни аниқлаш;
- мева ва сабзавотларга нитратларни аниқлаш;
- озиқ-овқат маҳсулотларида токсинларни аниқлаш;
- кимёвий таркибини аниқлаш учун сифатли кимёвий таҳлил ўтказиш;
- ГМО бор-ёқлигини аниқловчи кимёвий таҳлил ўтказиш;
- табиий ва сунъий дори воситаларини лабораторияда таҳлил этиш;
- озиқ-овқат маҳсулотларида гармонлар, бўёвчи моддалар ва консервантларни аниқловчи экспертиза ўтказиш.

Шунинг учун озиқ-овқат маҳсулотларнинг олишда сифатини кафолатли бўлишида ҳамма технологик шарт-шароитларга, хом-ашё ва қўшимча маҳсулотларга, жихозлаш материалларга ва бошқаларга эътибор бериш керак.

Реологияни асосий тушунчаси – озиқ-овқат хом ашёларига қўллниладиган деформасия, ёпишқоқлик, қайишқоқлик, мустаҳкамлик тушунчаларини йиғиндисидир. Озиқ-овқат маҳсулотларини сифатини баҳолашда консистенсияга кўп аҳамият берилади. Консистенсияни баҳолашда структура-механик ёки реологик усувлар қўлланилади.

**Реология** – нисбатан янги билимдир, механиканинг физик-кимёвий бўлимини бир қисмидир. У турли моддаларни ва материалларни оқишини ва деформасиясини механика ва мустаҳкамлик назариясини қўллаган ҳолда ўрганади. Барча турдаги хом ашёлар ва тайёр маҳсулотлар ташки куч таъсирида деформацияланиш қобилиятига эга, яъни ўзини шакли ва ўлчамини ўзгартиради.

**Деформация** дейилгандынан ашёлар, хамир ёки тайёр маҳсулотлардаги заррачаларни нисбий сурениши тушунилади. Агар юклама олингандан кейин деформацияниш жойига қайтса, қайишқоқ деформация дейилади. Деформацияниш жараёнида алоҳидан заррачалар орасида ички таъсир кучлари юзага келади. Бу ички кучларни интенсивлигига қараб кучланиш деб аталади.

Ташқи кучлар таъсири тўхтатилгандан кейин структурадаги молекуляр ва бошқа элементларни иссиқлик ҳаракати туфайли кучланиш аста-секин сўрилиб кетади.

**Қайишқоқлик** – бу хом ашёни, хамир ёки тайёр маҳсулотни ҳажмини ва шаклини ташқи кучлар таъсирида ўзгаришига қаршилик қилишидир, яъни массани юклама олингандан кейин ўз шаклини тиклашидир.

**Эластиклик** – бу материални структурани ўзгармасдан кўпроқ ёки камроқ микдорда қайишқоқ орқага қайтувчи деформацияни қабул қилишидир. Эластиклик ва қайишқоқлик орасидаги фарқ шундаки, қайишқоқлик шу лаҳзада пайдо бўлади, эластиклик вақти билан пайдо бўлади.

**Мустаҳкамлик** – бу маҳсулотни бузилишига қаршилик кўрсатишидир.

**Пластиклик** – бу массани юклама таъсирида оқрага қайтмас деформацияланишидир.

**Оқувчанлик** – доимий юклама таъсирида пластис деформацияни алоҳидан ҳолатидир.

Кўпгина озиқавий массалар қаттиқ ва суюқ ҳолатда бўлиб структурасини ҳосил қиласди. Улар физик хусусият хусусият бўйича ўрта ҳолатни эгаллайди. Маҳсулотларга оқсил ва углевод студенлари, турли концентрасиядаги суспензиялар, эмулсиялар ва қўпиклар киради. Бундай системаларнинг ички структираси консистенсияни обьектив баҳоловчи механик хусусиятлар – қайишқоқлик, пластиклик, ёпишқоқлик, мустаҳкамлик хусусиятларини беради. Механик хусусиятлар маҳсулот таркибига киравчи моддаларни табиатига, уларнинг нисбатига ҳамда улар орасидаги таъсир кучларига бевосита боғлиқ бўлади.

Хозирги замонавий таҳлиллардан бири текстура анализаторидан қандолат маҳсулотларини бир қанча таҳлилларини аниқлаш мумкин.

**Текстура анализатор** тавсифи: Текстура анализатори текстура хусусиятларини баҳолайди, куч, масофа ва вақтини сониясига 500 кўрсаткич тезлигига қайд этади, сўнг ўрнатилган эхпонент программаси ёрдамида кўрсатади.

Ишлаб чиқарувчи – Стабие Мисро Системс.


Стабие Мисро Системс компаниянинг қурилмасини мукаммаллиги шундаки, намунани структура-механик хусусиятларини тажрибасини бутун комплексини бажариш мумкин.

Текстура анализаторидан фойдаланиб қандолат маҳсулотларини қўйидаги кўрсаткичларини аниқлаш мумкин:

- қаттиқлиги ва мустаҳкамлик: шоколад, желе, ирис, помадали масса, холва ва марсипанлар учун;
- ёпишқоқлик: чайналувчи конфетлар ва сақичлар, сироплар, музқаймоқ ва ирислар учун;
- оқувчанлик: сироп, асал ва сарамел учун;
- чўзилувчанлик: сақичлар учун;
- қобиқнинг мўртлиги: сирланган маҳсулотлар, чайналувчи конфетлар учун;
- эгулувчан-синиш: сақичлар, печене, плиткали шоколадлар учун;
- консистенсия ва ёпишқоқлик: масалликлар ва қўшимчалар учун;
- синиш кучи: қаттиқ обикидандонлар (легенес) учун;
- қайишқоқлик: зефирлар учун.

**HDP/Ch – қандолат маҳсулотларини ушлаб турувчи** мосламасининг тавсифи: қандолат маҳсулотларини ёпишқоқлигини текширишда ишлатилади. Ушлаб тургич пластинали асосдан ва унинг устига кўйиладиган пружиналарга маҳкамланган бошқа пластинадан иборат. Қандолат маҳсулоти икки пластина орасида жойлаштирилади, устки пластинани маҳсус тешиги бўлади. Бу маҳсулотни қимирлатмасдан (ёки

күзғатмасдан) зондни унинг ичига кириб чиқиши учун қилинган. Юқори пластинанинг тешигини диаметрис 9 мм. Махсулот ичига кирувчи зонднинг диаметрис 8 ммдан ошмаслиги керак.



28-расм. **HDP/Ch** – қандолат маҳсулотларини ушлаб турувчи мосламаси.

ХДП/Ч – қандолат маҳсулотларини ушлаб турувчи мослама бўлиб, маҳсулотга зонд кириб чиқишида уни сурilmаслиги, силжимаслигига ёки зонд ёрдамида чайналувчи конфетларни қаттиқлиги ва ёпишқоқлиги аниқланади.



73-расм. Макарон маҳсулотини чидамлигини аниқлайдиган ускуна.

3. Барча иссиқ тайёр таомлар ва ичимликлар, хамирли кондитер ва булочкали маҳсулотлар, ҳамда яримфабрикатларнингсифати ҳам органолептик усул билан таҳлил қилинади. Улар қўйидаги хусусиятлари бўйича баҳоланадилар: ташқи кўриниш, ранг, консистенсия, ҳид ва таъм, яъни бешта асосий хусусиятлари бўйича. Яримфабрикатлар эса фақат тўрт кўрсаткич бўйича, таъмдан ташқари, органолептик таҳлил қилинадилар. Шу каби кулинария маҳсулотини тайёрлашда ишлатиладиган озиқа хом

ашёси, маҳсулотлар тўрт кўрсаткич бўйича баҳоланадилар. Лекин бу бешта асосий кўрсаткични қандолатмаҳсулотларининг барча турлари сифатини баҳолашда ишлатиш мумкин эмас. Органолептик баҳолаш учун кўрсаткичлар номлари сони маҳсулотнинг турига боғлиқ бўлади ва нисбатан кам сонда бўлиши мумкин.

Қандолат маҳсулоти сифатининг юқорида кўрсатилган асосий кўрсаткичларидан (ташқи кўриниш, ранг, консистенсия, ҳид, таъм) ташқари маҳсулотларнинг айрим гурухлари учун яна қўшимча органолептик кўрсаткичларда таҳлиллар ўтказилади.

*Ташқи кўриниши* – умумий кўриш таассуротини акслантирадиган органолептик характеристика ёки қандолат маҳсулотининг кўринадиган параметрлари мажмуи, у ранг, шакл, тиниклик, ялтираш, кесимдаги кўриниш ва шу кабиларни ўз ичига олади. Бу характеристикаларга қараганда ташқий кўриниш юқорида келтирилган кўрсаткичларни ўз ичига олган комплекс кўрсаткич бўлиб, қандолат маҳсулоти бўйича умумий кўриш таассуротини характерлайди.

*Консистенсия* - таомлар ва кулинария маҳсулотлари сифатининг кўрсаткичи, маҳсулотнинг кўриш, сезиш, қўл бармоқлари анализаторлари, тери ва оғизнинг сезгир мушаклари орқали акс этиладиган хусусиятлари суммасини характерлайди. Маҳсулот сифатини баҳолашда қўйидагилар баҳоланади: маҳсулотнинг агрегат ҳолати (суюқ, қаттиқ, ва ҳоказо), унинг биржинслик даражаси (бир жинсли, пағасимон, творога ўхшаш), механик хоссалари (мўртлик, эгилувчанлик, эластиклик, пластиклик). Тайёр таомлар ва маҳсулотлар турли гурухлари консистенсияси одатда бир неча сўзли таърифлар билан характерланадилар. Масалан, картошка пюреси – бир жинсли, кўпчиган, юмшоқ; шакарли пирожний – сочилувчан, майдалувчан ва ҳоказо. (Қандолатмаҳсулоти сифатини лабораториявий назорати бўйича методик кўрсатмалар).

Консистенсиянинг таърифи ГОСТ Р 53104 - 2008 (95) да берилган. Бу стандартга кўра қандолат маҳсулотининг механик ва тактил

ретсепторлар томонидан қабул қилинадиган реологик (зичлик, ёпишқоқлик даражасига боғлиқ бўлган) характеристикаларидан иборат. Шундай қилиб, консистенсия - физик хоссалар комплекси, у сезги ва эшитиш орқали қабул қилинади.

Консистенсия қандолат маҳсулотлари текстурасининг ташкил этувчиларидан биридир. Текстура деб шундай органолептик характеристика тушуниладики, у қандолатмаҳсулотининг механик, геометрик ва сиртқий характеристикалари мажмуудан иборат бўлиб, механик, тактил, имкониятига қараб визуал ва эшитув ретсепторлари томонидан қабул қилинади.

*Ранг (бўёғи)* - ташқий кўриниш кўрсаткичи, кўринадиган рангдаги қайтган ёруғлик нурлари таъсири остида рўй берган таассуротни характеристрайди (Қандолатмаҳсулоти сифатини лабораториявий назорати бўйича методик кўрсатмалар).

*Ҳид* – бурун бўшлиғида жойлашган ҳидлаш ретсепторлари кўзғалганида вужудга келувчи таассурот. Озуқа маҳсулотлари ҳиди термини билан бир қаторда «аромат» ва «букет» терминлари хам ишлатилади. Аромат – табиий жалб этувчан ҳид, бошланғич хом ашёга (меваларга, сутга, спетсийларга) тааллуқли, букет – пишиб этилиш, ачиш, ферментатсия (пишлоқ, вино, чой) давридаги ҳид. Ароматик моддалар нафас олишда ҳаво билан бирга бурун бўшлиғига киради, шунингдек маҳсулот чайналган пайт тамоқдан ўтиб бурун бўшлиғига тушадилар. «Ҳид», «аромат», «букет» терминлари характеристикасини таҳлил қилиб, «букет» чуқур физик – кимёвий ва биологик, шунингдек микробиологик жараёнлар давридаги технологик қайта ишлаш жараёнида вужудга келишини хulosса қилиб айтиш мумкин. Қандолатмаҳсулотига нисбатан «ҳид» тушунчасининг ўрнига кулинария маҳсулоти, хамирли кондитер маҳсулотларига нисбатан «ёқимли»ни ишлатиш маъқулроқ.

Шундай қилиб, ҳид - сифат кўрсаткичларидан бири, ҳидлаш органлари ёрдамида аниқланади. Ҳид – ҳис, туйғу, бурун бўшлиғининг

юқори қисмida жойлашган ҳидлаш ретсепторлари қўзгалиши натижасидаги таассурот. Ҳид интенсивлиги маҳсулотлар ва уларнинг кимёвий табиатидан ажраладиган учар моддалар миқдорига боғлиқ бўлади.

Асосий органолептик кўрсаткичлардан бири бўлган ҳиднинг нисбатан кичик характеристикаси ГОСТ 53104 – 2008 да келтирилган. Шу ГОСТга кўра, ҳид – органолептик характеристика, нафас олиш пайти қандолатмаҳсулоти учар ароматик компонентларининг ҳидлаш органи томонидан қабул қилинади.

Турли ҳилдаги қандолат маҳсулотлари ҳамда яримфабрикатларнинг нафақат органолептис сифат кўрсаткичлари балки физик-кимёвий сифат кўрсаткичлари ҳам таҳлил қилинади. Бунда улар қўйидаги хусусиятлари бўйича баҳоланадилар: намлиги, нордонлиги, ишқор миқдори, қанд, ёғ миқдори, тайёр маҳсулотнинг ҳажмий оғирлиги ва бошқа кўрсаткичлари.

Ушбу кўрсаткичларни аниқлашда ҳозирги кунда бир қатор замонавий жиҳозлар қўлланилмоқда. Қуйида ушбу таҳлил учун қўлланулувчи замонавий жиҳозлар:

### **БВМ-руsumли нон-булка ва қандолат маҳсулотларининг элестрон ҳажм ўлчагич.**



29-расм. Perten Instruments - Швецияда ишлаб чиқарилган. БВМ- электрон ҳажм ўлчагич нон-булка ва қандолат маҳсулотларининг геометрил ўлчамлари ва ҳажмини лазер мослама ёрдамида автоматик режимда аниқлаш имконини беради. У маҳсулотларни ҳажмий сифимини ҳисоблаш имконини беради.

**Махсус механик тароз.** Тортишнинг энг юқори чегараси: 15, 30, 40 кг (буортмада кўрсатилиши керак); энг қуи чегараси: 5кг. Йўл қуйиладиган хатолик: 5 гр. Косасининг ўлчами: 40 см диаметри. Ўлчамлири: 300x420x710 мм. Оғирлиги: 23 кг.

Махсус тароз қуидагиларни ўлчаш учун мўлжалланган:

- ун,
- сув,
- хамиртуруш,
- шакар,
- туз,
- бошқа сочилиувчан ҳамда суюқ хом ашёлар.



**31-расм. SD Matik – русумли крахмални шикастланиш микдорини таҳлил қилувчи мослама.**

**SD Matik** – ундаги шикастланган крахмалларнинг микдорини аниқлаш учун қўлланилади.

### **32-расм. Намликни аниқловчи ускуна.**

WPS 50 CX – русумли замонавий лаборатория ўлчов қурилмаси бўлиб, қуритишнинг турли кўринишларидан фойдаланиш туфайли моддаларнинг ва материалларнинг қўп турларини таҳлил қилиш имконини беради. Хамир, қуруқ сут, ун, маргарин, маёнез, нон, қоқонлар, қандолат маҳсулотлари, туз, шакер, турли ёрмалар, ошпазлик ёғлари, тухум кукуни, ачитқилар, кунгабоқар ёғИ, сарёғ, музқаймоқ, қаймоқ, чой ва бошқа маҳсулотларни намлигини аниқлайди.



Техниктавсифи: энгмаксималнамунаоғирлиги – 50 гр; энгюқориқуритишҳарорати  $-160^{\circ}\text{C}$ ; қуритишусули – галогенлинурёрдамида; оғирлик ўлчашдагихатолик 0,1 мг, намлик ўлчашдагихатолик 0,01%, қадоқлаш – 50 гр, кутубхонасидаги программаларсони – 99, косасинингдиаметрис – 100 мм.

### 33-расм. Автоматик титрлаш қурилмаси.



Швейсарияда ишлаб чиқарилган. Ўлчаш режимлари:

- сув бўйича титрини аниқлаш ёки сувни сифатини стандарт бўйича аниқлаш;
- натрий тартрат ёрдамида титрни аниқлаш;
- “якка” намуна бўйича аниқлаш;
- Карл-Фишер усули бўйича титрлаш.

Бу қурилмани хотирасида формулалар сақланади ва ўлчашларнинг ўртача қийматини чиқариб беради.

34-расм. **AND MX-50** – русумли намлик ўлчовчи қурилма маҳсулот намлигини тезкор усулда аниқлаш учун мўлжалланган. У намликни термографик усулда аниқлайди. Бу қурилма 2 қисмдан иборат: аналитик тароз ва қуритиш мосламаси.

AND MX-50 қурилмасини ишлаш тартиби намунани қиздиришда буғланаётган намликни таҳлил қилишга асосланган.

Қуйидаги ишлар кетма-кетлиги амалга оширилади:

- нам намуна тортилади;
- иссиқлик таратиш таъсирида намунани қуритиш;
- қуритилган намуна тортилади;
- намлик ҳисобланади.



AND MX-50 намлик ўлчаш қурилмаси озиқ-овқат, кимё, фармацевтика саноатининг турли ишлаб чиқариш ва илмий текшириш лабораторияларида қўлланилади.

35-расм. **Вакуумли қуритиш шкафи** – хом ашё ва материалларни термик қуритиш учун қўлланилади.



Турли тадқиқотлар ўтказишида бу қуритиш шкафи узоқ вақт бир хил ҳароратни ушлаб туради.

Шкафда ҳароратни назорат қилиш системаси мавжуд. Эшикчасига ўрнатилган 2 қаватли ўқ ўтказмайдиган ойнаси ишчи камерани яхши кузатишга имкон беради. Қуритиш шкафини ишчи камераси зангламас пўлатдан тайёрланади.

## **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

1. Республикаизда сифатли нон ишлаб чиқариш учун қандай ишлар олиб борилмоқда?
- 2.“Дон маҳсулотлари ИИЧМ” МЧЖ хузуридаги сертификатлаштириш идорасининг иши нимадан иборат?
- 3.Нон ишлаб чиқаришда марказлашган лабораториянинг иши нимадан иборат?
4. Ноннинг замонавий таҳлил усулларига қайси кўрсаткичлар киради?
5. Нон ишлаб чиқарсиган қандай корхоналар номларини биласиз?
6. Нон маҳсулотларининг замонавий таҳлил усулларига “Кластер” тузинг.
- 7.CHOPIN компаниясининг замонавий жиҳозларини афзаллиги нимада?
- 8.Замонавий таҳлил усуллари билан анъанавий таҳлил усуллари фарқини тавсифлаб беринг?
- 9.“Макиз Барака” масъулияти чекланган жамияти қачон ишга тушган?
- 10.Прогрессив технология нима?
- 11.“Макиз Барака” масъулияти чекланган жамияти макароннинг қандай турларини ишлаб чиқаради?
- 12.Қанақа макарон ишлаб чиқарадиган компанияларни биласиз?
- 13.Янги макарон ишлаб чиқариш технологияси қандай амалга оширилади?
- 14.Бугунги кунда қандай макарон ассортиментлари ишлаб чиқарилмоқда?
- 15.Нима учун макарон маҳсулотларига маккажӯҳори уни қўшилади?
- 16.Клейковинасиз хом ашёлар ҳақида маълумот беринг?
17. Қандолат маҳсулотларининг консистенсияси деганда нима тушунасиз?
- 18.Қандолат саноатида қўлланиладиган замонавий жиҳозларга таъриф беринг?
- 19.Органолептика кўрсаткишларига нималар киради?
- 20.Қандолат маҳсулотларининг сифатини аниклашда қандай замонавий лаборатория жиҳозлари қўлланилади?
21. Физик таҳлил кимёвий таҳлилдан фарқи нимада?

22. AND MX-50 қурилмасини ишлаш тартибини айтинг?
23. Намлик кўрсаткичи тайёр маҳсулотнинг сақлаш муддатига қандай таъсир кўрсатади?
24. Микробиологик ва физиологик таҳлил усулларига таъриф беринг.

### **3-МАЪРУЗА**

#### **Ўсимлик мойлари сифатини баҳолашнинг замонавий воситалари ва усуллари**

**Режа:** Ишлаб чиқаришнинг техно-кимёвий назорати ва тадқиқотнинг боғликлиги. Хомашё, ярим маҳсулот ва тайёрмаҳсулот сифатини баҳолаш усуллари. Намуна олиш ва унинг тадқиқот натижасига таъсири. Мойлар тадқиқотида қўлланиладиган хроматографик усуллар.

Мойларни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш жараёнларини техно-кимёвий назорат қилишда, хамда шу жараёнларни оптималь бошқаришда мухим аҳамиятга эга бўлган илмий тадқиқот ишларида қўлланиладиган маҳсус тадқиқот усуллари билан таниширишdir.

«Умумий биокимё», «Ёғлар ва мойли хомашёлар кимёси» курсларида ўсимликлар, хусусан, мойли хомашёлар ёки мойли уруғлар кимёвий таркиби билан танишилди. Ушбу фан шу мойли хомашёлардан ажратиб олинган моддаларнинг миқдор, сифат таркибини ўрганишнинг назарий ва амалий асосларини ўргатади. У липидлар кимёсини чуқурроқ таҳлил қилиш имкониятини яратади.

Маълумки, кимё, фармацевтика ва озиқ-овқат саноатида ишлаб чиқариш жараёнини бошқариш, яъни хомашё, ярим маҳсулот ва тайёр маҳсулот сифатини баҳолаш лабораторияда амалга оширилади. Бунда қўлланиладиган тадқиқот усуллари қулай, содда ва тезкор бўлиши, хамда технологик жараённинг бузилганлигини акс эттирувчи, асосий сифат кўрсаткичларини аниқловчи усуллар бўлиши керак. Ҳар бир технологик жараёнда мана шундай асосий миқдор ва сифат кўрсатгичлар мавжуд. Масалан, мойларни ишлаб чиқаришда – урганинг мойлилиги, мойларни

рафинация қилишда – кислота сони ва ранглилиги, гидрогенизация қилишда – эриш температураси ва қаттиқлик ва хоказо.

Бу кўрсаткичларни аниқлаш усуслари «Мойларни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш технологияси» фанининг амалий машғулотларида ўрганилади.

Хар қандай тадқиқот асосида тўлиқ, аниқ, ўртача намуна олиш ётади. Чунки, тадқиқот усули қанчалик мукаммал бўлмасин, ажратилган наъмуна тахлил қилинаётган моддани тўлиқ характерламаса, тадқиқотнинг маъноси қолмайди. Намуна ажратиш бир қанча босқичда боради: намуналар йиғиш, умумий наъмуна хосил қилиш, лаборатория ва сўнгра тахлил намунаси гача қисқартириш. Бу босқичларда тасодифий ҳатолар тахлил натижаларининг ортиш ёки камайиш томонига аниқлигини бузади. Бу ҳатоларни инобатга олиб, маҳсус шароитларни танлаш орқали ҳатони минимум даражасига қисқартириш мумкин. Минимум ҳатога эга бўлган натижани олиш шароит танлаш, эҳтимоллар назарияси, ҳатолар ва математик статистика назариялари принциплари асосида амалга оширилиши мумкин.

Сурункали ҳатолар эса тахлил натижасини фақат ортиш ёки фақат камайиш тарафига аниқлигини бузади. Бу ҳатолар намуна ажратиш ускуналарининг номукаммаллиги ёки тадқиқот усулидан чекланишлар йўл қўйилиши натижасида, доимий равишда вужудга келади.

Тўғри ажратилган намунани тахлил қилишдан олдин, уни тахлилга тайёрлаш жараёнлари амалга оширилади. Бу жараёнлар тахлил қилинадиган намунанинг кимёвий таркиби, физик холати, уларнинг микдори каби кўрсаткичларини тўғри аниқлаш учун қулай имконият туғдириши керак. Бу жараёнларга қуритиш ёки чала қуритиш, майдалаш, эрувчан компонентларни ажратиб олиш, аралашмани коммонентларга ажратиш операциялари бўлиши мумкин. Тахлилга тайёрлаш жараёни операцияларига қўйиладиган асосий талаб - намуна таркибига киравчи моддаларнинг ўзгармаслигини сақлаб қолишидир.

Қуритиш ёки чала қуритиш операцияси нам материалларни майдалаш жараёнидан олдин келади. Қуритишдан мақсад материал қаттиқлик коэффициентини бузувчи кучга тенглаштириш, хамда намликтин оптимал даражагача пасайтириб, органик эритувчиларда эрийдиган моддаларни түлиқ экстракциясини амалга ошириш учун шароит яратылады. Агар қуритиладиган материал маълум, аниқ намлик даражасигача қуритилиши керак бўлмаса, унда материал хаво намлик даражасигача, хона ҳароратида қуритилади. Бошқа холларда қуритиш шкафлари, контактли ва сублимацион қуритиш мосламалари, инфрақизил ёки юқори частотали токда ишлайдиган қуритиш ускуналари қўлланилади. Қурутиш ускуналари ва шароитларини танлашда қуритиладиган материалнинг ўзига хос хусусиятлари хисобга олиниши керак. Оксидланиш жараёнининг олдини олиш учун вакуумда ёки инерт газ муҳитида қуритиш лозим.

Материални майдалашда шундай усул танлаш керакки, унда материал ниҳоятда майда дисперс ҳолатгача майдалансин ва унинг таркибидаги моддалар эса ўзгармасин. Моддаларнинг ўзгариши майдалаш жараёнида ажralиб чиқадиган иссиқлик хисобига бориши мумкин. Материалнинг майдаланиш хусусияти унинг қаттиқлиги ва пишиқлигига боғлиқ. Материалга таъсир қилувчи кучнинг таъсир шароитига кўра: эзиб майдалаш, уриб, ишқалаб ва кесиб-синдириб майдалаш усуллари қўлланилиши мумкин. Уриб ва эзиб майдалаш мўрт қаттиқ материалларга қўллансанса, эзиб, ишқалаб майдалаш қовушқоқ материалларга қўлланилади.

Шунинг учун мойли уруғлар липидларини тўлиқ кимёвий таркибини ўрганиш учун барча турдаги липидларни ажратиб олиш имкониятини берувчи маҳсус усулларнинг барчасидан фойдаланилади.

Хар қандай соҳадаги замонавий тадқиқот мақсадга йўналтирилган тажриба натижасини аниқлаш мақсадида, охирги маҳсулот таркибини аниқлашга бориб тақалади. Чунки, маҳсулот таркибининг ўзгариши унинг сифати ва хоссаларини ўзгартиради. Масалан: оқсил таркибига киравчи аминокислоталар таркиби оқсил сифати ва хоссаларини белгиласа, ёғ ва

мойлар таркибига кирувчи ёғ кислоталар турлари ва нисбати ҳамда йўлдош моддалар таркиби мойларни бир-биридан сифати бўйича фарқланишига таъсир қиласи. Махсулот таркибини ўрганиш учун юқорида айтиб ўтганимиздек тахлил учун намуна ажратилади. Мойли хомашёлар ёки ярим махсулотлардан намуна олишда тахлил натижасининг қўлланилиши ва тахлил қилинаётган материал хоссаларига қўра, унинг таркибидаги эрувчан компонентларни ажратиш усуллари танланади. Чунки, эрувчи глицерид ва йўлдош моддалар мойли уруғ материалида турли хил холатда ва боғланган бўлади. Масалан: механик тутилган, сорбцияланган, водород ёки бошқа кучлироқ кимёвий боғланишлар бўлиши мумкин.

Механик тутилган ва сорбцияланган липидлар «эркин липидлар» дейилади. Бу турдаги липидлар мойли уруғ таркибидаги етарли даражада кўп бўлса, сиқиб-пресс slab ажратиб олинади ва миқдоридан қатъий назар Сокслет аппаратида ажратилиши мумкин.

«Боғланган липидлар» этил спиртида қайнатилиб, ёғсизлантирилган материалдан Сокслет аппаратида ажратилади.

«Кучли боғланган липидлар» эса ёғсизлантирилган материалдан, аввал икки марта ишқорнинг спиртли эритмаси билан ишлов бериб, сўнгра ёғ кислоталар ва совунланмайдиган моддаларни петролей эфири билан ажратиб олинади.

Бир мойли хомашёning ўзидан пресс slab ва эритувчи ёрдамида эритиб, ажратилиб олинган, липидлар аралашмаси бўлган, иккита намуна бир-биридан ўз таркиби билан ёки таркибидаги моддаларининг нисбати билан фарқ қиласи.

Шунинг учун, пресс slab олинган мой намунаси фақат физик, теплотехник қўрсаткичларини, ҳамда ёғ-кислота ва глицерид таркибини аниқлаш учунгина тавсия қилинади.

Мойларни ажратиб олиш учун қўлланиладиган органик эритувчилар ҳам хил натижа беради. Масалан, гидрофоб эритувчилардан: петролей

эфири, гексан ва бензин асосан глицеридларни ва жуда кам йўлдаш моддаларни яъни бошқа гурух липидларини экстракциялайдилар. Диэтил эфири ва хлорли органик эритувчилар эса, глицеридлар билан бир вақтда, биринчи эритувчиларга нисбатан, кўпроқ эркин ёғ кислоталарни, фосфатидларни ва пигментларни экстракциялайдилар. Ацетон эса, глицеридларни, эркин ёғ кислоталарни ва пигментларни яхши экстракцияласада, бошқа эритувчиларга нисбатан фосфатидларни деярли ажратмайди. Бу ходисанинг сабабларини кейинроқ кўриб чиқамиз.

Хроматография замонавий физик-кимёвий тадқиқот усули бўлиб, таркиби маълум ва хусусияти бир-бирига жуда яқин бўлган турли моддаларнинг мураккаб аралашмасидаги моддаларни бир-биридан ажратиб, аниқлаб, уларнинг миқдори ва нисбатни тахлил қилиш имкониятини беради. Хроматография лотинча «хромос» - ранг ва «графо» - ёзмок сўзларидан ташкил топган. Биринчи марта 1903йил рус олими М.С.Цвет томонидан ўсимлик пигментларини адсорбцияланиш қобилияти кўра ажратишда янги тадқиқот усули қўлланиб, усулнинг асосий принцип ва техникаси тавсия қилинган ва «хроматография» деб номланган. Хозирги вақтда бу усул ҳам рангли ҳам рангсиз моддалар тахлилида қўлланса ҳам унинг бирламчи номи сақланиб келмоқда. Хозирги вақтда бу усул мустақил ёки бошқа тадқиқот усуллари билан қўшилган холда жуда кенг қўлланилмоқда.

Замонавий хроматографиянинг ўз навбатида хар хил турлари мавжуд. Масалан, адсорбцион-молекуляр хроматография, колонкали хроматография, газ-суюқлик хроматография ва хоказо. Бу усулларнинг бир-биридан фарқи шундаки, айримлари моддаларнинг факат физик ёки кимёвий ёки физик-кимёвий хоссаларига асосланган бўлса, бошқалари қўлланиладиган ускуна ва жихозлари ёки техник воситалари билан ажралиб туради. Чунки, ўрганиладиган махсулот турига кўра хроматографиянинг маълум тури қўлланилади.

Соҳа йўналишига мувофиқ, биз мойли уруғлар ва мойлар таркибини ўрганиш мақсадида кўп қўлланиладиган хроматографик усуллар билан танишамиз. Мойлар тадқиқотида хроматография липидларни глицеридларга ва йўлдош моддаларга ажратиша; глицеридларни тўйинмаганлик даражаси ва молекула оғирлигига кўра ажратиша; ёғ кислоталарни миқдор ва сифат жихатдан ажратиша; мураккаб ёғли аралашмалардан оксидланиш ва сополимеризацияланиш махсулотларини ажратиша, ҳамда шу моддаларни гурухларга бўлиша; стеролларни, каратиноидларни, фосфатидларни ажратиша; аминокислоталарни, қантларни ва бошқа моддаларни ажратиш ва аниқлашда айниқса кенг қўлланилади.

Табиатига кўра хроматография динамик сорбцион жараён бўлиб, гетероген системанинг тасирланувчи фазалари харакатига нисбатан йўналгандир. Хроматография сорбция-десорбция жараёнларининг кўп марта қайтарилиши ва ионалмашиниш ёки моддаларнинг гетероген системадаги иккита ўзаро таъсиранувчи фазалари орасидаги қайта тақсимланиши билан характерланади.

Таъсир қилувчи сорбцияловчи кучларнинг табиатига кўра хроматография қуйидаги икки турга бўлинади: молекуляр ва хемосорбцион. Молекуляр хроматографияга адсорбцион ва тақсимловчи хроматография усуллари киради. Адсорбцион ва тақсимловчи хроматографияларда молекулаларро боғлар кучлари таъсир қилиб, моддаларнинг таъсиранувчи фазалар орасидаги тақсимланиш характери шу кучлар энергиясига боғлиқ. Хемосорбцион хроматографияга эса ионалмашиниш ва чўкмага тушириш хроматография усуллари киради. Бу усулларда моддаларнинг тақсимланишига кимёвий боғлар кучлари таъсир қиласи.

Ундан ташқари хроматография усуллари хроматограммани хосил қилиш техникасига кўра қуйидаги учта тадқиқот услубиятига бўлинади: фронтал тахлил, элюитив тахлил ва сиқиб чиқарувчи тахлил.

Фронтал тахлилда тадқиқот қилинаётган эритма сорбентли колонка орқали филтраниб, бунда бирламчи ёки фронтал хроматограмма олинади.

Элютив (ювиб чиқарувчи) тахлил услуги энг кенг тарқалган хроматография усули бўлиб, бунда, тахлил қилинаётган аралашма эритмаси сорбентнинг юқори қисмига берилиб, сўнгра колонка орқали тоза эритувчи ўтказилиб, аралашманинг айrim компонентлари ювиб чиқарилади.

Сиқиб чиқарувчи тахлил эса, колонка орқали, ажратилаётган аралашманинг бошқа компонентларига нисбатан, кучлироқ сорбцияланувчи моддали эритмани ўтказишга асосланган. Натижада аралашманинг десорбцияланган компонентлари колонкадан сиқиб чиқарувчи фронтидан олдин чиқадилар.

Булардан ташқари хроматография усулларида ишлатиладиган сорбентларнинг турига қараб классификациялаш ҳам кенг тарқалган. Масалан, қоғозли, юпқа қатламли, газ-суюқли ва хоказо.

Хроматографиялаш жараёнини таърифловчи қонунийтларнинг умумий хulosаси шундаки, сорбцияланиш жараёнларида мувозанат турли табиатга эга бўлган кучларнинг бир вақтдаги таъсири туфайли амалга ошади. Шунинг учун хроматографияни таъсир қилувчи кучлар характеристига кўра бўлиш нихоятда шартли бўлиб, бунда барча кучлардан энг кўп таъсир этувчи кучга асосланилган.

Ёғлар кимёсида юқорида кўриб чиқилган хроматография усулларидан энг кўп ишлатиладиганлари: адсорбцион, тақсимловчи ва ионалмашинув усуллари. Юпқа қатламли хроматография тақсимловчи ёки адсорбцион услубларда ишлатилади.

### Адсорбцион-молекуляр хроматография.

Бу усул моддаларнинг ҳар хил адсорбцияланиш хусусиятига асосланган. Бунда тахлил қилинаётган маҳсулот таркибидаги моддаларнинг, хроматографиялаш жараёнида эритма таркибидан тўхтовсиз равиша қаттиқ дисперс фаза юзасига адсорбцияланиши ва

десорбцияланиши амалга ошади. Агар сорбцияланиш тезлиги десорбцияланиш тезлигига teng, яъни сорбент юзасига вақт бирлигиде адсорбцияланаётган молекулалар сони, шу вақт ичиде десорбцияланаётган молекулалар сонига teng бўлса, адсорбцион тенглик вужудга келади. Бу вақтда моддаларнинг сорбент юзасидаги ва эритмадаги концентрациялари ўзгармай қолади.

Адсорбцияланган модда миқдорининг унинг эритмадаги концентрациясига боғлиқлиги Ленгмюр тенгламаси билан ифодаланади.

$$n = \frac{Z \cdot W \cdot C}{t - W \cdot C}$$

Бунда,  $n$  - бир бирлик сорбент юзасига адсорбцияланган модда миқдори.

$Z$  – бир бирлик сорбент юзасида сорбцияланиши мумкин бўлган модданинг максимал миқдори

$W$  - адсорбцияланиш коэффициенти

$C$  - модданинг эритмадаги концентрацияси.

Юқоридаги боғлиқликнинг ўзгармас температурадаги график кўриниши адсорбция изотермаси дейилади.

Суюлтирилмаган эритмаларнинг адсорбцияланиши холати учун адсорбция изостермаси Фрейндлихнинг империк тенгламасига бўйсунади.

$$\Pi = a x c x b$$

Бунда,  $\Pi$  – бир бирлик сорбент юзасига сорбцияланган модда миқдори

$c$  – эритмадаги модда миқдори

$a$  ва  $b$  – берилган система учун доимий бўлган, сорбцияланадиган модда ва адсорбент миқдори.

Адсорбцион хроматография усулининг моҳияти шундаки, органик эритувчида эртилган липидлар аралашмаси, бир-биридан ажратилиш мақсадида, колонкага (шиша найчага) тўлдирилган реакцион инерт сорбент қатлами орқали ўтказилади. Аралашмадаги моддаларнинг турли

сорбцияланиш қобилиятига кўра улар бир- биридан ажаралади. Бунда, кучли сорбцияланувчи моддалар колонканинг юқори қисмида ушланиб қолса, сорбцияланиш қобилияти кам бўлган аралашма таркибидаги моддалар сорбент баландлиги бўйича маълум кетма-кетлиқда қатлам-қатлам бўлиб жойлашадилар. Бу қатламлар орқали тоза эритувчи қуйиб, компонентлар қатламини аниқ чегаралаш мумкин.

Модданинг сорбцияланиш қобилияти унинг кимёвий тузилиши ва табиятига хамда, адсорбентнинг физик ва кимёвий хоссаларига боғлиқ.

Адсорбцион хроматография принципига эга бўлган юпқа қатламли хроматография усули липидлардан фосфатидлар, токафероллар гурухларини аниқлашда қўлланилади.

#### Липидларни таркибий қисмларга ажратиш.

Маълумки, мойлар турли моддалар аралашмасидир. Шунинг учун мойни шартли равишда липид ёки фақат органик эритувчиларда эрийдиган, гидрофоб аралашма деб аташ мумкин.

Маълумки, липидлар ўзининг диэлектрик сингдирувчанлигига яқин бўлган, кам поляр органик эритувчиларда яхши эрийди. Кўпчилик мойларнинг бу кўрсаткичи 3,0-3,2 атрофида. Лекин, липид ёки мой таркибига киравчи унинг компонентлари бўлган триглицеридлар, стероллар, стеринлар, эркин ёғ кислоталар, фосфолипидлар ва бошқалар хар бири ўз диэлектрик сингдирувчанлигига эга. Демак, липидларнинг хар бир компонентини унинг диэлектрик сингдирувчанлигига teng бўлган полярли эритувчи ёрдамида, сорбцияланган қатламдан эритиб, ажратиб олиш мумкин.

Хар бир органик эритувчи маълум диэлектрик ўтказувчанлик – полярликка эга. Масалан, гексан – 1,89; диэтил эфир – 4,34; бензол – 2,2; ацетон – 21,5. Агар 2 та органик эритувчидан аралаш эритувчи тайёрланса, уларнинг хажмий нисбатини ўзгартириш орқали, турли полярликка эга бўлган ёки маълум модда полярлигига мос келувчи, система тайёрлаш

мумкин. Липидларни таркибий қисмларга ажратиш қуйидаги кетма-кетликда ва эритувчи системалар ёрдамида амалга оширилади:

1. Стеридлар – диэтил эфир : петролей эфири = 1:99
2. Триглицеридлар – диэтил эфир : петролей эфир = 4:96
3. Стероллар – диэтил эфир : петролей эфир = 10:90
4. Эркин ёғ кислоталар – диэтил эфир : петролей эфир – 50:50
5. Фосфолипидлар – метанол : диэтил эфир = 25:75.

Липидлардан ажратиб олинган хар бир фракциянинг аввалам бор миқдори ўлчаниб, компонентлар нисбати аниқланади. Бу кимёвий тадқиқотнинг энг биринчи босқичи. Кейинги босқичларда липидларнинг совунланувчи ва совунланмайдиган компонентлари айрим-айрим миқдори ва сифати тахлил қилинади.

Хусусан, совунланмайдиган липидлар фракциясидан олиб қуйидаги компонентларга адсорбцион хроматография ёрдамида тахлил қилиш мумкин:

Углеводородлар – петролей эфири

Тўйинган алифатик спиртлар – хлороформ : петролей эфири – 5:95

Холестероллар – хлоформ : петролей эфири - 10:90

Бошқа стероллар – хлороформ.

Триглицерид ва эркин ёғ кислоталар фракциялари эса газ-суюқлик хроматография усулидан фойдаланган холда тахлил қилинади .

Тақсимловчи хроматография – мойлар тадқиқотида қофозли, юпқа қатламли ва колонкали кўринишларда кўлланилади. Бу усул 1941 йилда ишлаб чиқилган. Унинг асосига аралашма компонентларининг ўзаро қўшилмайдиган – аралашмайдиган икки суюқ фаза орасидаги тақсимланиш коэффициентлари фарқи қўйилган. Икки суюқлик фазаларидан бири сорбция кучлари ёрдамида тутувчи қаттиқ юзасида харакатсиз турса, иккинчиси тўхтовсиз қаттиқ тутувчи фаза орқали оқиб ўтади ва харакатли фаза дейилади.

Тақсимловчи хроматографияни бажаришнинг мохияти қуйидаги:  
харакатсиз суюқ фазали қаттиқ тутувчи фазага, аниқланиши керак бўлган  
модда жойланиб, у орқали иккинчи харакатли фаза ўтказилади. Икки суюқ  
аза бир-бирига теккан вақтда, модда харакатсиз суюқ фазадан харакатли  
фазага ўта бошлайди. Бу жараён иккала фазада модданинг концентрацияси  
маълум қийматга етгунча давом этади. Концентрациялар нисбати  
Каристанинг тақсимланиш қонунига буйсуниб, қуйидаги формула билан  
ифодаланади:

$$C_1 / C_2 = \text{const} = K$$

Бунда,  $C_1$  - модданинг харакатсиз фазадаги концентрацияси

$C_2$  – модданинг харакатли фазадаги концентрацияси.

$K$  – тақсимланиш коэффициенти.

Хар бир модданинг икки фаза орасидаги тақсимланиш  
коэффициенти, ўзхгармас температурада, доимийdir. Аралашманинг  
ажратилиши керак бўлган моддалари хар хил тақсимланиш  
коэффициентига эга бўлганлиги сабабли, хар хил тезликда  
харакатланаётган фазага ўтиб, қаттиқ тутувчи фаза бўйлаб харакатланади  
ва шу тариқа бир-биридан ажралади.

### Қоғозли хроматография

Қоғозли хроматография 1943 йил тавсия этилган. Бу усул  
бажарилишининг соддалиги, ускунанинг оддийлиги хамда жуда оз  
микдордаги турли органик ва ноорганик моддаларни тахлил қилишдаги  
универсаллиги билан ажралиб туради. Аралашма таркибидаги моддаларни  
ажратишнинг бу усули юқоридаги тақсимловчи хроматографиянинг  
кўринишларидан бири бўлган юпқа қатламли кўринишидир. Юқорида  
таъкидланганидек хроматография қоғозида моддалар аралашмасининг бир-  
биридан ажралиши уларнинг ўзаро аралашмайдиган иккита суюқ –  
харакатланувчи ва харакатсиз фазалар орасида тақсимланиш  
коэффициентлари орасидаги фарқга асосланган. Харакатсиз суюқ фазани  
тутиб турувчи қаттиқ фаза сифатида маҳсус хроматография қоғозлари

кўлланилади. Хроматография қофози бир текис зичликка эга ва эритувчиларда эриши мумкин бўлган моддалардан тоза бўлиши керак. Харакатланувчи фазани ўтказиш тезликларига кўра қофозларнинг «М» (секин) ва «Б» (тез) маркалари мавжуд. Қофоз ишлатишдан олдин сульфат ёки сирка кислотаси билан ювилади.

Агар қофоз ўрнига шиша пластинкага сурилган адсорбентли қаттиқ фаза кўлланса, бу усул юпқа қатламли препаратив хроматография деб аталади.

Хроматография қилиш учун моддалар аралашмаси, харакатсиз суюқ фаза шимдирилган қофознинг бир четига, кичкина доғ куринишида томизилади ва қофоз хроматография камерасига қуйиб қўйилган иккинчи суюқ эритувчи харакатланувчи фазага туширилади. Қофоз бўйлаб шимилиб бораётган харакатланувчи фаза капилляр кучлар таъсирида доғдаги аралашма моддаларни суриб кета бошлайди. Хар бир модда эса, қофозлар тақсимланиш коэффициентига мувофиқ равища, айрим-айрим доғлар кўринишида, харакатланувчи фаза харакати йўналиши бўйича жойлашади.

Харакатланувчи фаза қўйилган идиш, хроматография камераси цилиндр ёки тўғри тўрт бурчакли шиша идиш бўлиши, фазанинг қофоз бўйича шимилиб бориб, харакатланишини кўзатиш имкониятини беради. Шу билан бирга камера герметик қопқоқли бўлиши, камера мухитининг эритувчилар буғлари билан тўйинган бўлишлик шартини таъминлайди. Агар бу шарт таъминланмаса, ажратилган моддалар фронт чизигига яқинлашган сари бир-бирига уланиб кетиши мумкин.

Фронт чизиги деб, қофозга шимилиб бораётган харакатланувчи фаза чегараси тушунилади. Мураккаб аралашма таркибидаги айрим моддаларни юпқа қатламда бир-биридан ажратилганлигини қўриш учун рангсиз моддаларни доғ кўринишига келтириш ёки топиш керак. Кенг тарқалган усуллардан бири доғларга маҳсус реагентлар, реактивлар ёрдамида ранг беришдир. Бу усуллар хроматограммада топишнинг физик, кимёвий, биологик ва аралаш усуллари бўлиши мумкин.


Айрим-айрим доғлар кўринишидаги ажралган моддаларни айнан қайси модда эканлигини аниқлаш уларни идентификациялаш дейилади. Буялган доғ қайси модда эканлигини аниқлашда  $R_f$  – кўрсаткичи муҳим ахамиятга эга ва қўйидагича аниқланади:

$$R_f = a_n / c$$

Бунда,

$a_n$  – хроматография қоғозига моддалар аралашмаси томизилган нуқта ёки старт чизигидан аниқлананаётган доғнинг ўртасигача бўлган масофа.

$c$  – старт чизигидан эритувчининг фронт чизигигача бўлган масофа (расм)



1, 2.3.4..... – аралашма таркибидаги индивидуал моддалар.

Шундай қилиб,  $R_f$  – хар бир ажратилган модда харакат тезлигининг харакатланувчи фаза тезлигига нисбати бўлиб, хар бир модда учун  $\text{const}$ .

Хроматограммани идентификация қилиш учун тажрибада топилган  $R_f$  қийматлар “гувоҳ” -стандарт аралашмаларни шу шароитда олинган  $R_f$  қийматлар билан солиштирилади ва хар бир доғга мос келувчи модданинг аралашма компонентининг номи аниқланади. Маълум модданинг аниқ бир хил  $R_f$  қийматини фақат бир хил тажриба шароитларида гина олиш мумкин. Шу тариқа, тадқиқот қилинаётган аралашма таркибидаги компонентлар аниқланади.

Аралашмадаги компонентлар миқдор нисбати эса фотометрия, колориметрия, радиометрия каби усуллар билан олинган хроматограмма асосида топилади.

Фотометрия учун ёки бевосита хроматограммадаги моддалар доғлари ёки шу доғлардан олинган экстрактлар ишлатилади. Иккинчи холда, хроматограммадаги моддалар доғлари қирқиб олиниб, эритувчиде эритилади ва маълум тўлқин узунлигига спектрофотометр ёки фотоэлектроколориметрда тахлил қилинади.

Қоғозли хроматограмма суюқ фазанинг харакат йўналиши, қўлланиладиган камера, қоғоз шакли ва ўлчамларига кўра қоғозли хроматографиянинг хар хил турлари қўлланилиши мумкин. Масалан, пастки тушувчи, юқорига кўтарилиувчи, горизонтал ва радиал қоғозли хроматографиялар.

#### *Пастга тушувчи қоғозли хроматография.*

Бунда хроматография қоғози тахлили қилиниши керак бўлган аралашма томизилган тарафи билан камеранинг юқори тарафидаги штокга мустахкамланиб, харакатланувчи фаза юқоридан берилган ва у пастга қараб шимилиб, аста-секин қоғоз бўйлаб оқиб тушади.

#### *Юқорига кўтарилиувчи қоғозли хроматография.*

Бунда хроматография қоғозининг тахлил қилиниши керак бўлган аралашма томизилган тарафи билан камера тубига қуйиб қўйилган харакатланувчи фаза ичига тушириб қўйилади. Аралашма томизилган нуқталар суюқлик ичида қолмаслиги шарт.

#### *Горизонтал қоғозли хроматография.*

Бунда хроматография қоғози тўртбурчак шаклидаги шиша рамкага тортилиб, қарама-қарши икки тарафига, аралашма томизилади ва харакатланувчи фаза шу тарафлардан ўртага қараб, горизонтал жойлашган қоғоз бўйлаб харакатланади.

#### *Радиал қоғозли хроматография.*

Бунда хроматография қоғозининг ўртасидан 1-2 см ли юмалоқ тешик қир-қилиб, шу қоғозга ўхшаш қоғоздан тешикка мос диаметрли найча ясалиб, тешикка жойланади. Найчанинг учи камера тубидаги харакатланувчи фазага тушириб қўйилади. Фаза аввал найчага шимилиб,

ундан қоғозга ўтади. Тешик атрофида айлана бўйлаб томизилган аралашма харакатланувчи фаза билан бирга марказдан радиал харакатланади.

Таърифланган хроматография турларининг қайси биридан фойдаланиш хроматография натижасининг ахамиятига ва тахлил қилинаётган моддалар аралашмасининг хусусиятига боғлиқ. Шу билан бирга хар бир усулнинг ўзига яраша қулайлик ва нокулайликлари бор. Юқорига кўтарилиувчи хроматография ускунасининг содда ва натижанинг аниқлиги билан яхши бўлса, ернинг тортишиш кучи капилляр кучлар харакатига тўсқинлик қилиб, харакатланувчи фаза тезлигини маълум баландликкача чегаралаб қуяди.

Пастга тушувчи хроматографияда эса худди шуларнинг акси.

Радиал хроматографияни  $R_f$  қийматлари бир-бирига яқин бўлган моддаларни аниқлашда қўллаш айниқса қулай. Бу усулнинг яна бир қулайлиги унинг тезлигидир.

Эритувчи системалар танлаганда (харакатсиз ва харакатланувчи) тахлили қилинаётган аралашма ва фазаларнинг хоссаларини инобатга олиш керак.

Гидрофил аралашма тахлил қилинганда (аминокислоталар, углеводородлар ва хоказо) харакатсиз фаза сифатида сув ёки поляр органик эритувчилар қўлланса, харакатланувчи фаза кам поляр органик эритувчи бўлиши мумкин. Гидрофоб аралашмаларни (липидлар) қоғозли хроматография қилиш учун, қоғозга аввал кам учувчан органик эритувчи (керосин, вазелин, парафин юқори температурада қайнавчи углеводородлар) шимдириб олиш керак. Харакатланувчи фаза сифатида эса гидрофил органик эритувчилар қўлланилади (сирка кислота, метанол, ацетон ва бошқалар).

Умуман қоғозли хроматографиянинг қўйидаги умумий қоидалари бажарилиш шарт:

1. Тахлил қилинаётган аралашмадаги моддалар шу системада  $R_f = 0.5\text{-}0.85$  қийматга эга булишлари керак. Бу моддалар хроматограмма бўйича тақсимланишлари керак.

2. Хар бир модда доғи иккинчисидан маълум масофада бўлиши керак.

3. Система тахлил қилинаётган моддалар билан реакцияга киришмаслиги керак.

4. Хар бир модда доғи концентрациясидан қатъий назар аниқ чегарали бўлиши керак.

5. Система доғга ранг берувчи реагент билан таъсир қилмаслиги керак.

6. Система таркиби доимий бўлиши керак.

#### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Коғозли хроматографиянинг ўзига хослиги ва моҳияти нимада?
2. Фронт чизиги ва идентификацияни тушунтиринг.
3.  $R_f$  –кўрсаткични таърифланг.
4. Коғозли хроматография турларини айтинг ва таърифланг.
5. Коғозли хроматография қоидалари қандай?
6. Хроматография усули нимага асосланган?
7. Хроматография усуллари ва уларнинг фарқи нимада?
8. Липидларни таркибий қисимларга ажратиш нимага асосланган?
9. Эрувчанлик қобилияти нимага боғлик?
10. Тақсимловчи хроматографияни таърифланг.
11. 2. Ўртача намунанинг аҳамияти нимада?
12. 3. Ўртача намуна олиш босқичларини айтинг.
13. 4. Тасдификсий хатонинг натижага таъсири қандай?
14. 5. Тахлилга тайёрлаш босқичларини айтинг.
15. Адсорбцион молекуляр хроматография нима?
16. Адсорбцион тезлик нима?
17. Адсорбция изотермаси нима?
18. Адсорбцион молекуляр хроматография нима?
19. Адсорбцион тезлик нима?

## 4-МАЪРУЗА

### ҚАТТИҚ ЁГЛАР СИФАТИНИ БАҲОЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ВОСИТАЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ.


#### Режа:

1. Ёғ кислоталарини ажратиш ва метиллаш усуллари.
2. Газ-суюқлик хроматографияси.
3. Мойларнинг глицерид таркиби. Мойлар тадқиқотида спектроскопиянинг қўлланилиши.
4. Мойли уруғлар ва мой қули таркибини ўрганиш. Рефрактометрия


Учглицеридлар ёғ кислоталар таркибини аниқлашда газ-суюқлик хроматографияси учун ёғ-кислоталарнинг метил эфирлари тайёрланади.

Мойларнинг ва улар таркибига кирувчи совунланувчи липидларнинг (учглицеридлар, фосфолипидлар, гликолипидлар ва бошқалар) ёғ кислоталари таркиби уларнинг асосий физик хоссаларини белгилайди. Хусусан, ёғ кислоталарнинг тўйинмаганлик даражаси айни липидни эриш ва қотиш температурасига бевосита таъсир этади.

Глицеридларни ёғ кислота таркибини аниқлаш учун глицеридлар гидролизланиб, глицерин ва ёғ кислоталар аралашмасига ажратилади. Бу ишни бир неча усулларда амалга ошириш мумкин: глицеридларни этанолда қиздириб совунлаш; глицеридларни глицеринда қиздириб совунлаш; глицеридларни совук совунлаш:



Ёғ кислоталар аралашмасидан хосил бўлган совун молекулалари  $\text{HCl}$  ёки  $\text{H}_2\text{SO}_4$  таъсирида парчалангандагина ёғ кислоталар аралашмаси хосил бўлади:



Шу тариқа ҳосил қилинган ёғ кислоталар аралашмаси таркибини аниқлаш учун уларнинг метил эфирлари ҳосил қилиниб, газ-суюқлик хроматографига берилади. Ёғ кислоталар метил эфирини тайёрланишининг сабаби, уларнинг қайнаш ҳарорати ёғ кислоталарнинг қайнаш ҳароратидан анча паст. Ёғ кислоталар метил эфирларини тайёрлашда асосан иккита усул қўлланилади.

Тригицеридлар ёғ кислоталарини ажратиш. Бунинг учун 2г. триглицидлар намунаси 30мл 2н КОН нинг спиртли эритмасида кайтарувчи совутгич ўрнатилган колбада 30-40 минут кайнатилади ва 30мл иссиқ дистилланган сув қўйилади. Совунланиш тугагач иссиқ совун эритмаси сув хаммолида ушланиб, колбадаги спирт учириб юборилади. Колбага 5-6 томчи метилоранж солиниб, 10мл 10%ли HCl ёки H<sub>2</sub>SO<sub>4</sub> эритмаси қўшилиб, совун парчаланади. Колба совутилади ва бўлиш воронкасига ағдарилади. Воронкадаги аралашмадан ёғ кислоталари петролей эфири билан уч маротаба экстракцияланиб, ажратиб олинади. Яна бўлиш воронкасида ёғ кислоталарининг петролей эфиридаги эритмаси иссиқ сув билан минерал кислота қолдигидан ювиб тозаланади. Сувдан қуритиш учун ёғ кислоталар эритмаси сувсиз Na<sub>2</sub>SO<sub>4</sub> тузининг қатлами орқали ўтказилади. Ёғ кислоталари эриб турган петролей эфири вакуумли хайдаш қурилмасида учирилиб, колбада факт ёғ кислоталари колдирилади.

Газ-суюқлик хроматографияси усулида олинган ёғ кислоталар таркибини аниқлаш учун маълум шароитларда ёғ кислоталарнинг метил эфирларидан фойдаланилади. Шунинг учун олинган ёғ кислоталарининг метил эфирларини тайёрлаш керак

1.Хлорид кислота иштироқида метанол билан метиллаш.

2.Диазометан билан метиллаш.

Ёғ кислоталарини диазометан билан метиллаш.

Диазометанни тайёрлаш учун унинг синтезида ишлатиладиган метилмочевина ва нитрозаметилмочевиналар ҳосил килинади.

*Метилмочевина олиш.* Бунинг учун 250г мочевина ва 85г метиламин хлоридга дистилланган сув кушиб, электроплиткада кайтар совутгичли колбада 3 соат кайнатилади. Сунгра колба совутилиб, 92,5г NaNO<sub>2</sub> кушилади.

*Нитрозаметилмочевина олиш.* Бунинг учун 3литри стаканга 500г муз солиб, унга аста-секин 46,2мл концентранган сульфат кислота кушилади. Бу вактда стакан туз сепилган музли каттарок куйиб, совутиб турилади (-5<sup>0</sup>C). Сунгра стаканга кам-кам, жуда эхтиёткорлик билан юкорида тайёрланган метилмочевина ва NaNO<sub>2</sub> аралашмаси солинади. Реакция тугагач хосил булган нитрозаметилмочевина бюхнер колбасига урнатилган шоте воронкасига солиниб, муздек совук сув билан ювиб, ажратиб олинади.

*Диазометан синтези.* Стакан муз солинган совутиш хаммолига урнатилиб, унга 400мл диэтил эфир ива 30мл 40%-ли KOH эритмаси солиниб, аралаштириб туриб, тайёрланган нитрозаметилмочевинадан 10г кушилади. Реакция тугагач диазометаннинг эфирли эритмаси фильтраниб, ажратиб олинади.

*Ёг кислоталарини метиллаш.* Нихоят тайёрланган диазометан томчилаб ажратиб олинган ёг кислоталарига ажралиб чикаётган газлар тухтагунча кушилади. Бу вактда ёг кислоталарнинг метил эфирлари хосил булади.


Газ-суюклик хроматографида ёг кислоталарини хроматографиялаш. Ёг кислоталари метил эфирлари маҳсус шприц ёрдамида хроматографга киритилади. Хроматографиялаш алангали-ионизацион детекторли «Хром-41» номли газ-суюклик хроматорграфида парлатгич температураси 250<sup>0</sup>C, термостат температураси 197-200<sup>0</sup>C, пулат колонка улчамлари 4мм x 2500мм, ёг кислоталари метил эфирлари учун харакатсиз суюк фаза сифатида 17% полиэтиленсукцинат, катник тутувчи фаза улчами 80-100 меш. булган «Целит – 545» ва улчамлари 60-80 меш. булган chrom аралашмасидан фойдаланиб, харакатланувчи газ фаза сифатида гелий ишлатилган шароитда амалга оширилди.

## Газ-суюқлик хроматографияси.

1952 йилда ишлаб чиқилған газ-суюқлик хроматография усули кейинги вақтда липидлар тадқиқотида кенг қўлланилмоқда. Бунинг сабаби бу усул мураккаб таркибли бир-бирига яқин хусусиятли компонентлардан ташкил топган аралашмалар таркибидаги моддаларни яхши ажратиш ва уларни аниқ миқдор нисбатини аниқлаш имкониятига эга.

Газ-суюқлик хроматографиясининг бошқа тақсимловчи хроматография усулларидан асосий фарқи шундаки, харакатланувчи фаза сифатида инерт газ ишлатилади, харакатсиз фаза эса қаттиқ тутувчига адсорбцияланган суюқликдир. Бу усулда аралашма таркибидаги моддаларни бир-биридан индивидуал холатда ажратиш маҳсус қурилмагазли хроматографларда амалга оширилади.

Хроматографнинг асосий қисмлари қуйидагилар: хроматография колонкаси, детектор васамописең (ёзувчи ускуна). Хроматограф ишлиши учун инерт газ балони уланади: Қуйидаги суратда хроматографнинг принципиал схемаси келтирилган.



Расм. Газ-суюқлик хроматографнинг принципиал тузилиши.

Дунёда шу принципда ишловчи турли конструкциядаги қулай хроматографлар қўлланилади.

Газ-суюқлик хроматографиясини газли хроматографда бажаришнинг мохияти қуйидагича:

Хроматограф колонкаси: харакатсиз суюқ фаза шимдирилган, кукунсимон қаттиқ тутувчи фаза билан тўлдирилади.

Термостатга жойланган колонка қиздирилиб, у орқали доимий тезлиқда инерт газ ўтказилади. Маълум температурага етганда колонкага, микрошприц ёрдамида, тахлил қилинаётган моддалар аралашмаси юборилади. Аралашма юқори температура таъсирида тезда қайнаб, парга айланади. Парланган аралашма компонентларининг бир қисми инерт газ билан бирга харакатланиб, харакатсиз фазада эрийди, бошқалар эса колонка бўйлаб учишни давом эттиради. Парланган компонентнинг харакатсиз фазада эрувчанлиги қанча кам бўлса, у шунчалик тез колонка орқали ўтиб кетади.

Хар бир компонентнинг харакат тезлиги унинг газ ва суюқ фаза орасидаги тақсимланиш коэффициентига боғлиқ.


$$K = \frac{C_c}{C_r} = \text{const}$$

Бунда,  $K$  – компонентнинг тақсимланиш коэффициенти

$C_c$  – компонентнинг суюқ фазадаги концентрацияси.

$C_r$  – компонентнинг газли фазадаги концентрацияси.

Колонкадан чиқаётган инерт газ оқими бирин-кетин аралашма компонентларини олиб чиқади. Хар бир компонент парлари инерт газ хажми билан ажратилган. Колонкадан чиқаётган газ-пар оқимининг ўзгараётган физик ёки кимёвий хоссаси детекторда қайд қилинган сигнали кучайтирилиб, самописеç – чизувчи мослама ёрдамида хроматограмма куринишида чизиб борилади.



Вақт ёки газнинг доимий тезлиқдаги хажмлари  
Хромато<sup>A</sup>граммада О вақт колонкага аралашма юборилган вақтга  
түғри келади.

ОА, АБ, ГД оралиқлар хроматограмма асоси бўлиб, бунда колонкадан фақат инерт газ чиқаётган вақтга мос келади. Хроматограммадаги ОВ оралиқ биринчи компонентнинг тўхташ вақти бўлиб, шу вақтдаги колонкадан ўтган газнинг хажми тўхталиш хажми ( $V_R$ ) дейилади. Тўхталиш хажми хар бир компонентнинг ўзига хос кўрсаткичидир. Лекин, амалда кўпроқ нисбий тўхталиш хажми ( $V_R$ ) тушунчаси қўлланилади ва қуйидаги формула билан хисобланади:

$$V_R = \frac{V_R}{V_{R_{ct}}}$$

бунда,  $V_R$  – айни компонентнинг тўхталиш хажми

$V_{R_{ct}}$  – худди шу колонкада, бир хил шароитда ўлчангандар стандарт модданинг тўхталиш хажми.

Аралашмадаги моддаларнинг ажралиши ёки бўлиниши бир-бирига боғлик бўлмаган шарт шароитда боғлик: бўлиниш коэффициенти ва колонканинг унумдорлиги. Бўлиши коэффициенти хроматограммада чўққиларнинг бир-бирига нисбатан жойлашишини белгиласа, колонка унумдорлиги уларнинг шаклини белгилайди.

Бўлиниши коэффициенти қуйидаги формула билан хисобланади:

$$a = \frac{(V_r)_2}{(V_r)_1};$$

Бунда,  $(V_r)_2$  ва  $(V_r)_1$  – 2 ва 1 компонентларнинг тўхталиш хажми.

Агар  $a=1$  бўлса, компонентлар (моддалар) чўққилари устма-уст тушиб қолади. Бундай холатни харакатсиз фазани ёки температурани ўзгартириш орқали йўқотиши мумкин.

Агар  $a > 1, 2$  бўлсагина компонентлар яхши ажралади.

Хроматограммадаги моддалар чўққиларининг энини ва иккала компонентнинг тўхталиш хажмини орқали, шу компонентларнинг ажралиш даражасини хисоблаш мумкин.

$$A.g = \frac{2\Delta y}{y_1 + y}$$

Бунда,  $y_1$  ва  $y_2 - 1$  ва 2 чўққиларнинг эни.

Ду –компонентлар тўхталиш хажмлари орасидаги фарқ.

Колонка унумдорлиги жуда кўп факторларга боғлиқ бўлиб, асосан колонка баландлиги сифатида тушуниладиган катталик – назарий тарелкага эквивалент баландлик орқали хисобланади. Бунинг учун НТЭБ ни топиш учун колонка узунлиги назарий тарелкалар сонига ( $n$ ) бўлинади.

$$\text{НТЭБ} = \frac{H}{n}; \quad H – \text{колонка узунлиги}$$

$$N = 16 \left( \frac{x}{y} \right)^2; \quad x \text{ ва } y \text{ – хроматограммада кўрсатилган ўлчамлар,}$$

яъни, чўққи баландлиги ва асосининг эни.

Газ-суюқлик хроматографиясининг аниқлигини хроматограммага қараб билиш мумкин. Бунда харакатсиз фазанинг хоссалари ва миқдори, колонканинг узунлиги ва температураси чўққилар орасидаги масофага таъсир қиласа, инерт газ тезлиги ва босими, колонкадаги қаттиқ тутувчи фаза зичлиги, унинг шакли ва кесим юзаси чўққи асосининг энини белгилайди.

Шунинг учун тадқиқот қилинаётган аралашма таркибидан келиб чиқкан холда колонка узунлиги ва шакли танланади. Колонкалар тўғри, U – шаклида ёки спиралсимон шиша, мис, латун каби материаллардан ясалган бўлиши мумкин. Амалда диаметри 4-8 мм ва узунлиги 2-3 метр бўлган колонкалар кўпроқ қўлланилади.

Колонкалар тўлдириладиган қаттиқ тутувчи фазалар механик пишиқ, инерт, йирик ғовакли бўлиши шарт. Амалда кўпроқ целит 545,

ўтга чидамли ғишт С-22, тсермахол, «W» ва «Р» хромосорблари, диатомит ва каолинлар қўлланилади.

Харакатсиз суюқ фазалар сифатида хам, тадқиқот қилинаётган аралашма таркибига кўра ва температурага кўра, хар хил моддалар қўлланилади. Асосий шарт фаза инерт ва айни температурада учмаслиги керак. Масалан: турли заржир узунлигидаги бир асосли карбон кислоталар метил эфирлари  $300^{\circ}\text{C}$  гачап температурада тадқиқот қилинса, апиезол L – қаттиқ фаза қўлланилса, хар хил тўйинганлик даражасига эга бўлган ёғ кислоталар метил эфирлари  $200^{\circ}$  гача температурада тадқиқот қилинганда полиэфирлардан: полиэтиленгликоль-адипат (ПЭГА) ёки полиэтиленгликольсуқцинат (ПЭГС) ёки реоплекс 400 ишлатилади.

Ёғ кислоталари эфирлари ёғ шу ёғ кислоталарининг ўзига нисбатан анча паст температурада қайнайди, шунинг учун ёғ кислоталарининг метил эфирлари қўлланилади. Қайнаш температураси ўз навбатида босимга боғлиқ бўлганлиги учун оптимал босим танланади.

Ёғ кислоталарнинг метил эфирлари эса турли усуллар билан тайёрланади. Масалан: водород хлорид иштирокида диэтил эфир таъсир эттириш, ёки диазометан таъсирида метиллаш ёки глицеридларни метанолиз усулида метиллаш.

Хроматограммали хисоблаш учун хар бир чўққи учбурчак шаклида қўрилиб, чўққи баландлиги асосига кўпайтирилиб иккига бўлинади:

$$S_n = \frac{x \cdot y}{2}; \quad S_n - \text{чўққи (учбурчак) юзаси модда микдори деб қабул қилинади.}$$

Аралашма таркибидағи моддалар микдор нисбатини юзалари йиғиндиси  $\sum S_n$  100% деб қабул қилиниб, хар бир модданинг % микдори куйидаги формула билан аниқланади:

$$Cn = \frac{Sn}{\sum Sn} \cdot 100(%)$$

Бунда, Cn – модданинг аралашмадаги % микдори.

Мойларнинг глицерид таркиби.

Мойлар таркибидаги ёғ кислоталари таркибини қоғозли ёки газ-суюқлик хромотографияси ёрдамида аниқлаш, кейинги босқичда улар таркибидаги глицеридларнинг турини ёки глицеридларнинг фракцион таркибини аниқлаш имкониятини беради.

Бунинг учун авваламбор, мойлар таркибидаги углецирилар юқорида келтирилган калонкали адсорбцион хромаграфия усулида мой таркибидан тоза холатда ажратиб олинади. Глицеридлар тозалиги яна бир бор қоғозли хроматография ёрдамида текширилади.

Тоза углецирилар ёғ кислота таркибини аниқлаш учун уларнинг ёғ кислоталари ажратилади. Ёғ кислоталари бир неча хил усульда ажратиб олиш мумкин: этанолда маълум температурада «иситиб совунлаш» усулида ёки глицеринда «совуқ совунлаш» усулида. Бу усулларнинг мохияти глицеридларнинг маълум мухитда ишқор билан гидролизлаб, ёғ кислоталарининг тузларини (совун) хосил қилиш сўнгра совун эритмасига хлорид ёки сульфат кислота таъсир эттириб, совунни ёғ кислоталаригача парчалашдан иборат. Олинган ёғ кислоталари диазометан ёрдамида метилланиб, ёғ кислоталарининг миқдор нисбати газ-суюқлик хроматография усулида агнқланади. Углецириларнинг фракция таркибини аниқлар – бу уларни группаларга ажратишdir. Бунинг учун глицеринларнинг бўлиши мумкин бўлган таркиби олдиндан қуйидагича хисобланади. Агар мой таркибидаги ёғ кислоталари сони (*n*) 4 га teng бўлса, ундаги турли структурага эга бўлган глицеридларнинг сони *W* та бўлиши мумкин.

$$W = \frac{n^2(n+1)}{2} = \frac{16(4+1)}{2} = 40ma$$

Углицирилар ичида фақат бир хил ёғ кислоталардан хосил бўлганларнинг сони :

$$W_2=n(n-1)=4(4-1)=12 \text{ та}$$

Уч хил ёғ кислоталардан хосил бўлган углицирилар сони:

$$W_3 = \frac{n(n^2 - 3n + 2)}{6} = \frac{4(16 - 3 \cdot 4 + 2)}{6} = 4ma$$

Мойнинг ёғ кислота ва бўлиши мумкин бўлган учглицеридлари сони барча учглицеридлар турлари (комбинациялари) тузиб чиқилдаи. Сўнгра хар бир учглицерид учун полярлик константаси қўйидаги формула бўйича хисобланади:

$$K=100-m-21$$

Бунда,  $m$ - учглицериддаги углеродлар сони.

1- учглицериддаги қўшбоғлар сони

Энди, тажрибада учглицерид группалари қоғозли хромотография усулида ажратилади. Хар бир учглицерид группасининг ёғ кислоталари, яна бир бор, таркиби аниқланади. (газ-суюқлик хромотографиясида).

Хар бир группа ёғ кислота таркибига кўра, масалан, I группа  $L_1$ ,  $O_1$ ,  $C_1$ ,  $P_1$ , ва иккинчи группа  $L_2$ ,  $O_2$ ,  $C_2$ ,  $P_2$ , ёғ кислоталари бўлса. Бунда

О-олеин кислота % миқдори

$\Pi$ -польметин кислота

$C$ -стеарин кислота

$\Lambda$ - линол кислота

Хар бир группанинг,  $(x)$ -1 группа, ва  $(y)$ -2 группа, моляр улушлари хисобланади.  $x/y$

Хисоб қўйидаги формула орқали амалга оширилади.

$$x+y=1 \quad (1)$$

$$L_1 \cdot x + L_2 \cdot y = L_2 + 1$$

$$O_1 \cdot x + O_2 \cdot y = O_2 + 1 \quad (2)$$

Биришчи формуладан:

$$x = 1 - y$$

$$y = 1 - x$$

Иш қийматлари (2) формулага қўйилиб,  $x$  ва  $y$  катталиклари хисобланади.

$$x = \frac{L_2 + 1 - L_2}{L_1 - L_2} = \frac{O_2 + 1 + O_2}{O_1 - O_2}$$

$$y = \frac{L_2 + 1 - L_1}{L_2 - L_1} = \frac{O_2 + 1 + O_1}{O_2 - O_1}$$

Үртача қиймат хар бир кислота учун х нинг йиғиндисини кислоталар сонига бўлиб топилади. У учун ҳам шундай хисобланади. х ва у нинг үртача қиймалари шу бир жуфт ёғ кислота учун х/у нисбат топилади. Сўнгра хар бир учглицерид группанинг поляр нисбати топилиб унинг моляр улуши бирлик деб қабул қилинади.

Ёғ кислота таркиби ва моляр нисбатлар орқали айрим глицеридлар миқдои хисобланади. Пахта мойининг глицеридларининг фракцион таркибини аниқлаш мисолида бу усулни кўриб чиқамиз.

Пахта мойининг ёғ кислота таркиби :

Миристин (M) – 0, 49%

Палмитин (П) – 24, 77%

Пальмитолеин (По) – 0, 57%

Стеарин (C) – 1, 93%

Олеин (O) – 15, 37%

Линол (Л) – 53, 03%

Тажрибада пахта мойи учглицеридларни молярлиги бўйича группаларга бўлиб, ҳар бир группанинг ёғ кислота таркиби аниқланганда куйидаги жадвалдаги натижалар олинган.

Группал ар полярли ги	Глицерид группалар миқдори. Мг.	Ёғ кислоталар таркиби моль, %						Аниқланган глицерид таркиби.
		M	П	ПО	C	O	Л	
0, 16	1, 04	29, 44	29, 44	-	27, 21	32, 3	11, 5	УГ аралашмаси
0, 18	9, 53	0, 25	13, 53	0, 34	0, 28	37, 43	9, 17	
0, 21	30, 48	0, 26	38, 40	0, 39	1, 84	24, 26	34, 84	
0, 25	42, 08	1, 58	21, 04	1, 41	-	11, 29	64, 66	ПЛЛ ва ОЛЛ
0, 32	16, 87	-	-				100	ЛЛЛ

$R_f$  –0, 32 группаси углицеридларининг хаммаси (ЛЛЛ)  $R_f$ -0, 25 группаси эса 63, 12 ва 33, 88 нисбатда ПЛЛ ва ОЛЛ углицеридлардан ташкил топган.

$R_f$ -0, 21 группаси ППЛ, ПОЛ, СЛЛ ва ОЛЛ углицеридлардан ташкил топган (бромидларини солиштириш усулида аникланган). Шу группа углицеридларнинг фоиз таркибини аниқлаш усун, бромидлари хромотограммаси олиниб, ПОЛ ва СЛЛ моляр нисбати аникланган;

$$\frac{СЛЛ}{ПОЛ} = 0,1056 \quad (3)$$

Олинган натижалар бўйича қуйидаги тенгламалар тузилади:

$$СЛЛ=3\cdot С \quad (4)$$

$$ПОЛ+2\cdot ППЛ=3\cdot П \quad (5)$$

$$ПОЛ+2\cdot ООО=3\cdot О \quad (6)$$

Жадвалдаги қийматни (4) формулага қўйилади:  $СЛЛ=3\cdot 1, 84=5, 52$  мол %,  $СЛЛ/ПОЛ$  нисбатдан,

$$ПОЛ = \frac{5,52}{0,1056} = 52,28 \text{мол}%$$

Олинган катталикни (5) тенгламага қўйиб, ППЛ группанинг моляр % миқдори топилади.

$$ППЛ = \frac{3\cdot П - ПОЛ}{2} = \frac{3\cdot 38,40 - 52,28}{2} = 31,46 \text{мол}%$$

(6) тенгламадан ООЛ қиймати аникланади:

$$ОЛЛ = \frac{3\cdot О - ПОЛ}{2} = \frac{3\cdot 24,26 - 52,28}{2} = 1,026 \text{мол}%$$

$R_f$  –0, 18 гурухи ҳам  $R_f$ -2f группаси каби тадқиқот қилиниб, ППО, СПЛ, ПОО, СОЛ, ООО углицеридларидан ташкил топганлиги аникланиб, уларнинг соляр нисбатини хисобланади.

$$\frac{СПП}{ППО} = 0,36724$$

$$\frac{СПП}{ПОО} = 0,61308$$

нисбатлардан тенгламалар тузилади:

$$\text{СОЛ} + \text{СПЛ} = 3 \cdot \text{Л} \quad (7)$$

$$\text{ООО} + \text{СОЛ} + 2 \cdot \text{ПОО} + \text{ППЛ} = 3 \cdot \text{О} \quad (8)$$

$$\text{ПОО} + \text{СПЛ} + 2 \cdot \text{ППЛ} = 3 \cdot \text{П} \quad (9)$$

Моляр нисбатдан фойдаланиб, қуйидаги

$$\text{ППО} = \frac{\text{СПЛ}}{0,36724} \quad (10)$$

$$\text{ПОО} = \frac{\text{СПЛ}}{0,61308} \quad (11)$$

тенгламалар тузилади. Сүнгра (9) тенгламадан

$$\frac{\text{СПЛ}}{0,61308} + \text{СПЛ} + 2 \cdot \frac{\text{СПЛ}}{0,36724} = 3 - \text{П}$$

$$\text{СПЛ} = 16, 17 \text{ мол\%}$$

(7) тенгламадан СОЛ қиймати аниқланади

$$\text{СОЛ} = 3 \cdot \text{Л} - \text{СПЛ} = 3 \cdot 9, 17 - 16, 17 = 11, 12 \text{ мол\%}$$

ПОО нинг микдори (11) тенгламадан топилади:

$$\text{ПОО} = \frac{16,17}{0,61308} = 26,37 \text{ мол\%}$$

ППО нинг микдори эса (9) тенгламадан топилади

$$\text{ППО} = \frac{3\text{П} - (\text{ПОО} + \text{СПЛ})}{2} = \frac{3 \cdot 43,53 - (26,37 + 16,17)}{2} = 44,02 \text{ мол\%}$$

ООО нинг микдори (8) тенглама

$$\text{ООО} = 3 \cdot \text{О} - (\text{СОЛ} + 2 \cdot \text{ПОО} + \text{ППО}) = 3 \cdot 37, 43 - (11, 12 + 52, 74 + 44, 02) = 4, 31 \text{ мол\%}$$

Ҳар бир индивидуал глицеридлар микдори эса, унинг мол\% қийматини унинг глицерид группаси мол\% қийматига кўпайтириш ва 100 га бўлиш орқали топилади.

Шундай қилиб пахта мойининг глицеридлари таркиби аниқланган.

Глицеридлар	Уларнинг мол, % миқдори	глицеридлар	Уларнинг мол, % миқдори
СПП	1, 04	ПОЛ	15, 93
ППО	4, 11	СЛЛ	1, 68
СПЛ	1, 52	ООЛ	3, 12
ПОО	2, 46	ПЛЛ	23, 58
СОЛ	1, 08	ОЛЛ	14, 23
ООО	0, 38	ЛЛЛ	16, 87
ППЛ	9, 59		

### Мойлар тадқиқотида спектроскопиянинг қўлланилиши

Спектрал тахлил ёки спектроскопия модданинг тузилиш тўғрисидаги замонавий тушунчаларнинг ривожланишига имконият яратди. Чунки, спектроскопия асосида моддалар молекула ва атомлари электрон қобиқларининг нурланиш таъсиридаги намоён қиласиган хусусиятлари қўйилган.

Молекулалар спектрини тахлил қилиш орқали молекула тузилиши ва хоссалари, шакли ва ўлчамлари (атамаларо масофа, валент бурчаклари, изомерланиши) кимёвий боғлар энергияси ва табиати, молекулалар тебраниш частотаси, молекула ва атомлараро ўзаро боғлиқлик каби кенг қўламдаги ахборотларни олиш мумкин.

Шу билан бирга спектроскопия тадқиқотлари кимёвий бирикмаларни аниқлаш, уларнинг тозалигини тахлил қилиш, оддий ва мураккаб аралашмалар сифат ва миқдор таркибини билишда, ҳамда айrim кимёвий жараёнлар кинетикасини ўрганишда муҳим амалий аҳамиятга эга.

Спектрал тадқиқот усуллари кимёвий ва физик-кимёвий усуллар билан биргаликда жуда кўп саволларга жавоб топиш имкониятини беради ва шунинг учун фан ва саноатнинг жуда кўп йўналишларида кенг қўлланилади.

Хусусан, бу усул липидлар тадқиқотида мұваффақиятли қўлланилмоқда.

Масалан, ёғ кислоталари ва эфирлари, мойлар ва уларнинг оксидланиш, полимерланиш, гидрогенланиш махсулотлари, тузилиши ва таркиби мураккаб бўлган мойларнинг йўлдош моддалари тадқиқот қилинади.

Бироқ липидлар таркибининг ўта мураккаблиги уларни дастлаб маълум фракцияларга бўлиб, сўнгра тахлил қилишликни, спектрал тахлилнинг йўналишини танлашни тақозо қиласи. Биринчи йўналиш - бу ёғ кислоталар структураси ва хоссалари, эфирлар, глицеридларнинг оксидланиш, полимерланиш ва гидрогенланиш жараёнларида ўзгаришни ўрганиш бўлса, иккинчи йўналиш – мойларнинг йўлдош моддаларини (фосфатидлар, витаминлар, пигментлар, углеводлар, оқсиллар, микроэлементлар) ўрганишдир.

Спектроскопия ўзи нима?

Электромагнит нурланиш спектри оптик қисми таркибига ультрабинафша нурланишнинг вакуум қисми, ультрабинафша нурланишнинг ўзи, кўринувчан ва инфрақизил қисимлари киради. Ҳозирги вақтда спектроскопияда ниҳоятда катта диапазонда тўлқин узунлигига эга бўлган ( $0,15$  дан  $50 \mu$  (микрон)) нурланишлар қўлланилади. Нурланишнинг кўзга кўринувчан ва ультрабинафша қисми тўлқин узунлиги –  $\Lambda$  (ангсрем) ва  $m\mu$  (миллимикрон) да, инфрақизил қисми  $\mu$  (микронда ўлчанади.)

$$[1\text{cm}=10^4\mu=10^7m\mu]=10^8 \text{\AA}$$

Ёруғлик тўлқин узунлиги ( $\lambda$ ) у тарқалаётган мұхитнинг синдириш кўрсаткичига боғлиқ бўлганлиги учун, кўпроқ вакуумдаги қийматига келтирилади. Ундан ташқари спектроскопияда қуйидаги катталиклар қўлланилади:

- Тўлқин сонни ёки частота – ( $\gamma = \frac{1}{\lambda}$ )  $1\text{cm}$  бўшлиққа тўғри келадиган тўлқинлар сони, ўлчам бирлиги,  $\text{cm}^{-1}$

б) Тебраниш частотаси – ( $\omega$ ) 1 секунддаги түлиқ тебранишлар сони, ўлчам бирлиги, сек<sup>-1</sup>

Бу катталиклар ўзаро қуйидагича боғлиқ:

$$\gamma = \frac{1}{\lambda} = \frac{1}{\text{түлкін узунлиги}} = \frac{\text{частота}}{\text{ёргөлік тезлігі}}; \text{ яни}$$

$$\gamma(\text{см}^{-1}) = \frac{1}{\lambda(\text{мм})} \cdot 10^7 = \frac{1}{\lambda(\text{\AA})} \cdot 10^8 = \frac{\omega(\text{сек}^{-1})}{3 \cdot 10^{10}}; \gamma$$

Ёруғлик нурини түлкін узунликлари ҳар ҳил бўлган спектрларга парчалаш махсус спектрал қурилма ёрдамида амалга оширилади. Ҳамма түлкін узунликларига эга бўлган нурланиш тўхтовсиз спектр хосил қиласи. Фақат бир ҳил түлкін узунлигига эга бўлган нурланиш дискрет спектр хосил қиласи.

Масалан, оддий лампа фақат кўз кўрувчи маълум түлкін узунликдаги спектр хосил қиласа, водород лампаси ультрабинафша, силитли лампа ультрақизил спектр хосил қилувчи түлкін узунлигига эга бўлган нур тарқатади. Атом ва молекулаларнинг тарқатиш спектрларини ўлчашга асосланган тадқиқотлар эмиссион спектроскопия бўлимига киради.

Агар мосламанинг тўхтовсиз нур тарқатувчи манба ва уни ўлчовчи ускуна орасига фақат маълум түлкін узунлигини ютувчи модда қўйилса, тўхтовсиз спектрда шу түлкін узунликлари сусайиб, ютиш чизиқлари пайдо бўлади. Шу ходисага асосланган тадқиқотлар адсорбцион спектроскопия бўлимини ташкил қиласи.


Шу билан бирга молекулалар ёруғликни тарқатиб юбориш хусусиятига ҳам эга. Бунинг натижасида спектрда қўшимча чизиқлар пайдо бўлади ва комбинацион тарқатиш деб аталади. Бу усул эмиссион молекуляр спектрал тадқиқот бўлимига киради.

Спектрларни ўлчаш спектрал ўлчаш жихозлари ёрдамида амалга оширилади. Унинг асосий қисмлари: коллиматор, дисперловчи система, камера объективи ва хатловчи мосламадир. (Қуйида схемаси келтирилган).

Климатор ёруғлик манбаидан (1) климатор объектив фокусида (3) жойлашган ускуна тирқишига (2) келаётган ёруғлик оқимини дисперловчи системага (4) тушувчи параллел ҳаракатланувчи ёруғлик тутамига айлантиради.


Дисперловчи система параллел ёруғлик тутамига турли түлкін узунликларига эга бўлган параллел тутамларга бўлиб, ўзидан ҳар хил бурчакларда чиқаради. Камера объективи (5) чиқаётган бу тутамларни фокуслаб, фокал текислиқда (6) кириш тирқишининг монохроматик кўринишини турли түлкін узунликларига мавофиқ равишда акс эттиради.

Хатловчи мосламалар ишлаш принципи бўйича уч хил турда бўлиши мумкин: спектрографлар, спектрофотометрлар, спектрометрлар. Дисперловчи системалар турига кўра ускуналар икки гурухга бўлинади: призмали синдирувчи системалар ва ботиқ ёки текис акс эттирувчи системали ускуналар.



Спектроскопнинг сифати ёруғлик кучи, тақсимлаш қобиляти ва чизиқли дисперсиялаш катталиги билан баҳоланади. Ёруғлик кучи катталиги камера нисбий ўтказиш юзаси  $D/f$  квадратига пропорционал, бунда  $D$ -диаметр,  $f$ -камера объективининг фокус масофаси.

Тақсимлаш қобиляти энг яқин спектр чизиклари тўлқин узунликлари орасидаги фарқ  $\Delta\lambda$ , билан ҳарактерлана



Бу катталик дисперловчи система ва хатловчи мослама тақсимлаш қобиляйтлари йифиндисидан ташкил топади. Призмали синдирувчи системали спектроскоплар тақсимловчи кучи призмалар хусусияти ва ўлчамларига боғлиқ ва қуйидаги формула билан аниқланади.

$$\frac{\lambda}{\Delta\lambda} = t \frac{dn}{d\lambda}$$

$t$ -призма асосининг катталиги

$\frac{dn}{d\lambda}$ -призма материалининг (шиша, кварц) дисперсияси.

Молекуляр спектрал анализ молекулаларнинг ёруғлик ютиш қобилятига, қайсики улар валент электронларининг бошқа молекуляр орбитага ўтишидан келиб чиқкан хусусият бўлиб, молекуланинг ютиш электрон спектрига асосланган. Ҳар бир органик боғ ёки группа маълум тўлқин узунлигини ютади. Масалан,  $C=C$  - ники  $\lambda=193\text{м}\mu$ ,  $\text{COOH}$  - ники  $\lambda=204\text{м}\mu$ ,  $C=C$ - ники  $\lambda=173\text{ м}\mu$ . Булар хромофоралар дейилади.


Түйинмаган ёғ кислоталарнинг цис- ва транс- изомерлари ҳам шундай турли тўлқин узунлигини ютади. Масалан, цис изомер учун  $\lambda_{\min} = 264\text{м}\mu$ , транс изомер учун  $\lambda = 273\text{м}\mu$ .

Инфрақизил спектрофотометрлар (ИҚС) бир нурли ва икки нурли типда ишланган. Уларнинг асосий қисмлари: автоколимацион жойланган призмали ва фокусловчи ойнали монохроматор, қабул қилувчи, кучайтирувчи ва хатловчи ускуналар.

Бир нурли спектрометрда кетма-кет нурланиш манбай спектри  $Y_0(\lambda)$  ва тахлил қилинаётган модда туфайли сусайтирилган манба спектри  $Y(\lambda)$  ёзиб борилади. Хатловчи ускуна сигнали ёруғлик оқимига пропорционал бўлгани учун, ўтказиш катталиги  $T = \frac{Y}{Y_0}$  ҳар бир тўлқин узунлиги  $\lambda$  учун  $\frac{i}{i_0}$  нисбат билан аниқланади. Бунда  $i$  ва  $i_0$  спектrogramмадаги маълум нуқталарнинг ноль чизиқдан ўлчанганд ординатасидир.

Икки нурли инфрақизил спектрофотометрларда (ИҚС) ишлаш принципи қуйидагича: ёруғлик манбайдан келаётган ёруғлик иккита канал бўйича йўналтирилиб, алмашиниб-алмашиниб монохроматорга йўналтирилади. Бир каналга тахлил қилинаётган моддали кювета фотометрик пона ва солишириш кюветаси жойланади. Иккита оқим орасида тадқиқот қилинаётган модда туфайли фарқ пайдо бўлса, автоматик тарзда, самописеç билан уланган, фотометрик пона киритиш орқали тенглаштирилади. Натижада, яъни ўтказишнинг фоиз (%) қиймати, қофоз лентага чизиб борилади.

Қуйидаги расмда икки нурли ИҚС-14 русумли инфрақизил спетрофотометр схемаси келтирилган.



Расм. ИКС-14 нинг схемаси.

1- глобар: 2,3-ёруғлик манбанинг фокусловчи ойнаклари: 4-намунали кювета: 5-эритмали кювета: 6,23-коллективлар: 7-фотометрик пона: 8-ростловчи пона: 9,10,11,13,15,16 – нурларни нўналтирувчи ва фокусловчи ойнаклар: 12,17-тўхтатувчилар: 18-параболик ойнак: 19-призма: 20-ясси ойнак: 21,24,25-йўналтирувчи ва фокусловчи ойнаклар: 22-чиқарувчи тирқиши.

Инфра қизил спектрларнинг  $2\text{-}15\mu$  оралиғида ёғ кислоталарнинг ютиш хусусияти уларни намоён қиласи. Ёғ кислоталари спектрлари уларнинг агрегат ҳолати ва ишлатиладиган эритувчи турига ниҳоят боғлиқдир.

Ёғ кислоталар  $\text{CH}_2$  группалари сонининг ўзгариши спектрни ўзгартиради. Масалан:  $(\text{CH}_2)_4$  учун  $\gamma=731\text{cm}^{-1}$  бўлса,  $(\text{CH}_2)_{11}$  учун  $\gamma=721\text{cm}^{-1}$  га teng. Углеводород, занжирининг тармоқланиши ҳам худи шундай таъсир қиласи.

Бир тўйинмаган ёғ кислоталарда қўшбоғнинг узоқлашиши  $1670\text{-}1650\text{ cm}^{-1}$  спектрда сезилса, яқинлашиши  $15\text{-}20\text{cm}^{-1}$  га бориши кузатилади.

Цис- изомер  $\gamma=700\text{ cm}^{-1}$  да кузатилса, транс-изомер  $\gamma=968\text{cm}^{-1}$  да аниқланади.

Транс- изомерларни аниқлаш учун спектрофотометр юқорида келтирилган шароитга мосланади. Тахлил қилиниши керак бўлган, ёғнинг учглицерид фракциясидан ажратиб олинган, ёғ кислоталар аралашмасидан 1 мл ўлчамли пикнометрга 0,1г ўлчаб олиб, 1 мл белгисигача  $\text{CCl}_4$

қуилади. Эритма спектрофотометринг намуна солинадиган кюветасига қуилади. Худди шундай иккинчи солиштириш кюветасига худди шу эритувчи солинади.

850-1030 см<sup>-1</sup> частоталардаги намуна спектрлари ёзуви олинади.

Спектрограммани хисоблаш учун спектрограммада 930 см<sup>-1</sup> ва 1000 см<sup>-1</sup> частоларига мос келувчи нұқталардан асос үтказилади.

$U_1 = 930 \text{ см}^{-1}$  ( $D_1$ );  $U = 968 \text{ см}^{-1}$  ( $D$ );  $U_2 = 1000 \text{ см}^{-1}$  ( $D_2$ ) частоталардаги эритма оптик зичлиги топилади.

Кўпчилик спектрофотометрилар шкаласи ёруғлик үтказувчанлик катталигига ( $T$ ) белгиланганлиги сабаби  $D$  қиймат қуидагича хисобланади:

$$D = \lg \frac{100}{T};$$

968 см<sup>-1</sup> частотаси максимумига мос келувчи формула бўйича хисобланади:

$$D_0 = D - \frac{D_1 + D_2}{2};$$

Ёғ кислоталар ютиш коэффициенти хисобланади:

$$K_0 = \frac{D_0}{C \cdot d};$$

Бунда,  $C$  – ёғ кислотали эритма концентрацияси, г/л.

$D$  – кювета қалинлиги (0, 106 см)

Тарнс-изомер кислоталарнинг % микдори қуидагича хисобланади:

$$X = \frac{K_0}{K_{ce}} \cdot 100;$$

Бунда,  $K_{ct}$  – элаидин кислотанинг ютиш коэффициенти.

Шу тариқа модда таркибидаги компонентлар идентификацияланади.

Бу тахлил усулида мойлар таркибидаги турли моддалар таркиби турли хил мақсадда ўрганилиши мумкин. Масалан: оксидланган, оқланган ва доғланган ёғлардаги ёпишган қўшбоғли тўйинмаган ёғ кислоталар изомерларини аниқлаш мумкин, ёки 1,2-ди ва 1,3-диглицеридлар аралашмасида ҳар бирининг микдорини аниқлаш мумкин, ёки мойлардаги

каратиноидлар миқдорини аниқлаш ва ҳоказо. Бу ишларни амалга ошириш жуда катта услубий тажрибани талаң қилади.

Мойли уруғлар ва мой кули таркибини ўрганиш.

Ўсимлик мойларида микроэлементлар бўлиб, улар глицеридлар ва витаминаларнинг оксидланишини катализлаб, мой сифатига таъсир қиладилар. Мой сифатига сезиларли таъсир қилувчи микроэлементлар бу темир, мис ва аллюминийдир. Турли мойларда аллюминий ва темирнинг миқдори  $1 \cdot 10^{-3}$  дан  $1 \cdot 10^{-5} \%$  гача учраса, миснинг миқдори  $1 \cdot 10^{-4} - 1 \cdot 10^{-6} \%$ . Шунинг учун микроэлементларни тўғридан тўғри аниқлаш жуда қийин. Микроэлементларни аниқлаш учун уларнинг намунадаги миқдорини ошириш мақсадида мой ёки уруғ кулга айлантирилиб тахлил қилинади.

Мойли уруғлар ва мой кули таркибини тахлил қилиш турли физик-кимёвий усусларда амалга оширилиши мумкин. Жумладан липидлар ва мойли уруғлар тадқиқотида алангали фотометрия ва эмиссион спектроскопия усуслари улар таркибидаги микроэлементлар миқдорини аниқлашда қўлланилиб, тахлил учун кул тайёрлаш усули ҳам мавжуд. Кул тайёрлаш учун маҳсус пирекс шишасидан тайёрланган тигеллардан фойдаланилади чунки, фарфор тигеллардан кул таркибига айрим микроэлементлар ўтиб қолиши мумкин. Муфель печкаларида 20 соатгача куйдириб хосил қилинган кул ва маҳсус агатдан ишланган хавончаларда майдаланади.

$\lambda = 2500 - 3300 \text{ \AA}$  тўлик узунлигига мой кули таркибидаги Zn, Cu, Al, Ba, Ni, Fe, Si, Mg, P элементлари кўринади. Тахлил усули кул спектрини хосил қилиб, ундаги аниқлананаётган элементлар чизиқларини намунага киритилган ички стандарт чизиги билан солишириш орқали амалга оширилади. Темир, мис ва аллюминийни аниқлагандан ички стандарт сифатида германийни ишлатиш қулай ҳисобланади. Тахлил натижасижа хосил қилинган спектрларда германийга  $\lambda - 3039,1 \text{ \AA}$ ; аллюминийга  $\lambda -$

3082,7Å ; темирга  $\lambda$ -3020,6Å ва мисга  $\lambda$ -3279,9Å аналитик чизиқлари олинади

Кўйилган мақсаддан ва тахлил қилинаётган намуналарнинг хусусиятларидан келиб чиқсан холда мойлар ва мойли уруғлар таркибидаги микроэлементларни аниқлаш учун эмиссион спектрал тахлил усули энг қулай ҳисобланади. Бунда спектрларни ҳосил қилишда ишқорий ва ишқорий-ер элементларни аниқлаш учун алангали фотометрия услугубидан ёки оғир металларни аниқлаш учун кўмирли электродлар камалагидан фойдаланилган.

Спектрофотометрлар фотометрларга нисбатан анча сезувчан бўлганлиги учун кўпроқ элементларни аниқлаш имкониятини беради. Тахлил учун олинган мой ёки мойли уруғ кулидан тайёрланган кул 50-100мл эритмага ўтказилади. Агар модда сувда эrimаса у ишқор ёки кислоталар билан ишланади. Ишқорий элементлар тахлил қилинса, эритмани махсус тайёрлашнинг хожати бўлмаса, ишқорий ер metallari аниқланганда бир қатор сўндириш хусусиятга эга бўлган элементларни (алюминатлар, фосфатлар) йўқотиш керак.

### Рефрактометрия

Хар қандай модданинг асосий хусусиятларидан бири у орқали ўтаётган ёруғлик оқимининг бирламчи йўналишини ўзгартириш хусусиятидир. Ёруғлик нурини синдириш қобилияти уни бир фазадан иккинчи фазага ўтишдаги тезлигининг ўзгаришига боғлиқ.

Хар бир муҳит абсолют синдириш кўрсаткичи ( $n$ ) билан ҳаракатланиб, бу катталик ёруғликнинг вакуумда тарқалиш тезлигининг муҳитда тарқалиш тезлигига нисбати билан аниқланади.

Умумий қўринишда бу қонун қуйидагича келтирилиши мумкин:

$$\sin i_1 / \sin i_2 = n_2 / n_1$$

Бунда,  $i_1$ -нурнинг тушиш бурчаги

$i_2$ -нурнинг бир муҳитдан иккинчи муҳитга ўтишдаги синиш бурчаги.

Бир жуфт модда учун  $n_{21}$  катталик иккинчи модданинг биринчи моддага нисбатан синдириш кўрсаткичи бўлиб, у моддалар абсолют синдириш кўрсаткичлари  $n_2$  ва  $n_1$  нисбатига teng.

Амалиётда суюқ ва қаттиқ моддаларнинг синдириш кўрсаткичлари лаборатория хонасининг ҳавосига нисбатан ўлчанади. Бу моддаларнинг абсолют синдириш кўрсаткичи эса, ҳавога нисбатан кўрсаткичининг ҳавонинг абсолют синдириш кўрсаткичига кўпайтмасига teng. Ҳавонинг абсолют синдириш кўрсаткичи эса нормал атмосфера босими ва  $20^{\circ}\text{C}$  температурада 1,00027 қийматга teng.

Моддаларнинг синдириш кўрсаткичи асосан модда табиатига боғлиқ бўлса, яна ташқи мухит шароити ва модда агрегат ҳолатига ҳам боғлиқ. Ташқи мухит ўзгариши модда зичлигини ўзгартиради, бу эса ўз навбатида модданинг синдириш кўрсаткичини ўзгартиради. Зичлик ва синдириш кўрсаткичлари асосан тўғри пропорционал.

Синдириш кўрсаткичининг температура коэффициенти ( $f$ ) яъни, температуранинг  $1^{\circ}\text{C}$  га ўзгарганда синдириш кўрсаткичининг ўзгариши ҳар хил мойлар учун ҳар хил бўлади. Масалан, таркибида  $C_{18}$  ёғ кислоталари бўлган мойлар ва суюқ ёғлар учун  $f = 0,00035$ ;  $C_{12}$ -  $C_{14}$  қатор ёғ кислотали мойлар ва ёғлар учун  $f = 0,00037$ ; қаттиқ ёғлар ва ёғ кислоталар учун эритилган ҳолатда  $f = 0,00036$ ; глицерин учун  $f = 0,00024$ .

Маълум температурадаги ( $t_2$ ) синдириш кўрсаткичини ( $n^{t_2}$ ) хисоблаш,  $t_1$  температурада ўлчангандан синдириш кўрсаткичи ( $n^{t_1}$ ) ва температура коэффициентидан фойдаланиб, қуйидаги формулада амалга оширилади:

$$n^{t_2} = n^{t_1} \cdot f (t_2 - t_1)$$

Атмосфера босими суюқ ва қаттиқ моддалар синдириш кўрсаткичига деярли таъсир қиласа, газларга таъсири катта. Щунинг учун бундай холларда босим инобатга олиниши керак.

Синдириш кўрсаткичини модда табиатига боғлиқлиги шу модда молекулаларининг ёруғлик оқими тўлқини таъсирида деформацияланиши (полярланиши) билан тушунтирилади. Бу ходиса эса молекула тузилишига

боғлиқ. Масалан, тўйинмаган ёғ кислоталар қўшбоғларининг бир-бирига нисбатан яқинлашиши синдириш кўрсаткичининг ошишига олиб келади.

$C_{18:2}(9,12)$  учун  $n_D^{50}=1,4588$  бўлса,

$$C_{18:2}(9,11) \text{ учун } n_D^{50}=1,4727$$

Учглицеридларда фазовий изомерланиш ва глицерид симметрияси ҳам уларнинг синдириш кўрсаткичига таъсир қилади. Масалан, цис-олеин учун  $n_D^{50}=1,4495$  бўлса, транс-олеин (элаидин) учун  $n_D^{50}=1,4478$ .

Ёғ кислоталар тўйинмаганлик даражаси ортган сари синдириш кўрсаткичи ҳам ортиб боради. Масалан,  $C_{18:1}$  учун  $n_D^{20}=1,4582$ ;  $C_{18:2}$  учун  $n_D^{20}=1,4699$ ;  $C_{18:3}$  учун  $n_D^{20}=1,4780$ .

Синдириш кўрсаткичи ва йод сони орасидаги эмпирик боғлиқликдан фойдаланган ҳолда мойлар ва ёғларнинг йод сонини аниқлашнинг кўплаб формуалари тавсия қилинган:  $\bar{Y.c.}=[n_D^{20}-1,4626-0,05(n_D^{20}-1,4806)]\cdot 10^4$

Бу формуласини мойнинг синдириш кўрсаткичи  $n_D^{20}>1,4806$  бўлгандагина қўллаш мумкин.

$$\bar{Y.c.}=[n_D^{20}-1,4626+0,08(1,4806-n_D^{20})]\cdot 10^4$$

Бу формула эса  $n_D^{20}<1,4806$  бўлса қўлланилиши мумкин ва ҳоказо.

Йод сонининг аниқ топилиши мойнинг сифати ва синдириш кўрсаткичининг аниқ ўлчангандигига боғлиқ. Бунинг учун рефрактометр ўн мингдан бир улушгача аниқликда ўлчаши керак. Мой эса йўлдош моддаларсиз бўлиши керак (мумсимон моддалар, эркин ёғ кислоталар, оксидланиш маҳсулотлари, совунланмайдиган моддалар, фосфатидлар). Хом мой учун синдириш кўрсаткичини яқинланган қиймати қуидаги формула ёрдамида ҳисобланиши мумкин:

$$n_D = n_D^1 + 0,00007K + 0,0003H - 0,00025\Phi$$

бунда,  $n_D^1$  – хом мойнинг ўлчангандигига синдириш кўрсаткичи.

$K$  – эркин ёғ кислоталар миқдори, %;

$H$  – совунланмайдиган моддалар миқдори, %.

$\Phi$  – фосфатидлар миқдори, %

Ташқи мухит таъсирига ва модда агрегат холатига боғлиқ бўлмаган катталик солиштирма рефракциядир ( $r$ ).

Бу катталик модда синдириш кўрсаткичи ( $n$ ), зичлиги ( $p$ ) ва молекулалар полярланиши билан қўйидаги нисбатда боғланган:

$$r = \frac{n^2 - 1}{(n^2 + 2)\rho} = \frac{4\pi}{3} \cdot \frac{N_A}{M} \cdot \alpha$$

Бунда,  $N_A$ -Авогадро сони,

M-модданинг молекуляр оғирлиги.

Молекулаларнинг полярланиши фақаттина уларнинг тузилишига боғлиқ бўлмай, балки тушаётган ёруғликнинг тўлқин узунлигига ( $\lambda$ ) ҳам боғлиқ. Шунинг учун турли тўлқин узунлигига эга бўлган нурларнинг синиш кўрсаткичи ҳам ҳар хил бўлади. Бу боғлиқлик солиштирма рефракция катталиги учун ҳам ўринлидир.

Маълум температурада ( $t$ ) ва маълум тўлқин узунлиги ( $\lambda$ ) учун ўлчангандан синдириш кўрсаткичи  $n_{\lambda}$ -кўринишида ифодаланади. Тўлқин узунлиги қиймати ўрнида кўпроқ спектр чизигининг ҳарфли ифодаси кўлланилади. Агар тўлқин узунлиги ёзилмаган бўлса  $n_D$ -ифодаси D-сариқ спектр чизигини билдиради. ( $\lambda = 5893\text{A}$ ).

Синдириш кўрсаткичининг тўлқин узунлигига боғлиқлиги дисперсия дейилади. Ҳар қандай шаффоф ва рангиз моддалар учун, кўзга кўринувчи спектр чизиқлари учун, тўлқин узунлигининг ошиши синдириш кўрсаткичининг камайишига олиб келади.

Мойларни технологик қайта ишлаш жараёнида синдириш кўрсаткичининг ўзгариши улар таркибининг ўзгариши тўғрисида тушунча (ахборот) бериши мумкин. Масалан, гидрогенизация жараёнида синдириш кўрсаткичининг камайиши, тўйинмаганлик даражасини камайишини (йод сонининг) кўрсатади.

Жуда мураккаб аралашмалар таркиби тахлил қилинганда, асосий модда икки компонентли системага ўтказилади. Бунинг учун у эритувчига ўтказилади ва экстракт ҳамда эритувчи синдириш кўрсаткичлари орасидаги

фарқ орқали аниқланади. Бу усул шрот таркибидаги бензинни, уруғлар мойлилигини аниқлашда қўлланилади.

Бу тадқиқотларда ИРФ-23, ИРФ-22, РЖ каби рефрактометрлар ишлатилади.

**Такрорлаш учун саволлар:**

1. Рефрактометрия асослари
2. Амалиётда қўлланилиши
3. Синдириш қўрсаткичининг ташқи мухитга боғлиқлиги қандай?
4. Синдириш қўрсаткичининг модда табиатига боғлиқлиги
5. Липидлар тадқиқотида рефракционетрияning қўлланилиши
6. Спектрал тахлил нимага асосланган?
7. Липидлар тахлили асослари
8. Спектроскопия нима?
9. Тўхтовсиз спектор тушунчасини таърифланг
10. Адсорбцион ва эмиссион молекулалар спектроскопия асослари
11. Спектроскопнинг принципиал схемасини тушинтиринг
12. Глицеридларнинг фракцион таркиби нима асосида аниқланади?
13. Глицеридларни совунлаш усулларини таърифланг
14. Глицеридлар таркибини олдиндан ҳисоблаш
15. Тажриба натижаси асосида учглицеридлар турларини ҳисоблаш
16. Пахта мойи учглицерид таркибини ҳисоблаш қандай амалга оширилади.
17. Газ-суюқлик хроматографиясининг ўзига хослиги нимада?
18. Хроматографнинг тузилиши ва ишлаш принципи қандай?
19. Хроматограммани ўқиш ва ҳисоблаш қандай амалга оширилади?
20. Қаттиқ тутувчи, харакатсиз суюқ фазаларга қандай талаблар қўйилади?
21. Ёғ кислоталарини хроматографиялаш асосларини тушунтиринг.
- 22. Глицеридлардан ёғ кислоталарни ажратиш реакциялари.**
23. Ёғ кислоталар фракцияси тозалигини назорат килиш усуллари.

24. Диазометан билан метиллаш техникаси.
25. Спектроскопия сифатини баҳоловчи катталиклар
26. Липидлар тадқиқотида спектроскопиянинг қўлланилиши.
27. Кул таркиби таҳлили асослари.
28. Кул тайёрлаш техникаси.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Р.М.Tursunxodjaev., Ayhodjaeva N.K., “Un va yorma texnologiyasi” – Т.: “Fan va texnologiya”, 2012. 257 б.
2. Q.O.Dodayev. Konservalangan oziq-ovqat mahsulotlari texnologiyasi. – Т.: Noshir, 2009. - 387 б.
3. Q.O.Dodoyev, A.J.Choriyev. Oziq-ovqat ishlab chiqarish va konservalash kimyosi. – Т.: Iqtisod-moliya. 2010. – 166 б.
4. С.Х. Абдуразақова, Г.У. Рустамбекова. Шароб биокимёси. – Т.: “Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, Адабиёт жамғармаси” нашриёти. Дарслик. – 2005 – 255 б.
5. Т.Х. Икромов, Ў.Р. Кўчкоров. «Чорва, парранда ва балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси». – Т.: «Шарқ», 2001. – 180 б.
6. Choriyev A.J., Q.O.Dodayev, Icmoilov T.A., D.T.Qoraboyev. Qishloq xo’jalik mahsulotlarini konservalash va saqlash texnologiyasi. – Т.: “Davr”, 2012. -382 b.
7. Чеботарев О.Н., Шаззо А.Ю., Мартыненко Я.Ф. Технология муки, крупы и комбикормов. –М.: ИКЦ «МарТ», Ростов-н/Д: Издательский центр «МарТ», 2014. - 688 с.
8. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 edition 2015. - 350 pp.

### **Фойдали манзиллар:**

- 9 <https://litmy.ru/knigi/professii/195561-tehnologiya-muki-krupy-i-kombikormov.html>
- 10 <https://eknigi.org/professii/156254-texnologiya-muki-krupy-i-kombikormov.html>
- 11 <https://www.twirpx.com/file/549338/>
- 12 <http://www.bibliotekar.ru/5-muka-i-krupa/>
- 13 <https://cyberleninka.ru/article/n/tehnologiya-muki-krupy-i-kombikormov>
- 14 <https://agroserver.ru/b/oborudovanie-dlya-proizvodstva-muki-krupy-i-kombikormov-232688.htm>
- 15 <http://www.all-library.com/texnicheskaya-literatura/31508-oborudovanie-dlya-proizvodstva-muki-krupy-i.html>
- 16 <https://www.biblio.fond.ru/detail.aspx?id=433784>
- 17 <https://www.dissercat.com/content/sovershenstvovanie-tehnologicheskikh-protsessov-pererabotki-zerna-v-muku-i-krupu-0>
- 18 <https://agrovitex.ru/articles/kombikorm>

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

### **1-Амалий машғулот**

*Дон ва дон маҳсулотлари намлигини аниқлашнинг  
замонавий воситалари ва усули.*

Дон намлиги деб, унинг таркибидаги, олинган намуна оғирлигига нисбатан фоизда ифодаланган эркин ёки боғланган гигроскопик сув микдорига айтилади.

Дондаги сув микдори унинг асосий сифат кўрсаткичи ҳамда уни сақлашга чидамлилигини белгилайдиган омиллардан бири хисобланади. Дондаги ортиқча сув нафас олиш жараёнини тезлаштириб, уюмда микроорганизмлар ҳамда омбор зааркунандаларининг ривожланишига

имкон яратади. Дон қуи ҳарорат таосирида мумкин қадар ўзининг унишини йўқотади ва экиш учун яроқсиз бўлиб қолади.

Донда ортиқча (15,5-16 фоиздан юқори) намлик қайта ишлашда ҳам бирикади. Бундай дон ёмон янчилади, шунингдек бунда тегир-моннинг унумдорлиги пасаяди. Доннинг сақлашга чидамлилиги, уни стандарт талабларига жавоб беришини белгилайдиган дон намлигининг 4 ҳолати маълум: қуруқ, ярим қуруқ, нам ва ҳўл.

Буғдой, жавдар, арпа, гречиха ва шоли қуидаги кўрсаткичлар билан таорифланади: қуруқ – намлик 14 фоизгача, ўртacha қуруқ – 14-15,5 фоизгача, нам – 15,5 фоиздан 17 фоизгача ва ҳўл – 17 фоиз-дан ортиқ. Дон намлигини аниқлаш усулларини икки гуруҳга бўлиш мумкин: тўғри ва бошқа йўл билан. Биринчи гуруҳга маҳсус ускуналарда олдиндан сув сиқиб чиқарилгандан кейин уни ҳажми-ни ўлчаш йўли билан дондаги сув миқдори аниқланади. Шунингдек дон намлигини аниқладиган бошқача тартибдаги қуидаги усул-лар кенг тарқалган:

1. Бутун ёки майдалangan дон (қуруқ қолдиғи бўйича) намуналарни қуритиш билан сув миқдорини аниқлаш.
2. Доннинг электр ўтказувчанинг ва диелектрик ўткирлигига қараб намлигини аниқлаш.

Қуритиш усулида намликни аниқлаш учун дон намуналарини қуритишда қуритгич жавонларининг турли системалари (СЭШ-1, СЭШ- 2, СЭШ-3 ва бошқа) қўлланилади. Электр ўтказувчанингiga қараб намликни ҳозирги даврда кенг қўлланилаётган электр нам ўлчагичларида амалга оширилмоқда.

Асосий аниқлаш усули. Асосий ёки стандарт усули майдалangan дон намуналарини электр қуритиш жавонида  $130^0$  ли ҳароратда 40 дақиқа давомида қуритиш усули хисобланади.

Агар дондаги намлик миқдори юқори бўлса (18% дан кўп), унда намликни аниқлашни даставвал қуритиш билан бирга олиб борилади. Майдалangan ёки оддий донни электр жавони ёки бошқа аппаратдаги  $130^0$

ҳароратда 40 дақиқа давомида қуритиб намликини аниқлашга рухсат этилади. Арбитраж таҳлил ва қуритиш жавони ва нам ўлчагичлари назорат текширишида албатта асосий усулини қўллаш зарур.

Асосий усулда намликини аниқлашда таҳлил ўтказиш тартиби қуйидагича. Яхши аралаштирилгандан кейин 100 гр донни ўртacha намунадан ажратиб олинади ва уни ўзига мос қопқоқли шиша идишга ёки пўкак билан зич ёпиладиган бутилкага жойланади. Таҳлилни келтирилаётган намуналарнинг ҳарорати хона ҳароратига тўғри келганда бошлаш мумкин.


**Янчишдаги йирикликини билиш учун тегирмонча ўрнатиш.** Намликини аниқлашда дон намуналари лаборатория тегирмончасида янчилади. Чунки янчилган уннинг йириклиги доннинг қуритиш даражасига таосир этади, шунинг учун янчишдан олдин тегирмончаларни маълум йирикликка мўлжаллаб ўрнатилади. Ушбу мақсад-да техник торозида 50 гр дон тортилади, уни тегирмонча орқали ўтказилади ва олинган маҳсулотни элаклар тўплами орқали эланади. ДАСТ га биноан 0,8 мм уяли симли элакдан ўтказилган майда-ланган дон буғдой учун 60%, гречиха учун 50%, сули учун 30%, бошқа дон турлари (нўхат) учун 50% дан кам бўймаслиги шарт.

**Намуналарни таҳлилда тайёрлаш.** Намунани янчишдан олдин тегирмонча намуна қолдиқларидан тозаланади ва таҳлил қилина-ётган дон намунасидан бир қисми ўтказилади, сўнг ўртacha наму-надан ажратилган намунадан (100 гр) тахминан 30 гр дон қисми бўлинади ва тегирмонча орқали ўтказилади. Майдалangan дон бонкага тўкилади ва қопқоқ ёки пўкак билан зич ёпиб қуйилади. Сўнгра майдалangan дон синчиклаб аралаштирилади ва қошиқча билан турли жойлардан ҳар бири 5 гр икки намуна олиниб, темир бюксларга жойланади. Бюкслар олдиндан қуритиш жавонида  $105^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 1 соат давомида қуритилган, эксикаторда совутилган ва 0,01 гр аниқликда техник торозида тортилган бўлиши керак.

**Эслатма:** вақтни тежаш мақсадида талабаларга олдиндан қуритилган ва совутилган бюкслар тарқатилади.

Электр қуритиш жавонларида қуритиб намликтин аниқлашда жавонни қиздириси учун ҳароратни  $105^{\circ}\text{C}$  гача күтаришга 30 дақиқа,  $130^{\circ}\text{C}$  га күтариш учун эса 40 дақиқа кетади. Жавонда ҳароратни пасайтириш ўртача  $10^{\circ}\text{C}$  дан ошмайди.

СЭШ-3М да иш тартиби қуйидагича амалга оширилади. Улагични “уланади” ҳолатига қўйилади. Шунда сигнал лампочкаси қизил рангда ёнади. Жавон ҳарорати  $130^{\circ}\text{C}$  ли белгига қўйилади, эшик очилиб, бураладиган стол уячаларига намуначали бюкслар қўйилади (қопқоқлари очик ҳолда), шундан сўнг эшикча ёпилади. Жавон тўлдирилганидан кейин одатда ҳарорат пасаяди, бундай бўлишини сигнал лампочкасининг қизил рангги кўрсатади. Жавонда  $130^{\circ}\text{C}$  ҳароратга қўйиш (сигнал лампочки ўчади) вақти белгиланади. Қуритиш вақтида терморегуляторнинг тўғри ишлаши натижасида сигнал лампочкаси гоҳида ёнади, гоҳида ўчади ва шу билан иситгичнинг вақти-вақтида уланиши ва ўчишини кўрсатади (1-расм).



**1-расм. СЭШ-3М электр қуритиш жавони:**

А-умумий кўриниши; Б-кесими. 1-корпус; 2-айланма стол; 3-ешикча; 4-электр иситгич; 5-контактли термометр; 6-штурвал; 7-сигнал лампочкаси.

Бюкслар 40 дақиқадан кейин тигел қисқичи билан олинади, қопқоқлари ёпилади ва 10-15 дақиқага эксикаторга совутиш учун қўйилади. Жавонни тўлдириш ва бўшатишда бураладиган стол штурвал ёрдамида бошқарилади. Совутилгандан кейин ҳар бир намуначали бюкс

0,01 аниқликда тортилади ва қуришишдан олдинги ва кейинги оғирликлари фарқига қараб йўқолган намлик аниқланади. Намлик қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$X = \frac{(A - a) \cdot 100}{A}$$

бу эрда:  $X$  – дон намлиги, %;

$A$  – қуригунча намунача оғирлиги, гр;

$a$  – қуригандан кейинги намунача оғирлиги, гр.

Дон намлиги олинган намунача оғирлигига қараб фоизда ифодаланади. Намунача 5 гр лигига у буғланган намни (қуритилганидан кейин) 20 га кўпайтирилган миқдорига тенг.

Икки параллел аниқлашдан ўртача арифметик ҳисоб олинади ва бу натижа 0,01 аниқликда ишчи дафтарига ёзилади. Икки параллел аниқлаш ўртасидаги фарқ 0,25% дан ошмаслиги керак.



Холларда, намикни аниқлаш икки йўл билан, яони дастлаб қуритиб амалга оширилади.

Дастлабки қуритиш учун техник торозиларда 20 гр дон тортилиб 8-10 см диаметрли юза идишга жойланади ва қуритиш жавонида  $105^0$  ҳароратда 30 дақиқа давомида бир оз қуритилади. Шу вақт ўтгандан кейин идиш жавондан олинади, очик ҳолатда совутилади ва 0,01 аниқликда тортилади. Сўнгра дон тегирмончада (ДАСТ да белгиланганидек катталикда) янчилади ва ҳар бири 5 гр дан икки намунача тортилади. Қуритиш жавонида намуналар  $130^0$  ҳароратда 40 дақиқа қуритилади. Дондаги намлик ҳисоби-ни аниқлаш қуйидаги формулада амалга оширилади:

$$X=100-(C \cdot \chi)$$

бу эрда:  $X$  – дон намлиги (%);

$C$  – қуритилгандан кейинги майдаланмаган 20 гр оғирлик-даги дон;

$\chi$  – дастлабки қуритилган ва қуритилгандан кейинги май-даланган 5

гр дон оғирлиги.

Ушбу формула қуйидагича әчилади. Дастлабки қуритилган ва майдаланган 5 гр донни қуритиш натижасида нам ( $5 \cdot \chi$ ) лик бүг-ланади. Дастлабки қуритилган доннинг ҳамма намунадан ( $C$ ) эса:

$$\frac{C \cdot (5 - \chi)}{5}$$

Қуритилгунича 20 гр нам донда намлик мавжуд.

$$X = \frac{(20 - C) + C \cdot (5 - \chi)}{5} \text{ ёки } X = \frac{(20 - C)}{5} \cdot (1 - \chi)$$

Намликни умумий миқдорини фоизда қуйидаги формула орқали әчилади:

$$20 - \frac{C}{5} \cdot \frac{100}{20} = 100 - C - \chi$$

Намликни ҳар бири 5 гр намунада алоҳида ҳисобланади. Намлик фоизи эса икки аниқлашнинг ўртача арифметик маолумотлардан 0,1 аниқликкача кўрсатилади. Иккала параллел аниқлаш ўртаси-даги фарқ 0,25% дан ошмаслиги керак.

Мисол, агар қуритилгандан кейин 20 гр намунадаги майдалан-маган дон оғирлиги 17,82 гр, майдаланган доннинг 5 гр намуначани батамом қуритилгандан кейинги оғирлиги ( $\chi$ ) 4,35 гр тенг бўлса, намлик фоизи формула бўйича қуйидагига teng бўлади:

$$100 - (17,82 \cdot 4,35) = 100 - 77,52 = 22,48\%$$

**Сўтали маккажўхориларнинг намлигини аниқлаш.** Сўтали маккажўхориларнинг намлигини алоҳида дон ва негизида аниқланади.

Омбор майдончаларида, шунингдек вагон, автомашина ёки араваларда келтирилган ва сақланаётган сўталарнинг намлигин аниқлаш учун, дастлабки намунадан (100 сўта) ҳар 30-сини, яъни бор йўғи учтаси

олинади. Улар мутлақо соғлом бўлиши шарт.

Омборга автомашиналарда кун давомида қисмларга бўлиб олиб келинган бир турли тўпламнинг намлигини аниқлаш учун ўртacha кунлик намуна қуйидаги тарзда тузилади. Ҳар бир автомашина ёки аравадан олинадиган учта соғлом сўта намунаси синдирилиб, 50 гр дон олинади ва пўкақ билан зич ёпиладиган шиша бонкага жойла-нади. Олинган ўртacha кунлик намунадан 50 гр намунача ажрати-лади ва дон намлигини аниқлаш амалга оширилади.

Маккажўхори негизининг намлигини аниқлаш учун ҳам ўртacha суткали намуна тузилади. Маккажўхорининг ҳар бир сўтасидан ажратилган негизидан бўлакча кесиб олинади ва уни зич ёпила-диган шиша идишга жойлаб сақланади. Тузилган ўртacha суткали 50 гр оғирликдаги бўлакчалардан намуналар ажратилади, улар кичик қисмларга бўлинади, ҳар бири 5 гр дан иккита намунача олинади ва қуритилади.

Дон намлигини аниқлаш учун сўталар қўлда ёки лаборатория сидиргичи ёрдамида сидирилади ва олинган дондан 50 гр ўртacha намуна ажратилади. Сўнгра дон янчилади, қопқоқли бонкага жой-ланади, кейин ундан ҳар бири 5 гр дан иккита намуна олинади. Уларнинг намлиги 18% дан ортиқча бўлса, ундаги намлик дастлаб-ки қуритишдан кейин аниқланади.

**Намликни электрон нам ўлчагичларда аниқлаш.** Дон намли-гини аниқлашда замонавий электрон ўлчагичлардан фойдаланиш бошқа қолган усуллар олдида жуда кўп афзалликларга эга. Бирин-чидан электрон асбоблар дон намлигини аниқлашга кетадиган вақтни кескин қисқартириш имконини беради, бу дон тайёрлаш даврида жуда зарурдир, иккинчидан, электрон нам ўлчагичларнинг тузилиши нисбатан оддий бўлиб, уларда ишлаш учун маҳсус ихтисослашти-ришни талаб қилмайди, учинчидан, электр намлик ўлчагичлар ёрдамида масофада туриб намликни ўлчаш, намликни автоматик равишда назорат қилиш ва бошқариб бориш мумкин

(1.4.2-расм).

**Намликни ВЭ-2М нам ўлчагичида аниқлаш.** Бу асбобда нам-ликни аниқлаш доимий ток занжирида донни зичланган ҳолатида дон намунасини электр ўтказувчанлигини ўлчашга асосланган. Маолумки, дон коллоидлардан (оқсил, крахмал, клетчатка) ташкил топган бўлиб, у қуруқ ҳолида электр токини ёмон ўткзади.



#### **1.4.2-расм. Дон намлигини аниқлайдиган замонавий электрон асбоблар**

Дондаги гигроскопик сувнинг мавжудлиги унинг электр ўтказувчанлигини оширади. Шунда дон намлигини ва унинг электр ўтказувчанлиги ўртасида боғлиқлиги аниқланади. Донни зичланган намунасининг электр қаршилиги магнит-еллектрик омметр ёрдамида ўлчанади, сўнгра унинг кўрсаткичлари намлигини фоизда маҳсус жадвалларга туширилади.

Электр ўтказувчанлик нафақат дондаги сув микдори, балки унинг кимёвий таркиби, ҳарорати, ток занжиридаги электр кучланишига, шунингдек, намунани электродлар ўртасида ёзилиш даражасига боғлиқдир. Электр ўлчагичларда доннинг намлигини аниқлашда бу омилларни ҳисобга олиш керак.

ВЭ-2М нам ўлчагичи турли экинларнинг донлари намлигини (буғдой, арпа, тарик, жавдар, маккажӯхори) 11,15 дан 36% гача атроф-муҳитдаги ҳарорат  $20^0$  бўлганда тезда аниқлашга мўлжалан-гандир. Намликни бундай

чегараланиши уч диапазонга бўлинади: 1-нам донга; 2-хўл донга; 3-қуруқ дон учун. Шунингдек, нам ўлчагичга назорат силиндри, тепкиловчи симлар, термометр ва ҳисобга ўтказиш жадваллари қўшиб берилади.

Қўл пресси дон намунасини электр мосламада зичлаш учун мўлжалланган. ВЭ-2М нам ўлчагичи маҳсус столчага ёки токчага ўрнатилади. Прессни столга винт ёрдамида бураб, маҳкамлаб қўйилади. Уча учи найзали ўтказгични қувват батареяси отводига уланади. Батареяни номлари бир хил бўлган ўлчаш клеммалари билан боғланади. Ишни бошлашдан олдин ўлчов асбоби ва визир мосламасини текшириш шарт.

Асбобни текшириш стрелкаларни нол ва юздан бир бўлинишларга ўрнатишдан иборатdir. Шу мақсадда визир мосламаси текширилиб, пресснинг қуий юпқа тахтачасининг устига назорат силиндри ва пуансон билан қопланган марказий электрод қўйилади, қисиши винтининг охирини пуансонга тўғриланади ва қаттиқ сиқиб қўйилади. Кейин винтни ортга тўртдан бир айланишга бурилади ва қўл билан силтаб, уни яна сиқиб қўйилади. Шу билан винтни бир текис сиқилишига эришилади. Агар иккала верикал чизиқлар тўғри келмаса, ўрнатиш узуги винтини бураб бўшатиш лозим, бунинг учун узукни верикал чизиқлар тўғри келгунигача бурилади ва уни янги ҳолатда маҳкамлаб қўйилади. Агарда горизонтал чизиқлар тўғри келмаса, визир ромчада винтлар бўшатиб буралади ва бунинг учун ромчаларни юқори ёки пастки ўрнини ўзгартириш йўли билан горизонтал чизиқларни тўғри келишига эришлади, шундан сўнг винтлар маҳкамланади.

Намликни ўлчаш қуидагича амалга оширилади. Пресс винти энг юқоригача кўтарилади, воронка билан қопланган стаканга марказий электрод ўрнатилади. Олинган намунадан буғдой, жавдар, тариқ ва арпа учун хар бири 17 гр дан, сули учун 15 гр, макка-жўхори учун 12 гр дан иккитадан дон намуначалари ажратилади. Шундан кейин тортилган дон миқдоридан тахминан ярмисини стаканга тўкилади, трамбовка ёрдамида зичланади, сўнг доннинг қолган қисми стаканга тўкилади ва яна трамбовка

ёрдамида шундай зичланадики, марказий электроднинг юқори қисмининг охири кўриниб турсин.

Олдиндан стакандан воронкани олиб, унинг устидан пуансон қўйилади, ундан марказий электрод тушиб кетмаслик учун стаканни қўл бармоғи билан пресснинг қути юпқа қисмига ўрнатилади. Уни шундай амалга ошириш керакки, пресс деворчасига маҳкамланган стаканнинг контактли винти пружина сингари бўлсин.

Пресснинг сиқиши винти шундай бураладики, ўрнатиш халқасининг белгиси визир ромчасининг белгисига тўғри келиши шарт. Шунинг билан намунани электродлар орасида стандарт сиқиши зичлигига эришилади. Агар эхтиёцизлик натижасида ортиқча сиқишига йўл қўйилса унда винтни тескари бурашга рухсат этилмайди.

Сиқищдан кейин намуналарни сим билан штек ва клеммани бир хил белгиларга уланади. “+” асбоб стрелкасини шкаланинг юздан бир бўлинишига ўтказишнинг “назорат 27 в” ҳолатига, сўнгра ўтказгични “хўл” ҳолатига қўйилади. Кейин тугмача босилади, шкалага қараб ҳисоб қилинади ва натижаларни ишчи дафтарига ёзиб борилади.

Агар стрелка 9 бўлинишдан камига оғса, унда ўтказгични кейинги ҳолат “нам”га ўтказилади, тугмача босилади ва стрелка кўрсаткичлари (у 29-96 бўлинишлар оралиғида бўлиши мумкин) ёзиб борилади. Шунда стрелка кўрсаткичи “в” харфи ёки “81в” ҳолида ёзилади. Агар стрелка оғиши 29 бўлинишдан кам бўлса, ўтказгич дастасини “назорат 80в” ҳолатига ва шпунт дастасини бураш билан стрелкани 100-уланишга қўйилади, сўнг ўтказгич “куруқ” ҳолатига ўтказилиб, тугмача босилади ва қўшимча “с” бўлинишлар миқдори ёзилади.

Кўрсаткичларни ёзиб бўлганидан кейин марказий электрод-нинг “К” штрихидан сим узиб қўйилади, винт озгина бўшатилади, стакан остидан юпқа тахтacha олинади ва винт дастасини унга бураб, стакан ичидан марказий электрод, зичланган дон ва пуансон чиқариб ташланади.

Шундан кейин винт юқорига кўтарилиб, прессдан стакан, марказий

электрод ва пуансон олинади ва супурги ёрдамида пресс дон қолдиқларидан тозаланади, Қуи юпқа тахтача жойига қўйилади ва иккинчи намунача намлиги аниқланади.

Ҳар бир аниқлашдан кейин ҳавонинг ҳарорати ёзиб борилади (филоф қопқоғида термометр кўрсаткичларига қараб).

Нам ўлчагич кўрсаткичларини фоизга ўтказиш учун унга учта жадвал қўшиб қўйилган. 1-жадвал ўтказгичнинг “курук” ҳолатига; 2-жадвал “нам” ҳолатига ва 3-жадвал “хўл” ҳолатига тўғри келади. Ҳамма жадваллар дон намлигини атрофдаги  $20^0$  ҳавода ўтказилади. Шунинг учун ушбу дараҷадан ўзгарган ҳар бир градус ҳароратга тузатишлар киритилади. Ҳарорат  $20^0$  дан юқори бўлса тузатиш катталигини (%), яни ҳарорат факатгина кўпайтирилгани чиқари-либ ташланади.  $20^0$  дан қуи бўлса, жадвалда кўрсатилган нам катталигига қўшилади.

Мисол. Биринчи тур буғдой намлигини аниқлашда ўтказгични “курук” ҳолатида ва  $23^0$  ҳароратда асбоб стрелкаси 5 бўлиниш кўрсатади. 1-2 жадвал катақда (5) бўлиниш  $12,82\%$   $20^0$  ҳароратда тўғри келишини топамиз. Агар ҳақиқий ҳарорат  $23^0$  teng бўлса унда ҳарорат ҳаки  $3^0$  ни ташкил этади. Буғдоунинг бир тури учун тузатиш ҳажмини  $0,10$  фоизни ўзига кўпайтириб,  $0,3\%$  ga teng бўлган умумий миқдорга эга бўламиз. Умумий тузатишни  $12,82\%$  оламиз ва ушбу зичликдаги дон намлигини биламиз. Ушбу ҳолда у  $12,82-0,3=12,52\%$  ga tengdir.

Шундай килиб, дондаги ҳарорат  $20^0$  паст бўлса факат “К” кўрсаткичи билан тузатиш киритилади.

## **2-амалий машғулот**

### **Үндаги шикастланган крахмал миқдорини аниклаш**



**SD matic - Үндаги шикастланган крахмал миқдорини аниклаш учун  
қўлланилади.**

- \* Заарланган крахмал даражасини 10 дақиқадан камроқ вақт ичидаги аниклайди
- \* Энергия истеъмолини камайтириш учун тегирмон вали (параллелиги, куйиш) параметрларини текшириш учун ёрдам беради
- \* Ун сифатини мунтазамлигини (сув ютилиши, ферментация, хамир хусусиятлари) ва тайёр маҳсулот сифати (қобиқ маҳсулот ранги ва таъм хусусиятлари)ни назорат қиласида.
- \* Қорилаётган хамир чиқиш миқдорини оптималлаштирган ҳолда шикастланган крахмал миқдорини сув ютиш қобилиятига таъсирини ўлчаш имконини беради,

#### **Ишлаш принципи**

Қурилманинг ишлаш принципи заарланган крахмал (Медсалф & Гиллес) таҳлили амперометрик усулига асосланган. Заарар етган крахмал суспензия молекулалари томонидан калий ёдид молекулаларининг ютилишини ўлчашгга асосланган. Крахмал қанчалик кўп зарар қўрган бўлса, ишлаб

чиқарилган ёдид молекулалари ютилади. Қурилма кимёвий реактсия вақтида суспензияда электр токининг кучини ҳосил қиласи ва ўлчайди. Ушбу кучнинг сезиларли пасайиши заарланган қрахмалнинг юқори миқдорини кўрсатади.

### **Афзалликлари**

- \* **SD matic** автоматик калибрлаш тизими ва таҳлил қилинган уннинг массасига қараб автоматик равишда чиқарилган йодид миқдори туфайли ажойиб таҳлил аниқлигини таъминлайди.
- \* Таҳлил тўлиқ автоматлаштирилган бўлиб, мураккаб ферментлардан фойдаланиш зарурлигини таъкидлайди.
- \* СДматис қуйидаги халқаро стандартларга жавоб беради : АФНОР В3-731.01-ААСС 76-33.01, ИСН° 172 ва ИСО 17715-2013.

### ***Нима учун шикастланган қрахмал миқдори аниқланади?***

Майдалаш жараёнида қрахмал гранулалари доннинг қаттиқлигига, донни қайта ишлаш жараёнига ва тегирмон ускунасининг созламалари ва сифатига қараб турли даражада заарланади. Қрахмал гранулалари механик шикастланган сўнг, қрахмалнинг сув ютиш қобиляти 10 марта ортади. Бу хамир тайёрлаш давомида реологик параметларига таъсир қиласи. Бундан ташқари, шикастланган қрахмал ферментация пайтида хамир хусусиятларига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Шикастланган қрахмал нафақат тайёр маҳсулот ҳажмига, балки уннинг рангига ҳам таъсир қиласи.

Шикастланган қрахмални кам даражада назорат қилиш нон ёпиш ва қандолат саноатида бир қатор муаммолар олиб келиши мумкин:

- \* хамир ёпишқоқлиги ортиши оқибатида инсон ва машина учун қийин бўлади;
- \* хамир ошиши ёмонлашади, маҳсулот ҳажми паст бўлади, маҳсулотлари тез эскиради.
- \* Пиширишда маҳсулот ташқи кўриниши ёмонлашади (нон мағзи қизғиши, ёриқлар ва печенье маҳсулотларида увоқланиш, синиш кузатилади).

## **Назорат саволлари**

1. Ундаги шикастланган крахмал миқдорини аниқлаш учун қандай ускуна қўлланилади?
2. Ундаги шикастланган крахмал миқдорини аниқлаш қанча вақт сарфланади?
3. Шикастланган крахмал деганда нимани тушунасиз?
4. Нима учун шикастланган крахмал миқдори аниқланади?
5. Шикастланган крахмални назорат қилмаслик қандай муаммолар келтириб чиқариши мумкин?

## **З-амалий машғулот**

***Дон маҳсулотлари сифатини ИК анализатор ИНФРАНЕО CHOPIN Technologies асбобида аниқлаши.***



*ИК анализатор ИНФРАНЕО CHOPIN Technologies асбоби дон маҳсулотлари сифатини аниқлашида қўлланилади.*

\* Намлиқ, оқсил, клейковина, куллик даражаси, крахмал ва бошқа кўплаб дон ёки ун таркибидаги компонентларини ўлчайди

\* Донни қайта ишлашнинг барча босқичларини самарали назорат килади ва савдо операцияларида ўлчовларнинг аниқлигини тъминлайди.

\* 38252-08, КЗ рақами остида Россия федерацияси ўлчаш воситалари реестрига киритилган.02.02.02804-2012 ва РБ № 03095742 15

\* Донни қайта ишлашнинг барча босқичларини самарали назорат қилади ва савдо операцияларида ўлчовларнинг аниқлигини таъминлайди

Инфрақизил анализатор Инфранео намуна орқали ўтиб олинган спектр ўлчаш технологияси асосида инфрақизил нурланиш анализатор ҳисобланади. Қурилма 710 нм дан 1100 нмгача бўлган спектрларда ишлашга қодир бўлган энг замонавий дифракцион монокроматор билан жиҳозланган.

### **Афзалликлари**

- \* Турли хил дон (буғдой, арпа, жўхори, жавдар) ва ун учун асосий параметрларни таҳлил қилиш. 50 мл дан 1 л гача бўлган дон микдори майдаланмасдан ёки тортмасдан ишлатилади.
- \* Таҳлил қилиш танланган параметрлар сонидан қатъий назар 60 сония вақт кетади. Стандарт 10 ўрнига 16 намуналаридан олинган спектрларнинг сонини камайтириш орқали таҳлил вақтини қисқартириш мумкин.
- \* Натижаларни бериш ва улардан фойдаланиш Интернет, Wi-Fi ва УСБ уланиш орқали эхсел форматида амалга оширилади.
- \* Калибрлашнинг кенг имкониятлари. Янги калибрлашлар CHOPIN Technologies компаниясининг амалий лабораториясининг мустақил ва қўллаб-куватлаши билан жуда содда тарзда амалга оширилиш мумкин.
- \* Қурилманинг ишончлилиги ва барқарор ишлаш кўрсаткичлари автоматик ўз-ўзини созлаш монокроматор тизими билан таъминланади. Монокроматик аниқлик ва радиация спектрини ўлчаш юқори аниқликдаги натижаларни (йиллик назорат ва созлаш шарти билан) олиш имконини беради.
- \* Модулли тизим натурал оғирликни аниқлаш учун модул ёки Aqua-TR намлик ўлчагичи билан биргаликда ишлаш имконини беради. Стандарт тасдиқланган намлик, натурал ўғирлик ва оқсил ёки доннинг бошқа таркибий қисмларини тезда аниқлашни амалга оширади.

\* Оддий таъмирланиш, оператор томонидан чироқни алмаштиришдан иборат. Техник мутахассисларга масофадан туриб уланиш орқали масофадан техник хизмат кўрсатишни амалга ошириш мумкин.

### **Назорат саволлари**

1. ИК анализатор ИНФРАНЕО CHOPIN Technologies асбобида қандай сифат кўрсаткичлар аниқланади?
2. Донни қайта ишлашнинг қандай босқичларини самарали назорат қиласи ва савдо операцияларида ўлчовларнинг аниқлигини таъминлайди?
3. ИК анализатор афзаллик жиҳатларини айтиб беринг.  
Курилма неча нмгача бўлган спектрларда ишлашга қодир?

### **4-амалий машғулот**

*Дон, ун ва хамирнинг реологик хоссаларини аниқлаш.*



**Alveograf PC –хамирдаги қайишқоқолик, чўзилувчанлик, эластиклик ва уннинг кучини аниқлашда қўлланилади.**

\* Халқаро миқиёсда эътироф этилган стандартларга мувофиқ уннинг эластиклиги, кенгайиши, эластиклиги ва кучини ўлчашда қўлланилади.

## **Принципи**

Алвеограф буғдой унининг эластик қайишқоқлик хусусиятларини ўлчайди. Таҳлил ҳаво босими таъсири остида бир тўп шаклида хамир ва кейинги хамир тайёрлашга асосланган ва бу синов деформациялари барча параметрларини рўйхатга олади.

Бу усул энг яхши ўлчаш имконини беради карбонат ангидрид таъсири остида ферментация пайтида хамирда содир бўладиган жараёнларга ўхшашлиги билан хамирнинг деформациясини кўпайтириш ва ўлчаш мумкин.

Қурилма 4 асосий параметрларини белгилайди

- \* Параметр Р хамирнинг эластиклигини, яъни деформатсияга қарши туриш қобилятини билдиради.
- \* Параметр L хамир пуфагига сифадиган максимал ҳаво ҳажмини ва хамирнинг кенгайишини билдиради,
- \* Параметр I.e. Эластиклик индексига мос келади,
- \* Параметр W умумий деформация энергиясини ёки ун кучини кўрсатади

## **Қўллаш усуллари**


Янги **Alveograf PC** оддий, замонавий ва интуитив интерфейс билан дастурий таъминотдан фойдаланади. Бу доимий намлик (50%) да буғдой унини кенгайиши ва эластик хусусиятларини ўлчаш имконини беради.

Қурилма қуидаги вазифалар учун мўлжалланган:

- \*Буғдой ва унни келгусида фойдаланишга қараб танлаш, тавсифлаш ва таснифлаш,
- \*Протеолитик фаолиятни таҳлил қилиш орқали буғдой донини ҳашаротлар билан заарланганлигини аниқлаш,
- \* Помол партия тайёрлаш учун буғдой ва ун аралашмаларини ҳисоблаш ва оптималлаштириш.
- \* Тайёр маҳсулот сифатини яхшилаш учун энг муносиб қўшимчаларни танлаш.

- \* Хом ашё сифати талабларига мувофиқлигини текшириш,
- \* Туз таркибиниг хамир хусусиятларига таъсирини таҳлил қилиш,
- \*клейковина, протеазлар ёки диактивланган хамиртуришни қайишқоқлик-эластик хусусиятларига таъсирини таҳлил қилиш.

**5-амалий машғулот**  
***Бижгишида хамир реологик хоссаларини аниқлаш.***



***Rheo F4 - Бижгишида хамир реологик хоссаларини аниқлашда, аникроги тиндириш ва бижгиши даврида хамирнинг тавсифини баҳолашда қўлланилади.***

- \* Хамирнинг тиндириш ва бижгиш пайтида хамирнинг хусусиятларини ўлчайди.
- \* Синов вақтини оптималлаштиришга ва печга юклаш учун мақбул вақтни аниқлашга ёрдам беради.
- \* Хамиртуруш фаоллигини бошқариш учун ишлатилади (AACC 89-01)
- \* Тайёр маҳсулотлар ҳажмини ошириш учун жараёнларни ва ун сифатини оптималлаштиришга ёрдам беради

- \* Хамирнинг реологиясига яхшиловчи (амилаза, клейковина ва бошқалар) кўшимчаларини баҳолайди.
- \* Музлатилган хамирнинг реологик хусусиятларини таҳлил қиласди
- \* Тузнинг бижғиши ва тиндириш жараёнларига таъсирини ўлчайди
- \* Глютенсиз маҳсулотларнинг хусусиятларини таҳлил қиласди

### ***Ишлани принципи ва афзаликлар***

- \* Тайёр маҳсулот ҳажми хамиртуруш томонидан ишлаб чиқарилган карбонат ангидрид миқдори, хамирнинг бу газни кўтариш ва пишиб етиш вақтида ушлаб туриш қобилиятига боғлик.
- \* **Rheo F4** карбонат ангидрид ишлаб чиқаришни ўлчаш ва ферментация жараёнида унинг ғоваклиги ва барқарорликни, шунингдек хамир ҳажмини ўзгартириш орқали унни ферментатив қобилиятини тўлиқ таҳлил қиласди.
- \* қурилма протоколни оддий созлаш туфайли ҳар қандай вақтни ферментатсиялаш учун мўлжалланган.
- \* **Rheo F4** оддий ва интуитив дастур томонидан бошқарилади. Таҳлил жараёни бир неча оддий босқичда бошланади ва тўлиқ автоматлаштирилади.
- \* Олинган қийматларни мос ёзувлар билан осонгина таққослаш мумкин ва таҳлил сертификати сифатида чоп этилади.


### **Назорат саволлари**

1. Rheo F4 қандай кўсаткичларни баҳолашда қўлланилади?
2. Rheo F4 қандай дастур томонидан бошқарилади?
3. Тайёр маҳсулот ҳажми нималарга боғлик?
4. Rheo F4 асбобини вазифаларини бажарувчи яна қандай ускунани биласиз?

# ЎСИМЛИК МОЙЛАРИНИНГ АЖРАТИБ ОЛИШ ВА УЛАРНИНГ ФИЗИК-КИМЁВИЙ КҮРСАТКИЧЛАРИНИ АНИҚЛАШ

## Пресслаш усулида мой олишнинг лаборатория қурилмаси

Полиз екинлари уруғларидан мой олишни “ПИТЕБА” маркасидаги мини прессдан фойдаланилди. Пресснинг тузилиши 2.1-расмда келтирилган бўлиб, у корпус(2), корпусни таянчга қотириш учун мўлжалланган болтлар(8), корпусни қиздириш камераси(10) ва қиздириш учун маҳсус спиртовка(9), шнек(7), пресслаш жараёнида хосил бўладиган босимни кўтариш учун шайба(6), кунжара чиқиши учун трубка(3), кунжара чиқишини ростловчи болт(4) ва шнекни харакатга келтирувчи дастак(5)дан иборат. Корпуснинг тепа қисмида уруғ бериш учун мўлжалланган воронка(1) ва мой чиқиши учун тешик(11) мавжуд.



1-расм. “ПИТЕБА” мини пресси

1-урұғ учун воронка, 2-пресс корпуси, 3-кунжара чиқиши учун трубка, 4-кунжара чиқишини ростловчи болт, 5-шнекни харакатга келтирувчи дастак, 6-шайба, 7-шнек, 8-корпусни таянчга маҳкамловчи

болт, 9-спиртовка, 10-корпусни қиздириш камераси, 11-мой чиқиши учун тешик.

Прессни ишлатишдан аввал, унинг ички қисмини тозалаб, сўнг шнекга жойланадиган шайбани озуқавий мой билан яхшилаб мойлаймиз. Шайбани мойлагач уни шнекга жойлаб прессимизни егиб оламиз. Мой учун тешикни тагига пресслаш жараёнида чиқадиган мойни егиб олиш учун бирон бир идиш жойлаймиз. Еғилгандан сўнг пресс корпусини қиздириш учун спиртовкани махсус жойга жойлаб 10 дақиқага ёқиб қўямиз. Прессимиз қизиганидан сўнг уруғ турига қараб кунжара чиқишини ростловчи болтни кунжара чиқиши учун мўлжалланган трубкага жойлаймиз (айрим уруғларда ушбу болциз пресслаш олиб борилади). Корпуснинг тепа қисмидан уруғни аста секинлик билан бериб шнекни ҳаракатга келтирувчи дастакни соат стрелкаси бўйлаб айлантирамиз. Айлантириш натижасида пресснинг олд томонидан кунжара, корпуснинг таг томонидаги тешикдан мой ажралиб чиқади. Жараён тугагандан сўнг зудлик билан кунжара чиқиши учун мўлжалланган трубкани ечиб, ички қисмидаги кунжарани тозалаб олиш керак, акс холда кунжара қотиб уни тозалаш қийин бўлиб қолади. Пресслаш жараёнидан олинган мойни хона ҳароратида тиндириб, филтрдан ўтказиб усти берк идишда қоронғу жойга олиб қўйилади.

### **Таҳлил қилиш усуллари**

### **Уруғларнинг намлигини аниқлаш**

Полиз екинлари уруғларидан, турли хил жойидан 5г.дан 2та намуна ажратиб олинади (кўринишига қараб бутун ёки кесилганларидан). Уларни олдиндан қуритилган ва тортилган стаканчаларга солинади ва қопқоқларини ёпиб тортилади. Сўнг, стаканчалар қопқоғи очиқ ҳолда қуритиш шкафига қўйилади. Қуритиш шкафидаги ҳарорат  $130^{\circ}\text{C}$  га етган дақиқадан бошлаб вақт қайд қилинади. Қуритиш шкафидаги ҳароратни рухсат етилган ўзгариши  $\pm 2^{\circ}\text{C}$  40 дақиқа ўтгандан сўнг стаканчалар

шкафдан олинади, қопқоқлари ёпилиб, ексикаторга 15-20 дақықага совутиш учун жойланади. Шундан сўнг стаканчалар қайта тортилади. Намликни аниқлашдаги ҳамма ўлчашларни 4-синфга мансуб тарозиларда иккинчи ўнлик рақамигача аниқлик билан олиб борилади.

Намликнинг масса улуши  $X$  ни (%) намунанинг оғирлигига нисбатан куйидаги формула бўйича аниқланади:

$$(M_1 - M_2)$$

$$X = \frac{-----}{100(M_1 - M_3)}$$

бу ерда:  $M_1$  – қуритилгунга қадар стаканнинг уруғлар билан оғирлиги, г;

$M_2$  – қуритилгандан сўнг стаканнинг уруғлар билан оғирлиги,

$M_3$  – бўш стакан оғирлиги, г.

Иккита параллел аниқлашлар орасидаги фарқ 0,02%дан ошмаслиги керак.

Доимий оғирликкача қуритиш усули бир мунча аниқ ҳисобланади. Бунда қуритиш жараёни намлик ва учувчан моддаларни тўлиқ йўқотилиши билан боради. Бу усулда намуналарни тахлилга тайёрлаш ва асбоблар худди олдинги усулдагидек бўлади. Бу усулнинг бошқа усуллардан асосий фарқи шуки, бунда қуритиш 100-105 °C ҳароратда олиб борилади. Биринчи тортиш 2 соат қуритилгандан сўнг, кейингиларини ҳар 1 соатдан кейин амалга оширилади. Оғирликларни қайд қилиш 2-синфга мансуб тарозиларда мингдан бир аниқликкача ўлчаб, дафтарга қайд қилинади. Охирги натижага сифатида олдингисидан 0,001 г гача фарқ қилувчи натижага қабул қилинади.

### **Экстраксиялаш усули билан уруғнинг мойлилигини аниқлаш**

Полиз екинлари уруғларини экстракция жараёнига тўгридан-тўгри бериб бўлмайди. Аввал биз уни майда талқон кўринишига келгунча майдалаймиз. Майдаланган материал яхшилаб аралаштирилади ва

патронга 8-10г намуна олинади (тортиш тарозида 0,0001г аниқликда бажарилади).

Патрон ёғсизлантирилган філтр қоғозни ғұлачага ўраш билан тайёрланади. Патрон тубига пахта, уни устига олинган намуна ва намуна устига яна пахта қўйилади, қоз қирраларини езиб, патрон ёпилади, сўнг Сокслет аппаратига (2.3-расм) жойлаштирилади.

Колбадаги еритувчи буғлари найча (2) орқали совутгичга бориб, конденсацияланади. Конденсацияланган еритувчи томчилари пастга тушиб, экстракторни аста-секин тўлдиради. Еритувчи майдаланган хомашё билан контактда бўлиб, ундаги мойни ажратиб олиб мисселла ҳолида экстракторда йифилади. Мисселлани сатҳи сифон найчасининг егилган қисмини юқори нуктасига етгач сифонланиш-экстракторда йифилган мисселлани ҳаммаси колбага оқиб тушиши содир бўлади.

Бундай сифонланиш хомашёдан мойни тўлиқ ажратиб олгунча давом етади. Экстракция тугаганлигини экстракция тўлиқлигига олинган намунада, мойни йўқлигига қараб белгиланади. Бунинг учун экстрактордан бир неча томчи еритувчини олиб, тоза соат ойнасига ёки колба шлифига томизилади. Ойна ёки шлифда еритувчи буғлангандан сўнг мой изларини йўқлиги, экстракция жараёнини тугаганлигидан далолат беради. Акс ҳолда аппарат қайта йифилиб, экстракция жараёни давом еттирилади.

Экстракция жараёни охирида экстрактордан патрон олиниб, мисселладан эритувчи ҳайдалади, колбани еса мой билан ўзгармас оғирликкача қуритилади. Оғирликни биринчи ўлчаш 1 соатдан сўнг, қолганлари еса ҳар ярим соатда амалга оширилади.

Бир вақтнинг ўзида майдаланган уруғлардаги намликтин масса улушки 100-105 °Сда доимий оғирликкача қуритиб аниқланади.

Тозаланган ва қуритилган уруғлардаги мойнинг масса улушки X (%да) қўйидагича аниқланади:

$$X = \frac{(m_2 - m_1)}{m} \cdot 100$$

бу ерда:  $m_1$  – бўш колба оғирлиги, г;

$m_2$  – колбани мой билан оғирлиги, г;  $m$  – тортмани оғирлиги, г.

Олинган натижа қуруқ моддага ( $X_1$ ) қайта ҳисобланади

$$X_1 = X \cdot 100/(100-B)$$

бу ерда:  $B$  – қуритилган ва майдалангандаги уруғлардаги намликни масса улуши, %

Ҳақиқий ифлослик ва намликда уруғлардаги мой микдори ( $X_2$ ) қуидаги формула билан аниқланади:

$$X_2 = X \cdot (100-C)/100$$

бу ерда:  $X$  – нам уруғдаги мойнинг масса улуши, %;  $C$  – минерал ва органик аралашмаларни масса улуши, %.

### **Мойларнинг кислота сонини аниқлаш**

Мойнинг кислота сонини аниқлашда оч рангли мойларнинг кислота сонини аниқлаш усулидан фойдаланилди. 250мл ли колбага аналитик тарозида 3-5г мой тортилади, устига 50мл етил спирти ва диетил ефирининг 1:2 нисбатдаги аралашмаси қуилиб, 3-5 томчи фенолфталеиннинг 1%-ли еритмаси қўшилади. Олинган еритма доимий аралаштирилиб 0,1Н калий гидроксиднинг спиртли еритмаси билан, 30 сек давомида йўқолмайдиган, оч пушти ранг ҳосил бўлгунча титрланади.

Тахлил қилинган мойнинг кислота сони мг КОН да қуидаги формула билан ҳисобланади:

$$K.C. = 5,611 \cdot A \cdot k / m \quad (\text{мг КОН})$$

бу ерда 5,611– 0,1Н калий гидроксид еритмасининг титри, мг/мл;

$A$  – титрлашга сарф бўлган 0,1Н калий гидроксид еритмасининг микдори, мл;

$k$  – еритма титрига тузатма;

$m$  – тахлил учун олинган мойнинг оғирлиги, г.

Рафинацияланмаган мойларнинг тахлилида параллел аниқлашлар орасида рухсат етиладиган фарқ 0,10мг КОН ни ташкил етади. Рафинацияланган мойларнинг тахлилида параллел аниқлашлар орасидаги фарқ 0,06мг дан ошмаслиги керак. Тахлил вақтида рухсат етиладиган хатолик 10 %гача бўлиши мумкин.

### **Мойларнинг ёд сонини аниқлаш**

Мойнинг ёд сонини аниқлашда қуйидаги кетма кетликда иш олиб борилди. Колбага аналитик тарозда текширилаётган ёғ ёки ёғ кислотасидан намуна олиб, 10-15мл хлороформ билан еритилади ва устига бюреткадан 25мл Гюбл еритмасидан солиб, аралаштирилиб, тўйиниши учун 24 соат қоронғи жоя қолдирилади.

Шу вақтнинг ўзида сўқир тажриба ҳам қуйилади. Бунинг учун колбага худди асосий тажрибадай 10-15мл хлороформ, 25мл Гюбл еритмаси қуйилади ва 24 соат қоронғи жойда қолдирилади.

Титрлашдан аввал колбаларга 15-20мл 1% ли КЖ ва 100мл дистилланган сув қуйилади. Ажралиб чиққан Ж<sub>2</sub> оч-сариқ ранг ҳосил бўлгунча 0,1Н Na<sub>2</sub>C<sub>2</sub>O<sub>3</sub> билан титрланади. Сўнгра 1мл 1% ли крахмал еритмасидан қўшиб, ҳосил бўлган тўқ кўк ранг йўқолгунча титрлаш давом еттирилади.

Ёд сонини қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$\ddot{u}.c. = \frac{0,01269(a - \bar{b}) \cdot \kappa \cdot 100}{p} = \frac{1,259(a - \bar{b}) \cdot x}{p} \% J_2;$$

Бу ердақ а – сўқир тажрибада сарфланган 0,1Н Na<sub>2</sub>C<sub>2</sub>O<sub>3</sub> еритмасининг ҳажми, мл

б – ишчи тажрибада сарфланган 0,1Н Na<sub>2</sub>C<sub>2</sub>O<sub>3</sub> еритмасининг ҳажми, мл

0,01269 – 0,1Н Na<sub>2</sub>C<sub>2</sub>O<sub>3</sub> еритмасининг Ж<sub>2</sub> бўйича титри, г/мл

Р –тахлил қилинаётга ёғ ёки ёғ кислотасининг оғирлиги, г

К – 0,1Н Na<sub>2</sub>C<sub>2</sub>O<sub>3</sub> еритмасининг тўғрилик коеффициенти.

Бу усул назарий ҳисобланган ёд сонига яқин бўлган натижаларни беради.

## **Мойларнинг нур синдириш кўрсаткичини аниқлаш**

Мойларнинг нур синдириш кўрсаткичи рефрактометрда аниқланади [56].

ИРФ-22 туркумдаги рефрактометр: термометр, ўлчаш призмаси, ёритиш призмаси, иссиқ сув бериш ва қайтариш учун штуцер, ўртача дисперсияни аниқлаш шкаласи бўлган барабан, дисперсияни ростловчи мослагич, кўриш трубаси, ёритиш ва ўлчаш призмаларининг мослагичи, рефрактометр шкаласини ёритувчи кўзгу ва шу барчасини ўзида жамловчи корпусдан ташкил топган.

Мойнинг синдириш кўрсаткичини аниқлаш учун унинг бир неча томчиси ўлчаш призмасига томизилиб, устига ёритиш призмаси ёпилади. Намунани маълум ҳароратгача иситиш учун термостатдан призмаларга иссиқ сув берилади ва термометр ёрдамида ҳарорат назорат қилинади. Ёритиш ва ўлчаш призмаларининг мослагичи ёрдамида ёритувчи ва ўлчовчи призмаларни айлантириб, кўриш трубасидан кузатиб, ёруғлик соясининг чегараси топилади. Дисперсияни ростловчи мослагич ёрдамида уни ранглилиги кетказилади. Ёруғлик ва соя чегараси окуляр ичидаги чизиқларнинг кесишишган нуқтасига келтириб, рефрактометр шкаласидаги ўлчам олинади. Бу шкала ёритувчи кўзгу билан ёритилади. Шкала кўрсаткичларининг қиймати 20 °C ҳароратга мосланган. Тахлил 5-15 °C ҳароратда бажарилса олинган катталик  $1 \cdot 10^{-4}$  қийматга камайтирилиб, 25-35 °C ҳароратда бажарилса айнан шундай қийматга кичрайтирилади. Тахлил 2-3 марта қайтарилади ва ўртача натижа олинади. Аниқлаш тугагач призма юзаси аввал ефирли пахта билан сўнг қуруқ пахта билан артилади.

## **Мойларнинг перекис сонини тиндириш орқали аниқлаш**

Перекис сонини аниқлаш мавжуд усулда аниқланди. Бунинг учун дастлаб тортиб олинган 12 гр ёғни шлифланган колбага солиб, 20 гр музлатилган сирка кислотада хлороформ билан еритилади (2:1) нисбатда.

Хосил бўлган еритмага 1 мл КЖ ни тўйинган 50%ли сувли еритмаси қўшилади. КЖ еритмаси қўшилгандан кейин реаксион аралашмада қатламларига ажралиши қузатилмаслиги керак. Еритма бир жинсли (гомоген) бўлиши керак, акс ҳолда еритувчини миқдори қўпайтирилиб бир жинсли еритма бўлгунча, олиб келинади. Аралашма 20 мин қоронғуда ушлаб турилади. Бундан кейин шу колбага 50 мл дистилланган сув қўшиб суюлтирилади ва 3 мл 1%-ли крахмал еритмаси солинади. Ажралиб чиқган Ж<sub>2</sub> 0,002 Н Na<sub>2</sub>C<sub>2</sub>O<sub>3</sub> еритмаси билан титрланади. Шу шароитда контрол тажриба қўйилади. Перекис сони қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$P.c. = \frac{(a - b) \cdot 0,02538 \cdot \kappa}{p} \%$$

Бу ерда: а, б – асосий ва контрол тажрибада ажралиб чиқган Ж<sub>2</sub>-ни титрлаш учун сарфланган 0,002 Н Na<sub>2</sub>C<sub>2</sub>O<sub>3</sub>-ни еритмасининг миқдори, мл;

0,02538 – 0,002 Н Na<sub>2</sub>C<sub>2</sub>O<sub>3</sub> еритмасини титрини 100-га қўпайтирилгани;

к – 0,002 Н еритмани титрига тўғирлаш;

п – тортиб олинган ёғ миқдори, г.

### **Мойлардаги совунланмайдиган моддалар миқдорини аниқлаш**

Мой таркибидаги совунланмайдиган модда миқдорини стандартда берилган усул бўйича аниқланди. Унда аниқ тортиб олинган 5 г ёғ 15 мл 2 Н КОНни спиртли еритмасини қайнаб турган колбада ҳаволи совутгич ёрдамида 1 соат давомида совунланади. Совунланиш жараёни тугагандан сўнг колбадаги еритма бир жинсли ва тиник еритмани хосил қилиш керак. Кейин шунча миқдорда сув қўшиб 30 мин давомида қайнатилади. Совутилган совунли сувни 50%ли спирт ёрдамида бўлиш воронкасига ўтказилади. Арапаштириб туриб 15 млдан петролей ефири билан уч мартаба совунланмайдиган моддаларни ажратиб олинади. Агар чайқатилганда эмулсия хосил бўлса, у ҳолда воронка четидан еҳтиёткорлик билан оз миқдорда спирт уни парчаланади. Олдин таркибида ишқори бўлган 50%ли сувли спирт еритмаси билан ефир витяжкаси

ювилади, кейин неча бор таркибида ишқори бўлмаган 50%ли сувли спирт еритмаси билан ювилади. Ҳар гал ювишга еритмадан 15 мл дан олинади.

Сувли спирт еритма билан суюқликни ювиш 8-10 ҳажм сувгача суюлгунча давом етади. Ювиш жараёни фенолфталеин қўшганда ювишга ишлатилаётган сувни ранги ўзгармагунча давом етади.

Ефирли еритма олдин тортилган конуссимон колбага солинади.

Еритма ҳайдалиб, совунланмайдиган моддалардан ташкил топган чўкма термостатда 105<sup>0</sup>C да доимий оғирликгача қуритилади ва тортилади.

Биринчи тортиш 1 соатдан кейин, қолганлари 15 мин ўткандан кейин.

Совунланмайдиган моддаларни фоиз микдори қуидаги формула билан ҳисобланади.

$$x = \frac{\alpha \cdot 100}{p};$$

бу ерда:  $\alpha$  – колбадаги чўкма оғирлиги, г;  $p$  – ёғни оғирлиги, г.

### **Мойларнинг совунланиш сонини аниқлаш**

Совунланиш сонини аниқлаш учун ҳаво совутгичли шлифли колбага 1,0-1,5 г намуналини ёғни солиб, унга 25 мл 0,5 Н ли КОН спиртли бюретка ёрдамида аниқ ўлчаб солинади ва шлифли ҳаво совутгичига ўрнатиб, 1 соат мобайнида сув ҳаммомида иситиш орқали совунланиш жараёнини олиб борилади ва спиртнинг учеб кетмаслик чораларини кўрилади. Бунинг учун ҳаво совутгичини юқори қисмини даврий равишда кузатиб турилади, агар спирт буғи кўпайса, у қизийди, бу ҳолат пайдо бўлса сув ҳаммомидаги колба остига 2-та плита қопқоғи кўшиш керак. Бир вақтда шароитда ёғсиз колбага 25 мл 0,5 Н ли КОНнинг спиртли еритмасини солиб қайнатилади (сўқир тажриба). Совунланиш жараёни тугагандан сўнг, колбада бир хил кўринишили, биронта ёғ томчиларсиз тиник масса ҳосил бўлиши керак. Бундан сўнг иккала колбани 0,5 Н ли хлорид кислотасини сувли еритмаси билан титрланади (совунли еритма совимаган ҳолда титрланади). Ишчи тажрибани титрлашда ёғни совунлаш реаксияда ишлатилмаган ортиқча

ишқор титрланади. Оқ рангли ёғ ва мойларни титрлашда игдикатор сифатида фенолфталеин ишлатилади, түқ рангли ёғлар учун алкалиблау ёки тимолфталеин ишлатилади.

Қуйидаги формула орқали ҳисобдлашлар олиб борилади:

$$C.c. = \frac{(a - \delta) \cdot 28,05K}{p}; \text{мг КОН/г}$$

Бу ерда а – сўқир тажрибадаги ишқорнинг титрлаш учун кетган 0,5 Нли HCl еритмасининг миқдори, мл; б – намунали тажрибада совунлашдан қолган совунлашдаги қолган озод ишқорни титрлаш учун сарфланган 0,5 Нли HCl еритмасининг миқдори, мл; п – анализ учун модда намунаси, г; 28,05 – КОН бўйича 0,5 Нли HCl еритмасининг титри. K – 0,5 Нли HCl еритмасининг фактори.

Усулни тўғрилиги  $\pm 0,5$  мг КОН/г.

### **Назорат саволлари.**

1. Ўсимлик мойларини ишлаб чиқаришнинг қандай усуллари мавжуд
2. Пресслаб мой олинганда мой унуми неча фоизни ташкил этади?
3. Мойларни бирламчи тозалаш қандай амалаг оширилади
4. Түқ рангли мойларининг кислота сони қандай аниқланади.


**6-машғулот. Ўсимлик мойларини рафинациялаш ва олинган мойларнинг физик-кимёвий кўрсаткичларини аниқлаш**

#### **6.1. Ерёнгоқ мойини нейтраллаш учун тажриба қурилмасининг баёни**

**Ишнинг бажарилиши.** Сигими 0,5 л бўлган стаканга (2.1-расм) 200 г мой солинади. Рафинациядан олдин мойнинг ва ишқор эритмасининг ҳароратси  $20-25^{\circ}\text{C}$  атрофида бўлиши керак. 150-200 айл/мин тезликда аралаштиргич билан аралаштирган ҳолда ўлчовли цилиндр ёрдамида, ҳисобланган ишқор эритмаси томчилаб мойга қушилади. Эритманинг концентрацияси ва зарур ортиқча қисми жадвалдан топилади.

Ишқор эритмасини қўшгандан сўнг аралаштириш 10 мин давом эттирилади, сўнга мой иситилади. Ҳароратни  $45^{\circ}\text{C}$  етказиб аралаштиргичнинг айланишлар сонини минутига 15-20 гача камайтирилади ва аралаштиришни мойдан соапсток паға-паға бўлиб аниқ ажрала бошлагунча давом эттирилади. Нейтраллашнинг охирги ҳарорати соапсток паға-паға бўлиб ҳосил бўлиш ҳарактерига кўра белгиланади (айрим ҳолларда  $60^{\circ}\text{ C}$  гача чиқиши мумкин).

Соапстокнинг ҳосил бўлишини назорат қилиш учун шиша таёқча билан нейтрализатордан мой олиб шиша ёки чинни пластинкага бир неча томчи томизиб кўрилади.



#### **6.1. – расм. Нейтраллаш учун тажриба қурилмаси:**

1 – электроиситгич; 2 – кимёвий стакан; 3 – аралаштиргич; 4 – электродвигатель; 5 – томчи воронкаси; 6 - термометр

Тажрибани тўғри олиб борилганда аралаштиргичнинг секин айланишида аралаштиришнинг давомийлиги 5-10 минут бўлиши мумкин. Соапстокнинг мойдан яхши ажратилишига эришилганда аралаштириш яқунланади.

Мой нейтраллангандан сўнг 10 мин давомида тиндириб қўйилади, кейин соапстокдан яхшилаб ажратилади ва бувлама фильтр қоғози орқали фильтрланади. Тозаланган мой ранги ВНИИЖ - 16 ёки «Ловибонд» ранг ўлчагичи ёрдамида аниқланади.

Экстракцион мойини намунавий нейтраллаш ҳам худди шундай ўтказилади, фақат ишқор эритмаси кушилгач ва 30 мин давомида аралаштиргач, ўлчовчи цилиндр билан мой массасига нисбатан 7% гача микдорда сув томчилаб кўшилади (соапсток паға-паға бўлиб ҳосил бўлиш ҳарактерига боғлиқ равишда). Қолганлари худди юқорида айтилгандек амалга оширилади. Соапстокнинг чўкиш ҳарактери, мой ранги ва унинг нейтралланиш бўйича қониқарсиз натижалар аникланганда ишқор эритмасининг бошқа концентрацияларини олиб ёки ишқор микдорини ўзгартириб, намунавий нейтраллаш такрорланади.

### **Нейтралланган ерёнғоқ мойини адсорбцияли рафинациялаш жараёнини олиб бориш учун экспериментал қурилма ва унинг баёни.**

Сигими 500 см<sup>3</sup> бўлган уч бўйинли думалоқ тубли колба 1 га 200 г мой солинади. Мой ва оқловчи тупроқ суспензиясини аралаштириш учун аралаштиргич 10 туширилади ва термометр 2 ўрнатилади. Колба бўғизи 8 га оқловчи тупроқ дозатори ўрнатилади ва уни вакуум насос ҳамда инерт газ балони билан боғланади.

3 ва 9 кранлар ёпиқ ва 7 ва 4 кранлар очиқ турган ҳолда ҳамда қолдик босим 2,7 – 6,7 кПа дан ошмаган ҳолатда аралаштиргич 10 ёрдамида 5 минут давомида аралаштириб ёғ ҳавосизлантирилади.


Ускуна, 4 кранни ёпиб вакуум – насосдан ажратилади. Кран 3 очилади ва системага инерт газ берилади ва 9 кран орқали инерт газ билан

пуфланади. 3,7,9 кранлар ёпилади ва оқловчи тупроқ дозатор 6 ни ён томонидаги тирқиши 5 орқали берилади ва қопқоқ билан ёпилади.

Кран 4 очилиб оқловчи тупроқ 2-3 минут давомидв ҳавосизлантирилади. 4 кран ёпилиб, 3 ва 7 кранлар очилиб оқловчи тупроқни қиздирилган ёғга берилади.

Доимий инерт газ бериб турган ҳолда суспензия керакли ҳароратгача қиздирилади (9 кран бироз очиб қўйилади) ва уни белгиланган вақт давомида шу ҳароратда аралаштирилади.

Иситишни ўчириб инерт газ бериш тўхтатилади. 6 дозатор ечиб олинади ва суспензия тезлик билан воронкадаги бурмали фильтр устига қўйилади.




**6.2-расм. Оқлаш жараёнининг тажриба қурилмаси.**

1-уч бўйинли думалоқ тубли колба; 2-термометр; 3,4,7,9,-жўмраклар; 5-дозатор тешиги; 6-дозатор; 8-колба бўғизи; 10-магнитли аралаштиргич. Фильтрланган мойнинг ранги (ранг сони) аниқланади.

## **6.2. Ёғ ва мойларни нейтраллаш учун ишқор миқдорини ҳисоблаш.**

Ёғдаги эркин ёғ кислоталарини ажратиш учун саноатда уларнинг натрий гидроксид (ишқор) билан нейтраллаш реакцияси қўлланилади:




Нейтраллаш учун ишқорни сувли эритмасидан фойдаланилади, натижада совунни сувли эритмаси (соапсток) ҳосил бўлиб, у ёғда эримайди ва ёғдан ажралиб чўкмага тушади.

Ёғларни ишқор эритмаси билан қайта ишланганда ишқор ёғнинг бошқа таркибий қисларига ҳам таъсир қиласди. Жумладан ишқор, кислота ҳоссали функционал группаси бўлган моддалар билан реакцияга киришади.

Нейтраллаш жараёнини нормал олиб бориш ва реакцияни ўнг томонга йўналтириш учун ишқорни назарий миқдорига қараганда ортиқча олиш керак.

Агар ишқор миқдори етарли бўлмаса, сувдв ёмон, мойда эса яхши эрийдиган нордан совун ҳосил бўлиши мумкун, натижада соапстокни ёғдан ажралиши қийинлашади.



У ёки бу кимёвий реакция кетиши учун, реакция компонентларининг бир-бири билан тўқнашиши рўй бериши зарур. Ёғ ишқорнинг сувли эритмасида эримаганлиги учун ёғни ишқор билан нейтраллаш ҳисобига озгина миқдордаги совуннинг ҳосил бўлиши реакциянинг бориши учун етарлидир, чунки совун реакцияда эмульгатор вазифасини ўтаб, аралаштириб турилганда бир фазанинг иккинчи фазада яхши тақсимланишини тамиnlайди ва фазаларнинг тўқнашиш юзаси катталашади.

Ёғни нейтраллаш реакцияси натижасида ҳосил бўлган ёғ кислоталарининг натрийли тузи-совунни тўлиқ ажратиб олиш учун шундай шароит яратиш керакки, бунда айрим-айрим кичик заррачаларнинг етарли даражада йириклиши рўй бериши керак. Ҳосил бўлган совун парчалари юзасида чиқиндиларнинг анчагина қисми адсорбцияланади, жумладан ранг берувчи модалар ҳам. Коагуляция жараёнида совун шунингдек механик бирикмаларни ҳам ушлаб олади ва чўқтиради, агар улар мойда бўлса албатта.

Шундай қилиб, ишқорли рафинация натижасида мойнинг ранги тиниклашади. Ишқор билан қайта ишлаганда маълум даражада нейтрал ёғнинг совунланиши рўй бериши мумкун. Совунланиш даражаси ишқор эритмаси концентрациясига, унинг ишлатилаётган ортиқча микдорига, ҳароратга, вақтининг узунлигига, ёғ турига ва ҳакозаларга боғлиқ. Ишқор билан совунланиш ҳисобига нейтрал ёғнинг йўқолишини камайтиришга ҳаракат қилиш лозим. Бунинг учун мойнинг сифатига рафинация махсулотининг нимага мўлжалланганлигига боғлиқ ҳолда ишқор эритмасининг оптимал концентрацияси ва унинг зарур ортиқча микдори аниқланади.

Нейтрализацияни бошлашдан олдин мойнинг кислота сони аниқланади ва ишқор эритмасининг керакли концентрацияси танлаб олинади. Сўнгра тортиб олинган мойни нейтраллаш учун зарур бўлган микдори ҳисобланади.

Ёғ ва мойларни нейтраллаш учун ишқор микдорини ҳисоблаш.

Эркин ёғ кислоталарини нейтраллаш учун назарий зарур бўлган ишқор микдори ( $I_1$ ) г да қуйидаги формула бўйича аниқланади.

$$\text{Ин.} = \text{К.с.} * 0,714 \text{ P}/1000$$

Бу ерда К.с - мойнинг кислота сони, мг КОН

0,714-КОН миқдорини NaOH га ўтказиш коэффиценти.молекуляр оғирликлари нисбатига тенг.

$$\frac{м.о.NaOH}{м.о.KOH} = \frac{40}{56} = 0,714$$

P-тортиб олинган мой, г

1000 – NaOH миқдорини мг дан г га ўтказиш коэффиценти.

Намунавий нейтраллашда қўшиладиган ортиқча ишқор миқдори ( $I_0$ ) г да қўйидаги формула билан топилади:

Оч рангли мойлар учун

$$I_0 = I_n * A/100$$

Бу ерда:  $I_n$  – назарий зарур ишқор миқдори

$A$  – назарий миқдорга нисбатан қабул қилинган ортиқча ишқор миқдори % да, жадвалдан аниқланади.

Жами ишқор миқдори қўйидагича аниқланади:

$$\text{Оч рангли мойлар учун } I_y = I_n + I_n * A/100$$

Кислота сонига қараб берилган мойни нейтраллаш учун қандай концентрацияли ишқор ишлатилишини аниқлаб олиб, зарур бўлган қуруқ ишқор миқдорини ҳажмий бирликка қўйидаги формула бўйича келтирилади;

$$I_1 = I_y \bullet 1000/C,$$

Бу ерда:  $I_1$  – изланаётган ишқор эритмаси ҳажми, мл;

C –натрий гидроксиднинг қабул қилинган эритмаси концентрацияси, г/л.

## **6.3. Рафинацияланмаган ва рафинацияланган ерёнгоқ мойининг таҳлил қилиш усуллари.**

### **6.3.1. Рафинацияланмаган ва рафинацияланган ерёнгоқ мойининг кислота сонини спиртли-эфир усули ёрдамида аниқлаш.**

Кислота сони (к.с.) деб, бир грамм ёғдаги эркин ёғ кислоталарини нейтраллаш учун керак бўлган калий гидроксиднинг мг миқдорига айтилади. Эркин ёғ кислоталарининг миқдори мойли ҳомашёнинг сифати, ёғ ва мойни олиш усули, уни сақлаш шароити ҳамда бошқа омилларга боғлиқ. Кислота сони ёғларнинг асосий сифат кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

**Усул моҳияти.** Бу усул ёғ намунасини ишқорли эритма ёрдамида, индикатор-фенолфталеин иштироқида титрлашга асосланган.

Ёғлар учун эритувчи сифатида спиртнинг диэтил эфири билан нейтралланган арлашмаси қўлланилади.

**Реактив ва материаллар:** 96 % ли этил спирти ва диэтил эфирнинг нейтралланган арлашмаси (1:2), фенолфталеиннинг спиртдаги 1 % ли эритмаси, калий ёки натрий гидроксиднинг 0,1 н спиртли эритмаси, 100 мл.ли ясситубли колба.

**Ишнинг бажарилиши.** Аналитик торозида 3-5 г ёғ тортилиб колбага солинади, унга 50 мл диэтил эфири ва этил спиртининг нейтралланган арлашмаси қўйиб эритилади ва 3-5 томчи фенолфталеиннинг 1 % ли эритмаси қўшилади.

Олинган эритма тўхтовсиз арлаштирилиб 0,1 н КОН нинг спиртли эритмаси билан 30 секунд давомида йўқолмайдиган оч пуштиранг ҳосил бўлгунча титрланади.

Кислота сони мг КОН да қўйидаги формула билан топилади:

К.С.=5,611 а к/м,

бунда: 5,611-0,1 н калий гидроксид эритмасининг титри, , мг/мл;

а-титрлашга сарф бўлган 0,1 н КОН эритмасининг миқдори, мл;

к-титрга тузатма; т-анализга олинган ёғнинг массаси, г.

### **6.3.2. Намлик ва учувчан моддаларни масса улушини аниқлаш.**

**Усул принципи.** Бу усул мой намунасини 100-105 °C да доимий оғирликкача қуритишга асосланган.

Кимёвий идиш ва асбоб: диаметри 40-50 мм ва баландлиги 36 мм бўлган бюксслар, термостат.

**Ишнинг бажарилиши.** Термостатда 30 мин давомида 100-105°C да қуритилган, тортилган бюксга аналитик тарозида 3-5 г ёғ тортиб олинади ва худди шу ҳароратда 30 мин давомида қуритилади. Эксикаторда совитилгандан ва тортилгандан сўнг яна қуритилади. Бу тадбир ҳар 15 мин давомида қуритиш билан доимий оғирликкача давом эттирилади.

Ягар охирги икки тортишларда оғирлик фарқи 0,0005 г дан ошмаса доимий оғирликка эришилган ҳисобланади.

Намлик миқдори (X %да) куйидаги формула билан аниқланади:

$$X = (m - m_1) \cdot 100 / m_2$$

бу ерда  $m$  – қуритишдан олдин бюкснинг ёғ билан бирга массаси, г;  $m_1$  – қуритишдан кейин бюкснинг ёғ билан бирга массаси, г;  $m-m_1$  – намлик йўқотилиши, г;  $m$  – ёғ намунасининг массаси, г.

### **6.3.3. Рафинацияланмаган ва рафинацияланган ерёнғоқ мойининг рангини аниқлаш.**

Рафинацияланмаган ва рафинацияланган ўсимлик мойларининг ранги улардаги мавжуд пигментларнинг миқдорий ва сифатий таркибини кўрсатади. Оч рангли ўсимлик мойларининг ранглилиги ранг сони билан

характерланади. Ранг сони, йоднинг 100 мл стандарт эритмасидаги эркин йоднинг мг миқдори билан ифодаланади.

Оч рангли мойларнинг ранг сони йоднинг стандарт эритмалари шкаласи ёки колориметр ёрдамида аниқланади.

Тўқ рангли мойларнинг ранглилиги, белгиланган сариқ ранг иштирокида, аниқланган қизил ранг бирлигининг миқдори билан ифодаланиб, ранг ўлчагич ёрдамида аниқланади.

### **Тўқ рангли мойлар рангини ранги ўлчагич асбоби ёрдамида аниқлаш.**

**Усул моҳияти.** Бу усул мойнинг аниқ бир қатlam қалинлигига мойнинг рангини шиша фильтрлар рангига таққослашга асосланган. Бу усул рафинацияланган ва рафинацмияланмаган пахта мойнинг рангини аниқлашда қўлланилади. Бунинг учун «Ловибонд» ранг ўлчагичи ишлатилади.

Ловибонд ранг ўлчагичи пахта мойи рангини 2 дан 70 қизил бирликкагача бўлган оралиқда ўлчаш учун ишлатилади.

Асбоб пастки ва устки ойналарга эга. Унинг устки ойнаси ёриғлик нури билан рангли фильтрларни ёритишга мўлжалланган. Пастки ойна олдига мой солинган кювета жойлаштирилади. Ёруғлик нурини устки ва пастки ойналар текис кўзгу ва призмалар ёрдамида окулярга йўналтирилади. Кўриш майдонининг ҳар иккала ярми бир ҳилда ёритилган бўлиши керак. Бунда асбобни ёритгич олдида тўғри ўрнатиш билан эришилади.

Асбоб устки ойнасидаги ёруғлик оқими 20, 35, 70 бирликдаги оқимни берадиган сариқ светофильтрлар 10, 20, 30 бирликдаги оқимни берадиган қизил светофильтрлар ҳамда 1,5-14 қизил бирликдаги ўзгарувчан ёруғлик оқимини берадиган иккиталик призма киритилади.

Пастки ойна олдига мой солинган кювета қўйилади. Кўриш майдонининг ўнг ярми мой қатламидан ўтаётган ёруғлик, чап ярми эса рангли фильтрлар тизими орқали ўтаётган ёруғлик оқими билан ёритилади. Кюветадан ўтаётган ёруғлик оқими нейтрал фильтрлар ўрнатилиши мумкун. У фильтрлар рангли фильтрлар тизимидағи ёруғликнинг йўқолишини компенсациялайда. Нейтрал фильтрлар окуляр кўриш майдонининг чап ярмида кўкимтири ранг ҳосил бўлгандагина киритилади.

Асбоб: «Ловибонд» ранг ўлчагичи.

**Ишнинг бажарилиши.** Олдиндан фильтрланган мой намунаси кюветага солинади ва асбобнинг пастки ойнаси олдига қўйилади. Ёруғлик оқимига сариқ фильтр киритилиб, кўриш майдонининг ҳар иккала қисмидаги ранглар призманинг силжитиш дастаги ёрдамида тенглаштирилади. Ранглар тенглигига эришилмаган ҳолда 10, 20, 30 бирликда ёруғлик оқимини берадиган қизил фильтрлар ёки 40, 50 бирликда оқимини берадиган иккита фильтр киритилади ва клин шкаласи бўйича бу бирликлар қўшиб ҳисобланади.

Мойнинг ранги кювета қалинлиги ва сариқ фильтрларнинг рақами ёки рақамлар йифиндиси кўрсатилган ҳолда клин шкаласи бўйича қизил бирликларда ифодаланади. Ранглилик учун 3-5- ўлчашларнинг ўртача арифметик қиймати қабул қилинади. Иккита параллел ўлчамлар орасидаги фарқ 2-18 бирлик оралиғида 1 бирликдан ошмаслиги керак.

#### **6.3.4. Рафинацияланган мойнинг чиқиши унумини аниқлаш.**

Ишлаб чиқаришни назорат қилиш чиқинди ва нобудгарчиликни рафинация схемасининг ҳар бир босқичида аниқлашни назарда тутади. Бу рафинацияланган ёғни унумини ҳисоблашга имкон беради. Рафинациянинг турли босқичларида чиқинди ва нобудгарчиликни нормалари 2.2-жадвалда берилган.

**Рафинациянинг турли босқичларида ёғнинг чиқиндиси ва нобудгарчилиги.**

Рафинация босқичлари	Чиқинди Ч., %	Нобудгарчилик Н, %
Гидратация	(1.7-2)Ф	--
Нейтраллаш, даврий усул		
озиқ мақсади учун мой (к.с. 4 мг КОН гача)	5,8 X	1,7
Ювиш	0,20	0,20
Қуритиш	--	0,05
Оқлаш	0,4 А	0,1 А

Эслатма, Ф – фосфолипидларни масса улуси, %; X – мойни (ёғни) кислоталиги, %; А – оқловчи тупроқ миқдори, %.

Рафинацияланган мойнинг рафинацияланмаган мойни массасига нисбатан % ҳисобидаги унуми қуидаги формула билан аниқланади:

$$M_p = 100 - \sum (Ч + Н), \%$$

бу ерда  $\sum (Ч + Н)$  – рафинацияни турли босқичларидаги чиқинди ва нобудгарчиликни йиғиндиси.

#### **6.4. Соапсток таркибидаги нейтрал ёғ миқдорини аниқлаш**

Соапсток таркибидаги нейтрал ёғ миқдорини аниқлаш учун соапсток яхшилаб аралаштирилиб, ундан 5г тарозида тортиб олинади ва колбага солинади ва унинг устига дистилланган иссиқ сувдан 50 мл солиб яхшилаб аралаштирилади. Кейин сув ҳаммомида қиздириб эритилади, то тиник холатга келгунча. Эриган кимёвий реагент уй ҳароратигача совутилади ва 25 мл диэтил эфири қуйиб, нейтрал ёғ тўлиқ эригунча аралаштирилади. Колба ичидаги ҳамма аралашмалар, ҳажми 500 мл бўлган бўлиш қоронкасига қуилади ва 10 минут давомида тиндирилади. Натижада иккита қатлам ҳосил бўлади. Юқориги қатламда диэтил эфирида эриган

нейтрал ёғ бўлса, пастки қисмида сувда қолган чиқиндилар йигилади. Сув қатламини бошқа бўлиш воронкасига солинади, ёғли эфир қатлами бўлиш воронкасида қолади.

Сув қатлами солинган бўлиш қоронкасига 25 мл диэтил эфири солиб, яхшилаб аралаштирилади, кейин 10-15 минут тиндирилади. Ҳосил бўлган сув қатлами бошқа бўлиш қоронкасига қуйилади, устки қисмидаги диэтил эфири билан ёғ қатлами биринчи бўлиш воронкасига қуйилади. Сувли қатлами қуйилган бўлиш воронкасига 25 мл диэтил эфири қуйиб яхшилаб чайқатилади, 10-15 минут тиндирилганидан кейин иккита қатлам ҳосил бўлади. Пастки сувли қатлам бўш воронкасига солинади, устки эфир ёғ қатлами биринчи бўлиш воронкасига солинади. Шу жараён соапсток таркибидаги нейтрал ёғ тўлиқ ажратиб олгунча давом этади.

Тажрибани охирига етказиш учун 3-4 марта 25 мл дан диэтил эфири солинади. Барча йигилган эфир ёғ аралашмаси солинган бўлиш воронкаси дистилланган сув ёрдамида нейтрал муҳитгача ювилади, бу эса фенолфталеин индикатори билан текширилади. Ювилган эфир ёғ аралашмаси тоза 250 мл колбага қуиилиб, унинг устига оз миқдорда сувсиз  $\text{Na}_2\text{SO}_4$  солинади ва яхшилаб аралаштирилади. Натижада тиник эфир аралашмаси ҳосил бўлади. Колбадаги  $\text{Na}_2\text{SO}_4$  ни ажратиш учун тортилган 250 мл ли колбага фильтранади, колба ва фильтр қофози диэтил эфири билан ювилади. Колбадаги эфир аралашмаси хайдаш ускунаси ёрдамида учирилади ва совутгич ёрдамида конденсацияланади. Колбада қолган нейтрал ёғ қуритиш шкафида 78-80 °C хароратда доимий оғирликкача қуритилади. Соапсток таркибидаги нейтрал ёғ миқдори қуидаги формула ёрдамида ҳисобланади :

$$X(\%) = \frac{a * 100}{p}$$

Бу ерда: а – нейтрал ёғ миқдори, г ;

Р – анализга олинган соапсток миқдори.

## **6.5. Адсорбентларни таҳлил қилиш усуллари**

### **6.5.1. Оқловчи тупроқнинг мой сифимини аниқлаш.**

Диаметри 50 мм атрофида бўлган Бюхнер воронкасига деворларига тақаб айлана фильтр қоғоз жойланади, мой билан хўлланади ва ортиқча мой насос билан сўриб олинади. Фильтр воронкаси билан техник тарозида тортилади. Сўнг, воронкага 10 г текширилаётган оқловчи тупроқ солинади, ҳамма тупроқни қолдирмасдан яхшилаб мой билан хўлланади, ортиқча мой сўриб олинади ва доимий оғирликка келгунча тортилади.

Оқловчи тупроқнинг сифими ( $X$ ) қуидаги формуладан топилади.

$$X = (a - b + p) \cdot 100/P, \%$$

бу ерда: а-воронканинг фильтр, тупроқ ва ютилган мой билан биргалиқдаги оғирлиги, г; б- воронканинг мой шимдирилган фильтр билан оғирлиги, г; р- тупроқ оғирлиги, г.

Оқловчи тупроқларнинг мой сифими уларнинг таркибига, табиатига ва активлигига қараб 40 дан 100% гача бўлиши мумкин.

### **6.5.2. Оқланган мойнинг фильтрланиш тезлигини аниқлаш.**

Мой оқлангандан сўнг 90-95 °C ҳароратда бурмали фильтрли воронкага ўтказилади ва термостатга жойлаштириб белгилangan ҳароратда ўлчов цилиндрига фильтрланади. Воронканинг пастки қисми цилиндр деворига тегиб туриши керак. Тупроқни фильтрланиш даражаси фильтрлаш бошлангандан сўнг ҳар 5 дақиқадаги оқланган мойни см<sup>3</sup> микдори билан белгиланади. Фильтрлашнинг бошланиши 1-томчи мой тушгандан бошлаб ҳисобланади ва секундамер ёқиб қўйилади. Кейинги ўлчашлар 5 дақиқадан сўнг олиб борилади.

Аниқлаш фильтрлаш тезлиги пасайиши бошлангунга қадар давом эттирилади. (вақт бўйича ҳисобланади). Олинган маълумотлар бўйича фильтрланган мой микдори (см<sup>3</sup>да), фильтрлаш давомийлиги (мин. да) координата ўқларига жойлаштириллади.

## **Назорат саволлари.**


1. Рафинациянинг мақсади нима?
2. Мойларда қандай ҳамроҳ моддалар бўлади?
3. Мойларни рафинациялаш жараёнида қайси ҳамроҳ моддалар йўқотилади?
4. Фосфатидларни ажратишни тушунтириб беринг.
5. Мойни кислота сонини аниқлашни қайси усулларини биласиз?
6. Мойдаги фосфолипидлар қайси усулларда аниқланади?
7. Мойдаги намлик ва учувчан моддаларни аниқлаш қандай олиб борилади?
8. Намунавий гидратация қандай шароитда олиб борилади?
9. Мойларни гидратациялаш жараёнини самарадорлигига сувнинг миқдори қандай таъсир қиласи?
10. Фосфолипидларни тўлиқ ажралиши қандай омилларга боғлиқ?
11. Гидратацияланган мойни қайси кўрсаткичлари аниқланади?
12. Мойнинг рангини аниқлашни қандай усулларини биласиз?
13. Мойлардаги эркин ёғ кислоталарни йўқотиш усули нима деб аталади ва у қандай олиб борилади?
14. Мойларни нейтраллаш учун керак бўладиган ишқор миқдори қандай ҳисобланади?
15. Нейтраллаш жараёнида ишқорнинг ортиқча миқдори нима учун олинади?
16. Мойларни нейтраллашни қандай усулларини биласиз?
17. Намунавий нейтраллаш лабораторияда қандай олиб борилади?
18. Соапсток – бу нима ва уни анализи қандай олиб борилади?
19. Мойларни нима учун ювиш керак?
20. Мойларни қуритиш жараёни қандай шароитда олиб борилади?
21. Адсорбентларни қайси кўрсаткичлари асосий ҳисобланади?

## **7-машғулот. ҚАТТИҚ ЁҒ ВА МАРГАРИН МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ КҮРСАТКИЧЛАРИНИ АНИҚЛАШ**

### **7.1. Қаттиқлигини аниқлаш.**

Озиқавий саломаснинг сифат күрсаткичларидан бири унинг қаттиқлиги хисобланади. Қаттиқлигини аниқлаш Каминский қаттиқлик ўлчагичида (твёрдомер) амалга оширилади. Аниқлаш принципи, 1 см кесимдаги  $15^{\circ}\text{C}$  гача совитилган ёғ намунасини диаметри 0.2 мм ли сим билан кесиш учун керак бўладиган юклама қийматини белгилашга асосланган. Олинган катталик г/см ларда белгиланади.

Саломаслар қайси мақсадда ишлатилишига қараб турли қаттиқликка эга бўлади. Масалан, маргарин ишлаб чиқариш учун 160-320 г/см, кондитер маҳсулотлари (шоколад) учун 500-600 г/см қаттиқликга эга бўлган озикавий саломаслар ишлатилади.



Каминский қаттиқлик ўлчагичи тарози типидаги асбобдир. Ҳар доим аниқлашдан олдин ускуна ростланади ва дастлабки ҳолатга келтирилади. Қаттиқлик ўлчагични ишлатишдан олдинуни градуировка қилинади, яъни ўлчаштрубкаси бўлимларикатталиги аниқланади.

Реактив ваускуналар: муз васуваралашмаси, Каминский қаттиқлик ўлчагичи, капсула, 500 мл ли стакан, пичоқ.

Ишнинг бажарилиши. Саломас ва бошқа ёғларни қаттиқлигини аниқлашга тайёрлаш: рамкани обоймага (ҳалкача) ойланади ва унга чегарасигача эритилган текширилаётган ёғ қуйилади. Ёғни эритиш  $50^{\circ}\text{C}$  да

секин амалга оширилади, Ҳаво чиқиши учун ёғга 2 та номерланган капсула жойланади. Тўлганобоймани (ҳалқани) муз ва сув аралашмасига жойланади, бунда сувнинг ёғга қўшилиб кетмаслигини назорат қилиб туриш керак. 15 минутдан кейин ёғ совигач обоймани совитувчи аралашмадан олинади ва уни бирнеча секунд иссиқ сувли стаканга (сувхарорати  $50\text{-}70^{\circ}\text{C}$ ) жойланади, кейин чап қўл бармоқлари билан обоймани ушлаб ўнг қўл бармоқлари билан рамка дастасини ушлаб, обоймани рамкадан ажратилади.

Шундан сўнг капсулани рамкадан сурилади ва пичоқ билан унинг ташқи деворлари ёпишиб қолган ёғлардан тозаланади. Капсулаларни 20 минут сув ва муз аралашмасида сақланади, сўнгра 1 соат давомида  $15^{\circ}\text{C}$  ли сувга жойланади.

Термостатлаш тугагач капсулаларни сувдан олинади ва ускунанинг совитувчи камерасига жойланади. Камерадан узлуксиз равишда, камерада ҳароратни  $15^{\circ}\text{C}$  да сақлаб туриш учун, сув ўтказиб турилади (атроф муҳит ҳарорати  $20^{\circ}\text{C}$  дан паст бўлганда сув ўтказиш шарт эмас).

Водопровод жўмраги очилади ва босим орқали бочка 7га узлуксиз сув берилади, уни ортиқча қисми тўкувчи трубка орқали тушириб турилади

8-ричаг секин босилади, 7 бочкача штоки қўтарилади, натижада сув бочкадан қабул қилувчи бачокка ўта бошлайди. Чап қўл билан арретир 4 олиб ташланади. Ёғни сим билан кесиш вақтида коромысло 3 кесувчи мослама 11 ва қабул қилувчи бачок 10 билан бирга туша бошлайди ва стрелка шкаланинг иккинчи бўлагидан ўтганда, занжир 9 тушувчи ричаг 8ни тортади, у илгични четга суради, натижада озод бўлиб қолган шток тушиб кетади, бунда у қабул қилувчи бачок 10га сув келаётган клапанли тешикни ёпади. Қабул қилувчи бачокнинг тўлишдавомийлиги қуйидагича: қаттиқлиги 300 г/см гача бўлган саломас анализида 2-3 мин, қаттиқлиги 500-800 г/см бўлган саломас анализида 4-5 мин.

Коромысло 3 кўтарилади ва уни арретир 4 билан маҳкамлаб, ўлчаш трубкаси 5 ёрдамида қабул қилувчи бачок 10даги йиғилган сув мл миқдорида ҳисобланади. Градуировка жадвалидан сув миқдори бўйича қидирилаётган саломаснинг қаттиқлиги аниқланади.

Сувни қабул қилувчи 10 ва чиқарувчи жўмракларни ўлчаш трубкаси 5да ноль ҳолатга келгунча очилгач, қаттиқлик ўлчагич кейинги тажрибалар учун тайёр бўлади.

Эслатма: 1) ўлчаш трубкасидаги нолинчи нуқта 0-14.5 мм га тўғри келади. 1) ҳисоблаш ёпиқ аппарат ҳолатда нолинчи нуқтадан, пастдан юқорига амалга оширилади, мм.

## **7.2. Суюқланиш ҳароратини аниқлаш.**

Ҳар қандай кимёвий тоза индивидуал модда қайнаш ҳароратига эга. Бу кўрсатгич асосий ҳарактеристикалардан бири бўлиб, шу модданинг тозалиги тўғрисида ҳулоса қилиш учун фойдаланилади.

Моддалар аралашмаси аниқ қайнаш ҳароратига эга бўлмайди. Уларнинг суюқ ҳолатга ўтиши бирдан рўй бермайди. Суюқ ҳолатга ўтиш маълум ҳарорат оралиғида рўй беради, чунки аралашманинг компонентлари ҳар хил ҳароратда эрийди.

Худди шунингдек ёғлар ҳам ҳар хил эриш ҳароратларига эга бўлган турли учгилицеридларнинг мураккаб аралашмасидан иборат бўлиб, муайян ҳарорат оралиғида эрийди.

Дастлаб ёғ юмшайди ва қўзгалувчан бўлиб қолади, кейин маълум ҳароратга етгач, яъни, унинг ташкил қилувчи барча қисмлари суюқ ҳолатга ўтганда у тиник ҳолатга келади. Индивидуал модда бўлганда эриш ҳарорати ва тўлиқ эриш ҳарорати мос тушар эди. Ёғларда эса бу икки кўрсаткич орасида маълум фарқ борлиги кузатилади ва буёғнинг глицерид таркибига боғлиқ.

Ёғлар аниқ эриш ҳароратига эга бўлмаганлиги учун уларни 2 та кўрсаткич бўйича характерланади: ёғ ҳаракатланувчан бўлиб қоладиган суюқланиш

ҳарорати ва ёғ түлиқ тиник бўладиган түлиқ суюқланиш ҳарорати билан характерланади.


Ёғнинг суюқланиш ҳароратини аниқлаш учун амалиётда ёғнинг юмашини характерловчи бир қатор шартли усуллар қўлланилади. Ёғ-мойсаноатида аниқлашнин гўйидаги усули қабул қилинган (2-расм).

## **2-расм. Суюқланиш ҳароратини аниқлаш учун асбоб.**

1-аралаштиргич; 2-термометр; 3-капилляр найча.

**Асбоблар: шишадан ясалган капилляр, термометр, стакан.**

**Ишнингбажарилиши.** Тоза, куруқ, иккитомониҳамочиқ, юпқа енгил шишадан ясалган капилляр найчага (найча узунлиги 50-80 мм, диаметри 1-1.2 мм, девори қалинлиги 0.2-0.3 мм) шундай миқдор тълик эриган фильтранган саломасдан олинадики, бунда капиллярдаги ёғ устуни баландлиги 10 мм атрофида бўлсин.



Капиллярни тўлдириш, унинг учини ёғга тиқиш билан амалга оширилади. Ёғли трубкани музда 10 минут давомида ушлаб турилади.

Шундан сўнг трубканинг ичкарезиналихалка ёрдамида термометрга (шкаласинин гбўлимлари  $0.1^{\circ}\text{C}$ ) маҳкамланади, бунда ёғ устуни ва термометрни симобли шариги бир хил сатҳда туриши керак. Шундан сўнг термометрни капилляр билан ҳарорати  $15-18^{\circ}\text{C}$  бўлган сувли стаканга солинади, бунда капилляр сувга 3-4 см кириб туриши керак.

Бунда капиллярнинг тўлдирилмаган учига сув кириб кетмаслигини назорат килиш керак. Механик аралаштиргич билан доимий аралаштириб турган ҳолда стакандаги сувни дастлаб минутига  $2^{\circ}\text{C}$  га, суюқланиш ҳарорат яқинлашган сари минутига  $1^{\circ}\text{C}$  дан кўпайтмай ошириб бориш

керак. Эриш ҳарорати деб, трубкадаги ёғ кўтарила бошлайдиган ҳарорат олинади.

Аниқлашни 2 марта бажарилади ва натижа сифатида 2 та параллел аниқланган кўрсаткичларнинг ўртачаси олинади. Улар бир-биридан  $0.5^{\circ}\text{C}$  дан кўп фарқ қиласлиги керак.

### **7.3. Нур синдириш кўрсаткичини аниқлаш.**

Ёғ ва мойларни гидрогенлаш жараёнини назорат қилиш учун кўпроқ рефрактометрик усул қўлланилади. Гидрогенлаш жараёнида ёғни нур синдириш кўрсаткичи бўйича гидрогенланган ёғларни тўйинмаганлик даражасини юқори аниқликда ифодалаш мумкин.

Усул принципи. Бу усул, ёғдагиқўшбоғларни водород билан тўйинтириш натижасида нур синдириш кўрсаткичини камайишига асосланган. Шу билан бирқаторда йод сони ҳам камаяди. Нур синдириш кўрсаткичи ва йод сони орасида эмпирик боғлилик мавжуд. Нур синдириш кўрсаткичи рефрактометрда ўлчанади. Ишлаб чиқаришда қуйидаги рефрактометрлар қўлланилади: универсал рефрактометр РЛУ – ўлчамчегараси 1,3 дан 1,7 гача; ўлчаманиқлиги 0,001; универсал рефрактометр ИРФ –22 ўлчамчегараси ўтаётганёруғликда 1,3-1,7; қайтаётганёруғликда 1,3-1,57; ўлчаманиқлиги 0,0002. Ёғ-мой саноатид асосан рефрактометр ИРФ-22 қўлланилади.

**Ишнинг бажарилиши.** Ўлчовчи призма устига шиша таёқча билан призмага тегизмай, бир неча томчи эриган саломас томизилади, ёритувчи приzmани эхтиёткорлик билан туширилади ва суюқлик призмалар орасини тўлдиришига эътибор берилади. Ёритувчи ойнани шундай қўйиш керакки, ёруғлик ёритувчи призмага тушиб, кўриш қисмини тўла ёритиши керак. Ўлчовчи головкага термостатловчи суюқлик (сув) берилади ва термометр 7 билан ҳарорат ўлчанади.

Рефрактометрни чап томонида жойлашган маҳовик айлантирилиб, ўлчовчи ва ёритувчи призмаларни боғламини жилдирилади, кўриш

трубаси 1 дан назорат қилиб, ёруғлик соя чегаралари топилади. Дисперсия компенсатори 10 ни маховигини айлантириб, бўлиниш чегарасининг бўялиши йўқотилади. Сўнгра, рефрактометр чап томонида жойлашган маховик билан, бўлимлар чегаралари ипларни кесиш нуқтасига тўғриланади ва нур синдириш кўрсаткичи ускунасининг шкаласи бўйича аниқланади.

Тадқиқот 2-3 марта ҳарорат ўрнатилган 5 мин дан сўнг 0,0002 аниқликда қайтарилади ва ўртача қиймат олинади.

Нур синдириш кўрсаткичи  $n_D^{60^\circ}$  билан ифодаланади.

Гидрогенланган кунгабоқар, соя ва пахта ёғининг йод сонини эмпирик формула орқали топилади.

$$\ddot{y}.c. = (n_D^{60^\circ} - 1,4454)100 / 0,0111$$

Бу ерда: й.ч. – ёғнинг йод сони;  $n_D^{60^\circ}$  - ёғнинг ўртачасиндиришкўрсаткичи  $60^\circ\text{C}$  да.

Аниқлашлар тугагач призма усти пахта билан тозаланади, бунинг учун дастлаб эфир билан, сўнг куруқ пахта билан артилади.

#### **7.4. Никелни масса улушинианиқлаш.**

Саломасдаги никелни масса улуши фильтрлаб катализаторни ажратиб олингандан сўнг, ГОСТ бўйича қабул қилинган максимал даражадан ошмаслиги керак.

Саломасдаги никелни тортиш ёки колориметрик усул билан аниқлаш мумкин. Усуллар, никелни диметилглиоксим билан реакциясига асосланган бўлиб:

Тортиш усулида – диметилглиоксим никелни тўқ қизил рангли чўкмаси, колориметрик усулда эса бўялган эритмалар олинади.

Никелни диметилглиоксим билан реакциясини қўллаш, аналитик амалиётда биринчи марта А.Л.Чугаевтомонидан таклиф қилинган. Темир ионлари аммиак иштирокида диметилглиоксим билан тўқ қизил рангли

бирикмалар ҳосил қиласы. Шунинг учун уларни комплекс ҳосил қилувчи сегнет тузини калий-натрий виннокислый киритиб боғланади.

### **Колориметрик усул.**

Бу усул, ишқорий мұхитда, оксидловчилар иштирокида никелни диметилглиоксим билан бирикишидан жигар ранг қизил рангга бўялган, эрийдиган комплексни ҳосил бўлишига асосланган. Оксидловчи сифатида йод ёки персульфатлар ишлатилади. Усулни аниқлиги ва сезгирилиги компонентлар концентрациясига, pH катталигига, анализ қилинаётган эритмада чет ионларни борлигига, ҳароратни ва эритма рангини ривожланиш вақтига боғлик бўлади.

**Реактив ва материаллар:** шохароги (2 қисм концентранган хлорид кислота ва 1 қисм концентранган азот кислота аралашмаси), концентранган хлорид кислота, сегнет тузини 20 % ли эритмаси, 5 % ли NaOH эритмаси, 0,01 н йод эритмасиёки 3 % ли персульфат аммоний эритмаси, 5 % ли NaOH эритмасидаги 1 %-ли диметил глиоксим эритмаси: 1 л да 0,02 г никель бўлган никель сульфат ёки никель нитрат эритмаси, чинни тигель № 3, 1 мл ли пипетка, электр иситгич, сувли ҳаммом, муфель печи, фото электро колориметр.

**Ишнинг бажарилиши.** Аналитик тарозида чинни тигелга 2 г га яқин фильтранган саломас тортиб олинади, электр иситгичда қиздирилади, муфель печида 20-30 мин давомида 800-850°C да куйдирилади (тигельдаги қолдиқ оқ ёки қул ранг бўлиши керак). Кулга 1-2 мл шох ароғи қуишилаб, сувли ҳаммомда шкаф ичида, қуригунча буғлантирилади. Кейин 1-2 томчи концентранган хлорид кислотаси ва 6 мл иссиқ сув, қуруқ қолдиқни эритиш учун қўшилади.

Ҳосил бўлган эритмага пипетка билан 1 мл 20 % ли сегнет тузи эритмаси, 1 мл 5 % ли уювчи натрий эритмаси 1 мл 0,01 Н йод эритмасиёки 1 мл 3 % персульфат аммоний эритмаси, 1 мл 5 % ли натрий гидроксиддаги диметилглиоксим эритмаси қуйилади. Олинган, бўялган

эритма колориметранади, бунинг учун фото электро колориметр ФЭК-М, ФЭК-56, ФЭК-60 қўлланади.

Колориметраш, эритмалар бир бирига қўшилгандан сўнг, оксидловчи сифатида персульфат аммоний ишлатилса 10 мин дан кейин ёки йод эритмаси ишлатилса 5 мин дан кейин кўк светофильтр ( $\lambda = 530$  нм) дан фойдаланиб амалга оширилади.

Анализ қилинаётган билан бир қаторда эритма- фон тайёрланади. Бунинг учун 6 мл дистилланган сув олиб, унга ҳамма кўрсатилган реактивлар, кўрсатилган миқдорда қўшилади. Олинган оптик зичлик ва калибрловчи эгри чизик бўйича никелни миллиграммдаги миқдори аниқланади.

Саломасдаги никелни масса улуши  $X$  (мг/кг) да қўйидаги формула билан аниқланади.

$$X = m_1 \cdot 100/m_2$$

Бу ерда  $m_1$  – эритмадаги калибрловчи эгри чизикдан аниқланган никелни масса улуши, мл;  $m_2$  – намунанинг оғирлиги, г.

Охирги натижа қилиб, 2 та параллел аниқликларни ўртачаси олинади.

Улар орасидан фарқ 1 мг/кг дан ошмаслиги керак.

*Калибрловчи эгри чизикни чизиш.* Бунинг учун 1 л да 0,02 г металл бўлган никель-сульфат ёки никель-нитрат эритмалари қўлланилади. Улардан ҳажми 100 мл бўлган бирқатор ўлчаш колбаларига никель миқдори турлича бўлган эритмалар тайёрланади.

Электро колориметрда эритмаларни оптик зичлиги ўлчанади ва оптик зичлик-эритмадаги никель миқдори (мг да) координатларида эгри чизик чизилади.


## 7.5. Йод сонини аниқлаш.

Йод сони (й.с.) деб, 100 г мой ёки ёғ кислотасига бирикадиган галогенга эквивалент бўлган йоднинг грамм миқдорига айтилади. Йод

сони фоиз йодда белгиланиб, ёғ ва мойларни асосий күрсаткичларидан бири бўлиб, уларни тўйинмаганлик даражасини кўрсатади.

Йод сонини аниқлаш учун Гюбл, Вийс, Ганус, Кауфман ва бошқа усуллар қўлланилади.

Вийс усули. Бу усул сувсиз сирка кислотасида эритилган хлорли йоддан фойдаланишга асосланган.



**3-расм.** Йод эритмасини хлорлаш қурилмаси.

1-думалоқ тубли колба; 2-томизгич воронка; 3-жўмрак; 4-икки тешик литильн; 5-шиша найча; 6-узайтирувчи шланг; 7-пипеткали капилляр; 8-йод эритмаси учун конуссимон

Вийс эритмасини тайёрлаш 13,2 г икки марта ҳайдалган йодни 1л муз сирка кислотасида эритилади ва натрийтиосульфатга нисбатан титри 2 мартаға кўпайгунча газ ҳолидаги хлор ўтказилади. Эритмани хлорлаш 15-расмда кўрсатилган қурилмада олиб борилади. Бунинг учун думалоқ тубли колба 1га 5-10 г перманганаткалий тортиб олинади ва иккита тешикли тиқин 4 билан ёпилади. Тешикларни бирига томизгич воронка 2, иккинчисига узайтирувчи шланг 6 вапипеткали капилляр 7 уланган шиша найча 5 киритилади. Сўнгра томизгич воронкани ярмигача конц. хлорид кислотаси қуйилади ва 3 жўмракни очиб, кислотани томчилаб берилади. Хлорид кислотаси билан калий перманганатни ўзаро таъсирият натижасида хлор ажралиб чиқади.

Пипеткали капилляр 7 эритма солинган колбага туширилади ва хлорлаш колбани аралаштириб турган ҳолда эритмани ранги тиниқ тўққизил бўлганча давом эттирилади. Хлор йод билан реакцияга киришиб, хлорли йод ҳосил бўлади. Эритмада эркин хлорни ортиқча микдори бўлмаслиги керак, акс ҳолда нафақат тўйиниш, балки ўриналмасиниш

реакцияси содир бўлиши мумкин. Бу тўйинмаганлик даражасини аниқлашда хатоликларга олиб келади.

Йод сонини аниқлаш сайқалланган тиқинли, ясси тубли колбада олиб борилади.

Реактив ваматериаллар: тўртхлорли углерод, Вийс эритмаси, 10%-ли калий йод эритмаси, дистиллангансув, 0,1 н натрий тиосульфат эритмаси, 1%-ли крахмал эритмаси, икки марта ҳайдалган йод, калий перманганат, муз сирка кислотаси, аналитик тарози, сайқалланган тиқинли ясси тубли колба, 50 мл ли бюретка.

Ишнинг бажарилиши. Аналитик тарозид аколбага 0,2-0,4 г саломас торти болинади, 10 мл тўртхлорли углеродда эритилади ва бюреткадан 25 мл Вийс эритмасини қўйиб, 1-1,5 соат қоронғи жойда сақланади. Қўшбоғларни тўйиниш реакцияси тугагандан кейин колбага 10 мл 10%-ли калий йод эритмасива 100 мл дистилланган сув қўйилади. Ажралиб чиқкан йод крахмал иштирокида натрий тиосульфат эритмаси билан титрланади.

Асосий тажриба билан бир вақтда, колбага саломас олинмай назорат тажрибаси ҳам қўйилади, бунинг учун колбага худди асосий тажрибадагидек 10 мл тўртхлорли углерод, 25 мл Вийс эритмаси қўйилиб, 1-1,5 соат қоронғи жойга қўйилади. Сўнгра, колбага 10 мл 10%-ли калий йод эритмаси, дистилланган сув қўйилади ва крахмал иштирокида натрий тиосульфат билан титрланади.

Назорат ва асосий тажрибага сарф бўлган тиосульфатни фарқи, қўшбоғларга бириккан галоген миқдорини билдиради ва уни асосида қўйидаги формула билан йод сони (% J<sub>2</sub> да) ҳисоблаб топилади:

$$\bar{J}.C. = \frac{1,269(a - b) \cdot K}{m}$$

Бу ерда а – назорат тажрибада сарфланган 0,1 н натрий тиосульфат эритмасини ҳажми, мл; б- асосий тажрибада сарфланган 0,1 н натрий

тиосульфат эритмасини ҳажми, мл; 1,269 – йод бўйича 0,1 н натрий тиосульфат эритмасини титри, г/мл;  $m$  – мой намунасини массаси, г;  $K$  – 0,1 н эритма титрига тузатма.

## **7.6. Маргарин ҳом ашё ва маҳсулотларини таҳлил қилишнинг замонавий усуллари**

Маргарин маҳсулоти Республикаиз корхоналарида O'zDSt 3317-2018«Маргарин. Техникавийшартлар» номли стандарт талаблари асосида ишлаб чиқарилади. Мазкур стандартга мувофиқишлиб чиқарилган маргарин маҳсулотлари ишлатилиш мақсадига қараб «бутерброд учун», «ошхона учун» ва «саноатда қайта ишлатиш учун» каби гуруҳларига ажратилади. Сифат кўрсаткичларига қараб эса, гуруҳларга мансуб бўлганҳар бир тур маргарин «Навсиз», «Биринчи» ва «Олий» навларига ажратилади. Ишлаб чиқарилаётган маргарин маҳсулотларининг органолептик ҳамда физик-кимёвий кўрсаткичлари мазкур стандарт талабларига мувофиқ равишда давлат назорати органлари томонидан текшириб борилади.

Мазкур стандарт билан маргарин маҳзулотининг ҳавфсизлигини белгиловчи қўйидаги кўрсаткичларни аниқлаш усуллари регламентлаштирилган:

- маргаринда А витаминининг массавий улушкини аниқлаш;
- маргаринда консервантларнинг массавий улушкини аниқлаш;
- маргаринда натрий бензонатнинг массавий улушкини аниқлаш;
- маргаринда бензой кислотасининг массавий улушкини аниқлаш;
- маргаринда сорбин кислотасининг массавий улушкини аниқлаш;

Маргарин ишлаб чиқариш учун зарур бўлган асосий ҳом ашёлар, органик ва анорганик табиаттага эга бўлган кўшимчаларнинг сифатини белгиловчи стандартлар тўғрисида маълумотлар берилган [41].

### **7.6.1. Намлик ва учувчан моддаларнинг масса улушкини аниқлаш.**

Намликни ва учувчан моддаларнинг масса улушкини иккита усул билан аниқлаш мумкин: маргарин наъмунасини қуритиш шкафидаги доимий оғирликкача қуритиш (арбитраж усули); электроплитада қуритиш (тезлаштирилган усул). Оператив назорат учун кўпинча иккинчи усулдан фойдаланилади. Усул маргарин намунасини 160-180°C ҳароратда қуритишга асосланган.

Қуритилган шиша таёқчали металл бюксга 10-15 г қиздирилган қум ва 5-6 г маргарин техник тарозида тортиб олинади ва электроплитада 160-180°C ҳароратда шиша таёқча билан узлуксиз аралаштириб турилиб, қиздирилади. Чирсиллаш тугагач, бюкснинг юзи соат ойнаси билан ёпилади. Қуритиш жараёнини тугаганини соат ойнаси хиралашмаслигидан ва маргарин рангини тўқ қизил рангга киришидан билинади. Бунинг учун соат ойнасини ҳар замонда олиб юзаси (сирти) текширилади.

Намликни ҳайдагач, бюкс плиткандан олинади, совитилади ва тортилади. Намликни масса улуси ( $X$ ) қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$X = (m_1 - m_2) \cdot 100/m,$$

бу ерда:  $m_1$  – маргаринли бюкснинг қуритилгунгача бўлган оғирлиги, г;  $m_2$  – маргаринли бюкснинг қуритилгандан кейинги оғирлиги, г;  $m$  – намунанинг оғирлиги,

Паралел аниқлашдаги фарқ 0,2%дан кўп бўлмаслиги керак [41].

### **7.6.2. Кислоталигини аниқлаш.**

Кислоталик деганда, 100 г маргаринни нейтраллаш учун керак бўладиган 0,1н нормал ишқор эритмасининг миллилитр микдори тушунилади. Маргарин кислоталилиги Кеңторфер даражаларида ҳисобланиб, у маргариннинг ёғ ва сув-сут фазасининг умумий кислоталигини характерлайди. Усул эркин ёғ кислоталари, оқсиллар,

нордон фосфор ва нордон лимон тузларининг ишқор эритмаси билан нейтраллашга асосланган.

Ҳажми 100 мл бўлган колбага 5 г маргарин тортиб олинади. Маргаринни эритиш учун колба иссиқ сувда озроқ қиздирилади, сўнгра 20 мл спирт аралашмаси, 3 томчи 1% ли фенолфталеин эритмаси қўшилади ва КОН нинг 0,1 н эритмаси билан доимий аралаштирилиб, 1 минут давомида йўқолмайдиган пушти ранг ҳосил бўлгунча титрланади.

Маргарин кислоталилиги Кеңторфер даражаларида қўйидаги формула билан ифодаланади:

$$X = 10 \cdot a/m,$$

бу ерда:

a – 0,1 н КОН эритмасининг титрлашга кетган мл миқдори,  
m – маргарин наъмунасининг оғирлиги, г [41].

### **7.6.3. Ёғнинг масса улушини аниқлаш.**

Маргариндаги ёғнинг масса улушини иккита усул билан аниқласа бўлади: Сокслет аппаратида экстракция қилиб; хисоб бўйича, олдиндан ёғсиз қуруқ модда миқдорини аниқлаган ҳолда.

#### **Сокслет аппарати ёрдамида ёғнинг масса улушини аниқлаш.**

Бу усул маргарин наъмунасидан ёғни диэтил эфир билан экстракциялашга асосланган. 100x480 мм ўлчамли фильтрлаш қоғозидан ўрама (патрон) тайёрланади. Бунинг учун ёғоч таёқчада фильтр қоғози айлантирилади. Таёқчанинг четидан чиқиб турган қоғоз қайрилади, шундай қилиб ўрама ясалади ва унинг тубига пахта қўйилади (4-расм). Аналитик тарозида 5 г га яқин маргарин тортилиб, чинни ҳавончага солинади, 15 г сувсиз натрий сульфат билан аралаштирилади ва шпатель билан ўрамага олинади. Ҳавонча, шпатель ва пинцет пахта билан артилади, сўнгра пахта ҳам ўша ўрамага солиб қўйилади. Ўраманинг четлари қайрилади, 2 – экстракторга жойлаштирилади ва тоза, доимий оғирликкача

куритилган 4 – колбага уланади. 1 – Совутгич орқали кичкина воронка ёрдамида диэтилэфири қўйилади. Диэтилэфири шунча миқдорда қуйиладики, у 3 - сифон трубкаси орқали ўтиб колбага оқиб тушишкерак, кейин яна қўшимча эритувчи қўйилади.

Колба сув ҳаммомида шундай қиздириладики, унда 1 соатицида 7-8 маротаба сифонланиш юз беришкерак.


Экстракцияланиш даражаси 3 соатдан сўнг текширилади, бунинг учун 4 - колба совутилиб, экстрактордан ажратилади ва фильтрлаш қофозининг бир четига 2 - экстрактор сифонининг пастки қисмидан 1-2 томчи эфир томизилади. Агар эфир буғланиб кетганидан сўнг, фильтр қофозида ёғ изи қолмаса, экстракция тугаган ҳисобланади.

Кейин аппарат ажратилади, ўрама олинади, колба эса яна экстракторга уланади ва эритувчи экстракторга ҳайдалади, эритувчи ҳайдалгандан сўнгёғли колба 100-105°C ҳарорат остида 2 соат давомида термостатда қуритилади. Кейинги тортишлар ҳар 30 мин. да доимий оғирликкача амалга оширилади. Агар охирги 2 тортишлар орасидаги фарқ 0,0004 дан ошмаса доимий оғирликка эришилган ҳисобланади. Агар масса ошиб кетса ундан олдинги тортиш миқдори олинади.

Ёғ миқдори X (%) да) қуйидаги формула биланхисобланади:

$$X = (m_1 - m_2) \cdot 100/m,$$

Бу ерда:  $m_1$  – қуритилган ёғ билан колба массаси, г;  $m_2$  – бўш колба массаси, г;  $m$  – маргарин намунасининг массаси, г. Икки паралеланиқлашлар орасидаги фарқ 0,5 % дан кўпбўлmasлигикерак [42].



4 - расм. Сокслет аппарати  
 1-совитгич; 2-экстрактор; 3-сифонли трубка; 4-колба;  
 5-эритувчи буғлари ўтиши учун трубка; 6-патрон.

#### **7.6.4. Маргариндаги ёғ миқдорини тиндириш усули билан ва ёғсизланган қуруқ қолдиқни масса улушини аниқлаш.**

Бу усул намлик ажратилгандан сўнг, ёғни 20 мин. экспозициядан сўнг диэтил эфири билан бир неча марта экстракциялашга асосланган.

Аналитик тарозида 2-4 гмаргарин тортилиб, қуритилган ва тортилган кимёвий стаканга солинади. Таёқчали стакан электр иситгичга қўйилади ва тинмасдан аралаштирилади. Намлик йўқотилишининг тугаши, соат шишиасининг терлаши тўхташидан аниқланади. Стакан деворларидан намликни йўқотиш учун у, термостатда 100-105°Cда, 20 минут давомида қуритилади. Стакан совутилади ва деворлар орқали 50 мл петролей эфири қўйилади, бунда у, девор четларидаги ёғни эритиб тушиши керак. Сўнгра у 20 мин давомида тинч қўйилади. Тиндирилган тиник эритма олдиндан қуритилган ва тортилган колбага фильтр орқали декантация қилинади. Қолдик 3-4 марта 30 мл эфир билан ювилади. Ювилишнинг тугашини, фильтр қоғозига томизилган томчи қуригандан сўнг, унда ёғизлари қолмаслигидан билиш мумкин. Эфир ҳайдалади, қолдик 100-105°C ҳароратда 1 соат давомида термостатда қуритилади ва эксикаторда совутилгандан сўнг тортилади [42].

Маргарин таркибидағи ёғ миқдори X (%) қўйидаги формула орқали аниқланади:

$$X = (m_1 - m_2) \cdot 100/m,$$

буерда:  $m_1$  – ёғ билан бирга колбанинг массаси, г;  $m_2$  – бўш колба массаси, г;  $m$  – маргарин наъмунасининг массаси, г.

Қуруқ, ёғсиз қолдиқ миқдорини аниқлаш учун ёғ экстракция қилинган стаканга ёғсизланган қуруқ қолдиқ билан фильтр жойлаштирилади ва термостатда 100-105°C да доимий оғирликкача куритилади.

Маргариндаги қуруқ қолдиқ миқдори  $X$  (%да) қуйидаги формула билан топилади:

$$X = \frac{m_1 - (m_2 + m_3)}{m} \cdot 100\%,$$

Бу ерда:  $m_1$  – қуруқ қолдиқли фильтр ва стаканнинг массаси, г;

$m_2$  – бўш стакан массаси, г;  $m_3$  – фильтрнинг массаси, г;

$m$  – маргарин наъмунасининг массаси, г.

Икки параллел аниқлашлар орасидаги фарқ 0,1 % дан ошмаслиги керак.

### **Назоратсаволлари.**

1. Мойларни гидрогенлашдан мақсад нима?
2. Суюқланиш ҳарорати деганда нима тушунилади?
3. Нур синдириш кўрсаткичи – бу нима?
4. Саломасни қаттиқлигини аниқлаш қандай олиб борилади?
5. Саломасдаги каталитик актив металларни масса улушкини аниқлашни қандай усувларини биласиз?
6. Намунавий гидрогенлаш қандай олиб борилади?
7. Гидрогенлашга ишлатиладиган қандай катализаторларни биласиз?
8. Ёғ кислоталарини транс изомерлари қандай аниқланади.
9. Маргаринни тавсифлаб беринг.
10. Маргарин ва маргарин маҳсулотларини қайси турларини биласиз?
11. Маргарин ишлаб чиқаришда сутни ўрни.
12. Маргарин намлиги қандай аниқланади?
13. Маргариндаги қуруқ қолдиқ нималардан иборат?
14. Нима учун маргаринга ош тузи шакарва эмульгатор қўшилади?

15. Маргаринни кислоталигини аниқлаш усулини моҳияти қандай?
16. Маргаринни қандай сифат кўрсаткичларини биласиз?
17. Маргариндаги натрий хлорни масса улушкини аниқлаш қандай принципга асосланган?

## **СОВУН МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ АНИҚЛАШ**

### **Совун тайёрлаш**

Совун тайёрлаш жараёни икки босқичдан ташкил топади. Биринчи босқич рецептурага кирган ёғ кислоталарининг аралашмасини ишқор эритмаси билан аралаштириб, ёғ кислоталарининг натрийли тузи олинади. Бу жараённи совун пишириш деб аталади. Иккинчи босқич эса пиширилган совунга ҳар хил қўшимчалар кўшиш ва унга товар қўринишини бериш. Пиширилган совунга товар қўринишини бериш қўйидаги босқичлардан ташкил топади: пиширилган совунни совитиш, қуритиш, совунни бўлакчаларга бўлиш. Ящикларга тайёр совунларни жойлаштириш.

Совун нейтрал ёғдан тайёрланса совунлаш жараёни ўювчи натрий ишқори билан олиб берилади. Агар совун ёғ кислоталарининг аралашмаси асосида тайёрланса, у вақтда совунланиш жараёни олдин карбонат натрий ёрдамида олиб берилади ва кейин натрий гидроксид ёрдамида давом эттирилади. Совун пишириш жараёнининг тезлиги шу жараённинг олиб боришдаги ҳароратга, натрий ишқорининг концентрациясига ва совун пишириш ускунасининг босимига боғлиқdir. Совунлашда қўлланадиган натрий ишқорининг концентрацияси, совунланиш жараёнининг ҳарорати ва босими юқори бўлса, совунланиш жараёни тезлашади ва вақт қисқаради. Реактив ва асбоблар: 25% ли натрий гидроксид эритмаси, ош тузи ва фенолфталеин эритмалари, чинни стакан, арлаштиргич, электриситгич. Ишнинг бажарилиши. Совун пишириш жараёнини бошлашдан олдин ёғ кислота ёки нейтрал ёғларни ва натрий гидроксиди миқдорини ҳисоблаб, олиш керак. Совун пиширишни бошлаш учун рецептура буйича мўлжалланган ёғларни

тортиб олиб, уни совун тайёрлайдиган идишга солинади ва уни аралаштириб туриб 70-80°C гача қиздирилади. Кейин ҳисобланган миқдордаги ишқор эритмасидан, аста секин, оз-оздан қўшиб мешалка ҳаракатини минутига 50-60 айланишга етказилади. Совун пишириш жараёнини олиб бориш вақтида ҳар бир соатда ишқор қолдиғи текширилиб турилади. Реакцион идишдаги ишқор қолдини текшириш учун пиширилаётган совундан олиб, унинг юзасига 1 томчи фенолфталеин томизган вақтимизда пушти ранг бермаса, у вақтда совун таркибидаги ишқор миқдори 0,1% дан кам бўлади, агар ишқор миқдори 0,1% дан кўпроқ бўлса, пушти ранг беради. Агар совун таркибидаги ишқор миқдори 0,3% ни ташкил қиласа, у вақтда тиник қизил ранг беради. Агар совун пишириш жараёни шундан кейин 15 мин давом эттирилса унга яна фенолфталеин томизган вақтимизда совун таркибидаги ишқор миқдори ўзгармаса, бу совун пишириш жараёнини охирига етканлигидан далолат беради. Совун пиширишни олиб бораётган вақтимизда, кучли қўйилиш содир бўлса, совун таркибиغا 20% ли ош тузи эритмасидан совун массасига нисбатан 0,5% миқдорида қўшилади. Совун пишириш 100-105°C да 6-8 соат давом этади. Совун пишириш тугагандан кейин унинг таркибидаги ёғ кислоталарининг ва озод ишқор эритмасининг миқдори аниқланади.

### **Намуна тайёрлаш.**

Анализга мўлжалланган совун бўлаги 0,1г аниқликда тортилади ва совун бўлагининг ўртacha оғирлиги аниқланади.

Анализга олинган совун бўлаги бўйи, эни, кенглиги бўйича бир хил бўлган 8 та тенг бўлакларга бўлинади ва 8 та бўлақдан диагонал бўйича 2 та нусха олиниб, қирғич ёки пичоқ ёрдамида майдаланади. Майдалangan совун қириндиси тезда қопқоқли банкага солинади. Ўртacha намуна олиш учун банкадаги совун қириндиларини тоза бир юзага тўкилиб, куракча ёрдамида яхшилаб аралаштирилади ва анализга намуна олинади.

## **Совундаги ёғ кислоталарини масса улушкини аниклаш.**

Ёғ кислоталарининг совун таркибидаги фоиздаги масса улушки билан, уларни совун бўлагидаги миқдори (сифат сони граммда, С.с.) фарқланади.

Биринчи кўрсаткич – совун ишлаб чиқаришда оралиқ ва тайёр маҳсулотларни тайёрлик даражасини аниклаш учун, иккинчи кўрсаткич эса маҳсулотни тўлиқ товар қийматини аниклаш учун хизмат қилади.

Ишлаб чиқариш амалиётида ёғ кислоталарни масса улушкини аниклашда стандарт, тезлаштирилган ва маҳсус усуллардан фойдаланилади.

### **Стандарт усул.**

**Усул принципи:** Усул, совунни сувли эритмасини минерал кислота билан парчалаш, ажralган ёғ кислоталарни ва совунланмайдиган моддаларни диэтил эфир билан экстракциялаш, кислоталарни ишқорий металл гидроксиди билан титрлаш, эфирни ва спиртни ҳайдаш ва қолдиқни доимий оғирликкача қуритишга асосланган.

**Реактив ва материаллар:** метилоранж, HCl ёки  $H_2SO_4$  ни 20 % эритмаси, диэтил эфири, NaCl ни 10 % ли эритмаси, сувсиз натрий сульфат, нейтралланган этил спирти, натрий гидроксидни 0,5 н спиртли эритмаси, фенолфталеин, 250 мл ли конуссимон колба, 500 мл ли ажратгич воронкалар, сувли ҳаммом.

**Ишнинг бажарилиши.** Колбага совун намунасидан 5 г атрофида 0,001 г аникликда тортиб олинади ва 60 мл қайнагунча иситилган дистилланган сувда эритилади.

Эритма 35-40°C гача совитилади, 1-ажратгич воронкага ўтказилади ва 5 томчи метилоранж ва 20 % ли HCl ёки  $H_2SO_4$  йўқолмайдиган пушти ранг ҳосил бўлгунча қуйилади. Воронка ичидаги айланма ҳаракатда аралаштирилади ва совигандан сўнг 50 мл диэтил эфири қуйилади.

Совун эритилган колба 2 марта дистилланган сув (25 мл) билан, бир марта 20 % ли HCl ёки  $H_2SO_4$  эритмаси (5 мл) билан ва диэтил эфири (25 мл) билан чайилади. Сув, кислота ва эфирларни 1-ажратгич воронкага

қуйилади. Воронка ичидаги аста-секин аралаштирилиб (айланма ҳаракат ёрдамида) нордон сувли қатlam озгина тиндирилади, сүнг 2-ажратгич воронкага қуйилади, унда 30 мл диэтил эфири билан қайта ишланади. 2-ажратгич воронкада ажралган сувли қатlam 3-ажратгич воронкага ўтказилади, эфирли экстракт эса 2-воронкадан 1-воронкага ўтказилади.

3-воронкадаги сувли қатlamни 3 марта 25 мл диэтил эфирида экстракцияланади, тинган сувли қатlam ташлаб юборилади ва эфирли экстракт 1-воронкага ўтказилади.

2-воронка эфир билан чайилади ва 1-воронкага қуйилади. Ёғ кислоталарни эфирли экстрактлари 1-воронкада 3 марта, 10 % ли натрий хлор эритмаси билан, ҳар ювишда 30 мл олиб, метил оранж бўйича нейтрал реакциягача ювилади. Сўнг, эфирли экстрактлар, устига 5 г сувсиз натрий сульфат солинган, қоғозли фильтр орқали тортилган колбага фильтранади.

1-воронка, фильтр ва чўкма эфир билан ювилади. Эфир экстрактдан паст ҳароратда қиздириш ёрдамида хайдалади ва чўкма 0,5 н натрий гидроксид эритмаси билан фенолфталеин иштироқида нейтралланган, 35-40 мл спиртда эритилади. Ёғ кислоталарни спиртли эритмаси 0,5 н натрий гидроксид эритмаси билан, 2-3 томчи фенолфталеин қўшиб титрланади ва спирт қайнаётган ҳаммомда ҳайдалади. Колбани қуритиш шкафига қўйиб, 120°C да доимий оғирликкача қуритилади.

Биринчи тортишни 2 соатдан сўнг, кейингиларини ҳар 1 соатда амалга оширилади. Тортиш 0,0002 г аниқликда бажарилади. 2та тортишлар орасидаги фарқ 0,002 г дан ошмаса қуритиш тугалланган ҳисобланади.

Ёғ кислоталарни масса улуши ЁК (% да) қуйидаги формула билан аниқланади.

$$\text{Ё.К.} = (m_1 - VK0,022/2) 100/m = (m_1 - VK0,011)100/m,$$

бу ерда:  $m_1$  – қуритишдан кейинги қолдиқ массаси, г;  $V$  – ёғ кислоталар эритмасини титрлашга сарфланган NaOH ни 0,5 н спиртли эритмаси

ҳажми, мл; К – 0,5 н NaOH ни спиртли эритмаси титрига тузатма; 0,022/2 – 1 мл 0,5 н NaOH спиртли эритмасига эквивалент бўлган натрийинг атом массаси билан водородни орасидаги фарқ; m – совун намунаси массаси, г.

Параллел аниқлашлар орасидаги фарқ 0,3 % дан ошмаслиги керак. Совунни сифат сони С.с. қуийдагича топилади:

$$C.c. = \ddot{E}.K. m_2 / 100$$

бу ерда: Ё.К. – ёғ кислота миқдори, %;  $m_2$  – совун бўлагини ўртacha массаси, г.

Ёғ кислоталарини совун бўлагини номинал оғирлигига нисбатан миқдори (%) да ҳисоблашда қуийдаги формуладан фойдаланилади.

$$\ddot{E}K. = m_2 \ddot{E}.K./m_0$$

бу ерда  $m_2$  –совун бўлагини ўртacha массаси, г; Ё.К.–ёғ кислота масса улуши, %;  $m_0$  – совун бўлагини номинал оғирлиги, г.

### Тезлаштирилган ҳажмий усул.

**Усул принципи.** Бу усул совунни сувли эритмасини минерал кислота билан парчалаш, ажралган ёғ кислоталар ва совунланмайдиган моддаларни диэтил эфири билан экстракциялаш ҳамда ёғ кислоталарни титрлашга асосланган.

**Реактив ва материаллар:**  $H_2SO_4$  ни 20 % ли эритмаси, диэтил эфири, NaCl ни тўйинган эритмаси, метилоранж, 96 % ли этил спирти, 0,5 н натрий гидроксид эритмаси, фенолфталеин, 250 мл ли конуссимон колба, сувли ҳаммом, 500 мл ли ажратгич воронка.

**Ишнинг бажарилиши.** Колбага совун намунасидан 5 г атрофига 0,01 г аниқликда тортиб олинади ва қайноқ сувда эритилади,  $H_2SO_4$  билан метил оранж бўйича парчаланади. Эритиш ва парчалаш қайнаётган сувли ҳаммомда бажарилади. Аралашма совутилиб, ажратгич воронкага ўтказилади. Колбани (30 мл) диэтил эфири билан чайилади ва воронкага қуийлади. Аралашма эфир билан яхшилаб аралаштирилади ва 2 мин давомида тиндирилади. Нордон сувли қатлам тўкилади, эфирли қатлам эса тўйинган NaCl эритмаси билан метилоранж бўйича нейтрал реакциягача

ювилади. Эфирли экстракт колбага қуйилади ва ярим ёки 1/3 қисм эфир 20-30 мл спирт билан ажратиш воронкасини чайқаб, экстрактли колбага қуйилади.

Кислоталарни спирт-эфирли эритмаси NaOH ни 0,5 н эритмаси билан фенолфталеин иштирокида, ҳосил бўлган пушти ранг бир 1 мин давомида йўқолмай қолгунча титрланади.

Ёғ кислоталарни совундаги масса улуши қуидаги формуладан аниқланади.

$$\ddot{E}.k. = VK \cdot 0,02 \frac{M\ddot{y}r}{100/(40 m)} = 0,05 VKM\ddot{y}r/m,$$

бу ерда: V - ёғ кислоталарни титрлаш учун сарф бўлган 0,5 н NaOH эритмасини ҳажми, мл; K – 0,5 Н NaOH эритмаси титрига тузатма; M\ddot{y}r – ёғ кислоталарининг ўртача молекуляр оғирлиги; m – совун намунасининг оғирлиги, г.

### **Диэтил эфирли тезлаштирилган тортиш усул.**

**Усул принципи.** Бу усул совунни сувли эритмада минерал кислота билан парчалашга, ажralган ёғ кислоталари, совунланмайдиган моддаларни диэтил эфир билан экстракциялашга, эфирни ҳайдашга ва қолдиқни доимий оғирликкача қуритишга асосланган.

**Реактив ва материаллар:** 20-25 % ли HCl эритмаси, метилоранж, диэтил эфири, 250 мл ли конуссимон колба, 500 мл ли ажратгич воронка, резина пуфлагич.

**Ишнинг бажарилиши.** Совун намунаси 5 г атрофида 0,01 г аниқликда тортилади, қайноқ сувда эритилади ва 20-25 % ли HCl эритмаси билан метил оранж иштирокида ёғ кислоталари тўлиқ ажралиб чиққунча (ёғли ва сувли қатламлар тиник бўлади) парчаланади. 20-25°C гача совитилгандан сўнг колба ичидағи ажратгич воронкага ўтказилади, диэтил эфир билан колба чайқалади ва воронкага қуйилади. Унга 50-70 мл эфир қўшилади, аралаштирилиб, 3-4 мин тиндирилади. Нордон сувли қатлам тўкилади, эфир қатлами 1-2 мин тиндирилади ва яна сув қатлами ҳосил бўлса, уни тўкилади. Эфирли экстрактни тортилган колбага ўтказилади, унга нордон сувли қатлам томчилари тушмаслиги керак. Воронка 2 марта тоза эфирда ювилади ва шу колбага қуйилади. Экстрактлардан эфир ҳайдалади. Қолган ёғ кислоталари 70°C ҳароратда, ҳар 3-5 мин колбага

резина пуфлагич ёрдамида ҳаво киритилиб, доимий оғирликгача қуритилади, бунда ҳар 10-15 мин дан сўнг тортилади.

Ёғ кислоталарнинг совундаги масса улуши Ё.К. (% да) қуйидагicha ҳисобланади.

$$\ddot{E.K.} = m_1 100/m,$$

бу ерда :  $m_1$  ва  $m$  – ажралиб чиқсан ёғ кислоталарининг ва совун намунаси массаси, г.

#### **Юқори частотали титрлаш усули.**

Бу усул совун таркибидаги ёғ кислоталари билан бир қаторда совуннинг эфирда эрувчи компонентларини (совунланмаган ёғ, нордон совун, совунланмайдиган моддалар, альдегид, кетон, углеводород ва б.)ни аниқлаш имконини беради.

**Усул принципи.** Бу усул минерал кислотанинг эркин натрий гидроксид, натрий карбонат ва бикарбонатни нейтраллашга сарфланишини ва совунни парчалашга кетган минерал кислота сарфини молекуляр массаси бўйича ёғ кислоталарига нисбатан ҳисобланган миқдорини титрометрик аниқлашга асосланган.

**Реактив ва материаллар:** 0,1 н хлорид кислотасининг сувли эритмаси, 100 мл ли ясси тубли колба, сув ҳамоми, 200 мл ли ўлчаш колбаси, 20 мл ли пипетка, юқори частотал и титрлаш асбоби.

**Ишнинг бажарилиши.** Совун намунаси 2,0-2,5 г миқдорда 0,0002 г аниқликда тортилиб колбага солинади, сув ҳамомида иситилиб 30 мл сув қўшилади ва аралаштириб совун эритилади. Эритма 200 мл ли ўлчаш колбасига олиб ўтилади, белгисигача сув қўшилади ва яхшилаб аралаштирилади.

Пипетка билан 20 мл эритма олинади, у осцилло титратор стаканига солинади ва юқори частотали титрлаш асбобининг ячейкасига ўрнатилади. Стаканга, эритма сатхи юқори доирасимон электроддан 5 мм га баланд бўлгунча сув қўйилади.

Эритмани титрлаш учун 0,1 н НС1 нинг сувли эритмасидан фойдаланилади ва асбоб кўрсаткичлари бюretкадан ҳар 0,5 мл кислота қўшилганда ёзиб борилади. Олинган натижалар асосида титрлашни эгри чизиклари чизилади ва ишқорни нейтраллаш учун  $V_1$ , совунни парчалаш ва ишқорни нейтраллаш учун  $V_2$ , кислота сарфи алоҳида-алоҳида аниқланади.

Ёғ кислоталарни масса улуши (олеин кислотаси % да) қуйидагicha аниқланади.

$$\ddot{E.K.} = 0,0282 (V_2 - V_1) K \quad 10 \quad 100/m = 28,2 (V_2 - V_1) K/m,$$

бу ерда: 0,0282 – олеин кислота бўйича 0,1 н НС1 кислотаси эритмасини титри, г/мл; К – кислота титрига тузатма; 10 – анализ қилинаётган совунни 200 мл эритмасидан анализ учун 20 мл олинганини ифодаловчи коэффицент;  $m$  – совун намунасини массаси, г.

Параллел аниқлашлар ўртасидаги фарқ 0,6 % дан ошмаслиги керак.

### **Соддалаштирилган усул**

**Усул принципи.** Усул совунни сувли эритмада минерал кислота билан парчалашга, ажралган ёғ кислоталарини диэтил эфири билан экстракциялашга, эфирни ҳайдаб, қолдиқни доимий оғирликкача қуритишга асосланган. Реактив ва материаллар: 20% ли сульфат кислотаси, диэтил эфири, дистилланган сув, сувсиз натрий сульфат, 250 мл ҳажмдаги конуссимон колба, сув ҳаммоми, электроплитка, ажратгич воронка, қуритиш шкафи. Ишнинг бажарилиши. Тайёрланган совун намунасидан колбага 5-3 г тортиб олиниб, 60 мл қайнаш даражасигача иситилган дистилланган сувда эритилади. Кейин колбадаги эритма 35-40 °C гача совитилиб, 20% ли сульфат кислотаси қуйиб, метилоранж иштирокида аралаштирилади. Сульфат кислотасини қўшиш жараёни тўқ қизил ранг ҳосил бўлгунча давом эттирилади. Колба ичидаги ажралиб чиққан ёғ кислоталарини сув ҳаммомида иситилади. Қиздириш жараёни то ёғ кислоталари қатлами тиниқлашгунча давом эттирилади. Колбадаги ёғ кислоталари тиник ҳолатга ўтгандан кейин, совитилиб, уни ичига 25 мл этил эфири қуйилади ва яхшилаб аралаштирилади. Колбадаги аралашмани ажратгич воронкага қуйилади. Ажратгич воронкасига қуйилгандан кейин 2 та қатлам ҳосил бўлишини кутилади. Сув қатлами пастга чўкади, эфир ва ёғ кислоталарининг аралашмаси юқорига чиқади. Пастги сув қатлами, совунни сульфат кислотаси билан парчалаш жараёни олиб борилган колбага қуйилади, эфир қатлами тоза, қуруқ колбага қуйилади. Сув қатламидан ёғ кислоталарини ажратиб олиш жараёни яна 2 марта давом эттирилади, ёғ кислоталари ва эфир аралашмаси алоҳида колбага йиғилиб

ювиш учун ажратгич воронкага солинади. Барча эфир ва ёғ кислоталари аралашмаси дистилланган сув билан нейтрал реакциягача ювилади. Ҳар бир ювишга 15-20 мл дан дистилланган сув олинади . Эфир аралашмаси нейтрал реакциягача ювилгандан кейин қуруқ колбага қутилиб, унинг устига 5 г сувсиз натрий сульфат солинади ва аралаштирилади. Бундан мақсад эфир аралашмасини сув юқларидан мустасно қилишдан иборат. Сувдан тозаланган эфир аралашмасини қуруқ, тортилган сайқалланган колбага қутилиб, эфирни, ҳайдаш қурилмаси ёрдамида учирив юборилади. Кейин колбадаги қолган ёғ кислоталарини 70 °Сда қуритиш шкафида қуритилади. Қуритиш жараёнида намуна дастлаб 1 соат, кейин ҳар 15 мин қиздирилгандан кейин совитилиб тортилади. Қуритиш ҳар бир 15 минутдан кейинги оғирликлар фарқи 0,005 г дан кам бўлгунча давом эттирилади.

Ёғ кислоталарининг масса улуши қутидаги формула ёрдамида аниқланади (%):

$$X = m_1 \cdot 100/m$$

бу ерда:  $m_1$ - қуритилгандан кейин колбада қолган қолдиқни массаси г;  $m$ - анализга олинган совун массаси г.

Совуннинг сифат сони эса қутидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$C.c. = X \cdot m_2 / 100$$

бу ерда  $X$ - ёғ кислоталарининг миқдори, %;  $m$ -совун бўлагининг ўртача оғирлиги.

Демак, сифат сони деб, 1 дона совун бўлаги таркибидаги ёғ кислоталари нинг миқдорига айтилади, у эса 240 тенг бўлиши керак, агар бир дона совун бўлагининг оғирлиги 400 г ва унинг таркибидаги ёғ кислоталари 60 % бўлса, бошқача айтганда 60% хўжалик совуннинг сифати сони 240 г тенгдир.

## **Совундаги ёғ кислоталар аралашмасининг ўртача молекуляр оғирлигини аниқлаш.**

Ўртача молекуляр оғирлик рецептурани тўғри тузилганлигини баҳолаш ва совундаги ёғ кислоталарини масса улушкини тезлаштирилган ҳажмий ва титрометрик усуллар билан аниқлашда хизмат қиласди.

**Усул принципи.** Бу усул совундан ёғ кислоталарини минерал кислота билан парчалаб ажратиб олишга ва бу кислоталарни ишқорий метални гидроксида эритмаси билан титрлашга асосланган.

**Реактив ва материаллар:** 30 % ли  $H_2SO_4$  эритмаси, метилоранж, сувсиз натрий сульфат, 96 % ли нейтралланган этил спирти, фенолфталеин, 0,5 Н ли натрий ёки калий гидроксид эритмаси, чинни идиш, сифон, иситиладиган воронка, сувли ҳаммом.

**Ишнинг бажарилиши:** 20 г атрофида совун намунаси 150 мл сувда, чинни идишда эритилади ва сувли ҳаммомда қиздириб, 30 % ли  $H_2SO_4$  билан (метилоранж бўйича) ёғли ва сувли қатлам бутунлай тиник бўлгунча, аралаштириб парчаланади. Нордон эритма сифон ёрдамида тўклилади, ёғ кислоталар иссиқ сувда метилоранж бўйича, юувучи сувни нейтрал реакциясигача ювилади ва қуритиш шкафида ёки иситилувчи воронкада қофоз фильтрда 70-75°C да фильтранади. Фильтрга 3-5 г сувсиз натрий сульфат сепилади.

2 г га яқин фильтранган қуруқ ёғ кислота 0,0002 г аниқликда тортилади, 96 % ли нейтралланган этил спиртида эритилади ва фенолфталеин иштирокида натрий ёки калий гидроксид эритмаси билан пушти ранг 1 мин давомида йўқолмагунча титранади.

Ёғ кислоталарни ўртача молекуляр оғирлиги Мўр қуйидагича аниқланади:

$$M\ddot{r} = 2000 \text{ m/VK}$$

бу ерда 2000 - таркибида 1 г/экв ишқорий метал гидроксида бўлган 0,5 н ли ишқор эритма ҳажми; m – титрлаш учун олинган ёғ кислоталарни массаси, г; V – ёғ кислоталарни титрлаш учун сарфланган 0,5 н ли ишқор эритмаси миқдори, мл; K – калий ёки натрий гидроксида 0,5 н ишқор эритмаси титрига тузатма.

## **Совундан ажратиб олинган ёғ кислоталарини қотиш хароратини (совун титрини) аниқлаш.**


Совун титри ёғ кислоталарини ўртача молекуляр оғирлиги каби совун рецептурасини қанчалик тўғри тузилганлигини ва бунга ёғли хомашёни

қандай танланғанлигини баҳолашга имкон беради. Совун сифати күрсатгичлари (қаттиқлик, пластиклик, эрувчанлик, ейилувчанлик) титрга боғлиқ бўлади.

Совун титри стандартлар билан белгиланади ва совун тури ва гурухига боғлиқ ҳолда 35 дан 42°C гача бўлади.

**Усул принципи.** Бу усул, ёғ кислоталарни совундан ажратиб олиб Жуков асбобида қотиш ҳароратини аниқлашга асосланган.

**Реактив ва материаллар.**  $H_2SO_4$  ни 30 % ли сувли эритмаси, метилоранж, чинни идиш, сифон, Жуков асбоби (25-расм), иситилувчи воронка.



1-расм. Жуков  
асбоби


**Ишнинг бажарилиши.** Таркибида камидаги 30 г ёғ кислотаси бўлган совун намунасини 400 мл қайнок сувда чинни идишда эритилади ва ҳосил бўлган совун эритмасига 25-30 мл  $H_2SO_4$  эритмаси қўшилади (метилоранж бъйича). Аralашма доимий аралаштиришда ёғли ва сувли қатламлар шаффофф бългунча иситилади. Нордон сув сифон ёрдамида тъкилади. Ёғ кислоталарни қайноқ сувда метилоранж бъйича юувучи сувларни нейтрал реакциясигача ювилади ва Жуков асбобига қофозли фильтр оръали қуритиш шкафида 60-70°C ҳароратда ёки қиздирилган воронкада 70-75°C да фильтрланади.

Асбоб термометрли тиљин билан ёпилади, термометрни симоби колба нъртасида бълиши керак. Асбоб қўлга шундай олинадики, унинг асоси бош бармольда тиралиб туриши, термометр эса кўрсаткич ва ўртанча бармоқ ўртасида бўлиши, тиқин улар билан асбобга итарилиб туриши керак. Аralаштириш учун асбобни аста- секин тўнтариллади, аralаштириш кислота лойқалангунча давом эттириллади, сўнгра асбоб стол устига қўйилади ва термометр кўрсаткичи ҳар 30 с. да ёзиб борилади. Қотиш ҳарорати сифатида ёғ кислоталар совитилганда ҳароратни пасайиши тўхтаб қолгандаги ёки ёғ кислоталарини яширин кристалланиш иссиқлиги хисобига ҳарорати кўтарила бошлаган нуқта олинади. Параллел аниқлашлар орасидаги фарқ 0,5°C дан кўп бўлмаслиги керак.


## **Натрий хлорни масса улушкини аниқлаш.**

Совунда натрий хлорни мавжудлиги, совун массасини тузлашда, силлиқлашда шунингдек тайёр совунни сифатини характерлайди.

**Усул принципи.** Бу усул натрий хлорни калий хромат иштирокида ( $H_2CrO_4$ ) кумуш нитрат эритмаси билан титрлашга асосланган.



Ортиқча кумуш нитрат микдори калий хромат билан қуйидагича реакцияга киришади.



Кумуш нитрат қизил-ғишт рангига эга бўлади.

## **Стандарт усул.**

**Реактив ва материаллар:** кумуш нитратни 0,1 н эритмаси, магний нитратни 20 % ли эритмаси, сульфат кислотани 0,5 н эритмаси, фенолфталеин, калий хром индикатори, кальций карбонат, 500 мл ли кимёвий стакан, 500 мл ли текис тубли колба.

**Ишнинг бажарилиши:** Аналитик тарозида 5 г атрофида совун тортиб олиниб, стаканга солинади ва 300 мл дистилланган сув қуйилади (дистилланган сув хлордан озод бўлиши керак, уни кумуш нитрат билан текширилиб кўрилади), ва қайнагунча қизитиб эритилади.

Стакан аста-секин совутилади, ва унга ёғ кислоталарини чўқтириш учун магний нитрат эритмасини ортиқча микдорда қўшилади (одатда 25 мл), таёқча билан аралаштириб, тиндиришга қўйилади ва фильтранади. Фильтрдаги чўкма хлордан озод қилинган дистилланган сув билан яхшилаб ювилади. Фильтрат ва ювилган сув хона ҳароратигача совутилади ва уни фенолфталеин иштирокида 0,5 н сульфат кислота эритмаси билан (пушти ранг йўқолгунча) нейтралланади. Ортиқча кислота микдори бир томчидан ошмаслиги зарур. Кейин ҳар бир 100 мл олинган эритмага 1 мл калий хромат индикатори солиниб, 0,1 н кумуш нитратни эритмаси билан

доимий қизғиш рангга киргунча титрланади. Бир вақтни ўзида назорат тажриба қўйилади. Бунинг учун стаканга 300 мл дистилланган сув, 25 мл магний нитрат эритмаси, индикатор (калий хромат) ва ишчи тажрибадагига тенг миқдорда чўкмани ювиш учун кетадиган сув қўйилади. Кейин кальций карбонатдан ишчи тажрибага ўхшаб хиралашгунча солиб, таёқча билан аралаштирилади, кейин 0,1 н кумуш нитрат эритмаси билан ишчи тажрибадагидек рангга киргунча титрланади. Натрий хлор миқдорини X (%) да) қуйидаги формула билан ҳисобланади.

$$X = (V - V_1) \cdot 0,00585 \text{ K} \cdot 100/\text{m} = 0,585 (V - V_1) \text{ K/m},$$

бу ерда  $V$  ва  $V_1$ - ишчи ва назорат тажрибалари учун кетган 0,1 н ли кумуш нитрат эритмасини миқдори, мл; 0,00585 – 0,1 н ли кумуш нитрат эритмасини натрий хлор бўйича титри, г/см<sup>3</sup>; К – 0,1 н ли кумуш нитрат эритмаси титрига тузатма; М –совун намунасини массаси, г.

Агар совунда натрий хлорни миқдори 5 % дан кўп бўлса, у холда, анализга олинадиган совун намунаси миқдори 2-3 г гача камайтирилади.

**Калий хроматни тайёрлаш.** 5 г калий хроматни 30 мл дистилланган сувда эритиб, унга 0,1 н ли кумуш нитрат эритмаси оч-қизил рангга эга чўкма ҳосил бўлгунча қўшилади. Чўкма фильтрдан ўтказилиб, фильтратни дистилланган сув билан 100 мл гача суюлтирилади.

### **Тезллаштирилган усул.**

Ушбу усул совун массасини тузлаш ва силлиқлаш жараёнини тез назорат қилишда қўлланилади.

**Реактив ва материаллар:** магний нитратни 20 % ли эритмаси, 0,1 н ли кумуш нитрат эритмаси, калий хром-индикатори, 500 мл ли кимёвий стакан ёки колба, метилоранж индикатори.

**Ишнинг бажарилиши.** Агар таркибида хлор бўлган моддалар билан биргаликда таркибида ёғ кислота бор моддаларни анализ қилинаётган бўлса, унда совунни сульфат кислота билан парчалангандага ҳосил бўлган

нордон сув таркибіда хлор бўлмаган ишқорий металларни гидроксиди билан парчалаш давомида қўшилган метилоранж индикатори иштироқида нейтралланади. Нейтралланган сув 0,1 н ли кумуш нитрат эритмаси билан калий хромат индикатори иштироқида тўқ-қизил рангга киргунча титрланади. Агар совун таркибидаги ёғ кислота аниқланмаса, у ҳолда техник тарозида стакан ёки колбага тахминан 5 г совун тортиб олиниб, олдиндан иситилган 300 мл дистилланган сувда эритилади, унга тахминан 25 мл 20 % ли магний нитрат эритмаси қўшилади. Қайноқ, фильтрланмаган аралашма 0,1 н ли кумуш нитрат эритмаси билан калий хромат индикатори иштироқида доимий тўқ-қизил рангга киргунча титрланади.

Натрий хлорид миқдори X (%) да) ҳар иккала ҳолда ҳам қўйидаги формула ёрдамида ҳисобланади.

$$X = V \cdot 0,00585 K \frac{100}{m} = V \cdot 0,585 K/m,$$


бу ерда V – титрлаш учун кетган 0,1 н –ли кумуш нитрат эритмасини миқдори, мл; 0,00585 – 0,1 н ли кумуш нитрат эритмасини ош тузи бўйича титри г/мл; K – 0,1 н ли кумуш нитрат эритмасига тузатма; m - анализ учун олинган совун миқдори, г.

### **Эркин натрий гидроксид масса улушини аниқлаш.**

Эркин натрий гидроксидни масса улушини аниқлаш, совун ишлаб чиқариш корхоналарида оралиқ ва тайёр маҳсулотлар сифатини назорат қилиш учун хизмат қиласи. Оралиқ маҳсулотларда эркин натрий гидроксидни масса улуши, совунни тури ва уни пишириш усулларига қараб, (0,03-0,8%) атрофига бўлади. Тайёр совунни бу кўрсаткичи қатъий белгиланган бўлиб, хўжалик совунида 0,15-0,20% ва атир совунда 0,02-0,05%ни ташкил қилиши керак.

**Усул принципи.** Усул совундаги ортиқча натрий гидроксидни минерал кислота билан титрлашга асосланган. Совундаги ортиқча натрий карбонат ва совунни ўзи минерал кислота билан реакцияга киришмаслиги учун,

уларни қуидаги реакциялар бўйича этил спиртида эримайдиган барийли тузлари кўринишига ўтказилади.



Реактив ва материаллар: 60% ли нейтралланган этил спирти, 10% ли барий хлориднинг нейтралланган сувли эритмаси, HCl нинг 0,1 н ли эритмаси, фенолфталеиннинг 1% ли спиртли эритмаси, конуссимон колба, техник тарози, ҳаво совутгичи, сувли ҳаммом, бюретка.

Ишнинг бажарилиши: Совун таркибидаги эркин натрий гидроксида микдорини аниқлаш учун 250 мл ли конуссимон колба олиб, унинг ичига техник тарозида тортилган совун бўлагини соламиз ва 100 мл 60% ли олдиндан нейтралланган спирт эритмасини қуямиз. Колбага ҳаво совутгичини улаб, сувли ҳаммомда совун эригунча қиздирамиз. Совун эригандан сўнг унинг устига 10% ли 25 мл нейтралланган барий хлориди ( $\text{BaCl}_2$ ) эритмаси қуилади.

Ҳосил бўлган чўкмани фильтерламасдан иссиқ ҳолатда интенсив аралаштириб, 0,1 н хлорид кислотаси билан 2-3 томчи фенолфталеин иштирокида титрлаймиз. Титрлаш жараёни тўқ пушти ранги йўқолгунча давом этади.

Совун таркибидаги эркин натрий гидроксида микдори % да қуидаги формула билан ҳисобланади:

$$X = (0,004 \cdot V \cdot 100 \cdot K) / (m) = (0,4 \cdot V \cdot K) / (m);$$

бу ерда V - титрлаш жараёнида сарф бўлган 0,1 н хлорид кислотасининг микдори, мл; K - 0,1 н хлорид кислотасининг титрига тузатма; m - анализга олинган совун массаси, г; 0,004 – 1 мл 0,1 н хлорид кислотасига тўғри келадиган натрий гидроксидни граммлар ҳисобидаги микдори г;

## **Эркин натрий карбонат масса улушкини аниқлаш.**

**Усул принципи.** Усул, совундаги эркин натрий карбонат ва натрий гидроксидларни умумий масса улушкини аниқлашга, олинган натижадан эркин натрий гидроксид масса улушкини чегириб ташлашга асосланган.

Реактив ва материаллар: 60% ли нейтралланган этил спирти, 0,1 н HCl эритмаси, 1 %-ли фенолфталеин эритмаси, 250 мл ли конуссимон колба, ҳаволи совутгич, сувли ҳаммом, техник тарози.

**Ишнинг бажарилиши.** Конуссимон колба олиб, унинг ичига 5 г техник тарозида тортилган совун бўлагини соламиз ва 70 мл 60%-ли олдиндан нейтралланган этил спиртини қуямиз, колбага ҳаволи совутгични улаб, сувли ҳаммомда совун эригунча қиздирамиз. Эритма совугач, 0,1 н хлорид кислота эритмаси билан 2-3 томчи фенолфталеин иштироқида титрлаймиз. Титрлаш жараёни пушти ранг йўқолгунча давом этади.

Совун таркибидаги эркин натрий карбонат масса улушкини (%да) қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади.

$$Y = (0,4 \cdot VK / m - X) \cdot 2,65,$$

бу ерда V - титрлаш жараёнида сарф бўлган 0.1 н хлорид кислотасининг миқдори, мл; K – 0.1 н хлорид кислотасининг титрига тузатма; m–анализга олинган совун массаси, г; 2.65 –  $\text{Na}_2\text{CO}_3$  ни молекуляр оғирлигини  $\text{NaOH}$  молекуляр оғирлигига нисбати.

## **Намликни масса улушкини аниқлаш.**

Совун таркибидаги намлик балласт (ортиқча нарса) деб ҳисобланиб, унинг миқдори чегаралangan бўлади. Совун таркибидаги намлик ўчириш йўли билан аниқланади, натижада совун таркибидан сув буғланиши билан бир қаторда учувчан моддалар ҳам йўқолади. Демак, совун таркибидаги намлик деб, сув ва учувчан моддаларнинг йиғиндисига айтилади.

**Асбоблар:** техник тарози, бюкс, қуритиш шкафи, эксикаторлар.

**Ишнинг бажарилиши:** Совун таркибидаги намликни аниқлаш учун совун қириндисидан техник тароз ёрдамида 5 г тортиб олиб уни

қуритилган ва олдиндан тортилган бюксга соламиз. Бюкс билан совун қириндисини қуритиш шкафидаги 100-105 °С ҳароратда 1 соат ушлаб турамиз. Кейин бюксни қуритиш шкафидан олиб, олдин ҳавода, кейин эксикаторда совитамиз. Совитиш жараёни бюкс қопқоғи ёпиқ ҳолатда олиб борилади. Совиган бюкс совун қириндиси билан биргаликда техник тарозида тортилади ва яна 30 мин га қуритиш шкафига қўйилади. Қуритиш ва совитиш жараёнлари совун қириндисининг доимий оғирлигигача давом этади.

Совун таркибидаги намлик фоиз ҳисобида қуйидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$W = m \cdot 100 / m_1 ,$$

бу ерда  $m$ - совун таркибидаги намликнинг масса улуши, г;  $m_1$  - анализга олинган совун қириндисини массаси, г.

### **Назорат саволлари.**

1. Совунланиш жараёнини олиб бориш учун ишқор миқдори, назарий ҳисобланганига нисбатан нима учун бироз кўпроқ бўлиши керак?
2. Совундаги ёғ кислоталар миқдорини аниқлашни қандай усувларини биласиз?
3. Ёғ кислоталарнинг ўртacha молекуляр массаси деганда нимани тушунасиз?
4. Совунланиш учун зарур бўлган ишқорнинг назарий миқдори қандай ҳисобланади?
5. Ёғ кислоталарни титри қандай аниқланади?
6. Совундаги эркин натрий гидроксидни масса улуши қандай аниқланади?
7. Совундаги эркин натрий карбонатни масса улуши қандай аниқланади?
8. Совундаги натрий хлоридни масса улуши қандай усувлар билан аниқланади?
9. Совундаги совунланмай қолган моддаларни аниқлаш қандай принципларга асосланган?

10. Совундаги совуналмай қолган ёғ миқдори ва уни аниқлаш усули қандай олиб борилади?
11. Совуннинг кўпикланиш хусусиятини аниқлашни моҳияти?
12. Совунни кўпикланиш хусусиятини қандай усуллар билан аниқланади?
13. Совунли эритмаларнинг қайси хоссаларини биласиз?
14. Совунли эритмани солюбиллаш ва эмульгирилаш қобилияти ва у қандай аниқланади?

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

### CASE № 1

#### ТЕХНОЛОГИК ЖИҲОЗЛАРНИ ЦИРКУЛЯЦИОН ЮВИШ СИСТЕМАЛАРИ

##### Кейс 1

Маҳсулот билан контактда бўладиган жиҳозларни ювиш билан боғлиқ жараёнлар, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг муҳим масалаларидан хисобланади. Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ювиш ускуналари ва воситаларидан фойдаланиш, оптимал вариантларни танлаш вазифалари

##### Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:



## KEYS STADI

Umarova Mohira yozning issiq kunlarining birida o‘z oilasi a’zolari bilan kechki taom uchun odatdagidek 1 navli undan qolipli non sotib olib, iste’mol qilmoqchi bo‘ldi. Chunki bu turdagি non uning oila a’zolariga iste’moli qulayligi uchun va narxi jixatidan to‘g‘ri keladi.

Bugun u odatdagidek “Issiq non” do‘konidan ushbu turdagи nonni sotib oldi va uyga kelib dasturxonga hozirladi. Dasturxonga tortilgan taom va yangi non oila a’zolari tomonidan hush ko‘rib iste’mol qilindi. Nonning ikkinchisi nonushtaga olib qo‘yildi. Xonadon bekasi nonushta hozirlash uchun polietilen xaltachadagi nonni olganda, noxush hid va yumshoq qismini kesganda yopishqoqlik sezildi. Turmush o‘rtog‘i Ibratxo‘ja bilan o‘tirib bunga nima sabab bo‘lishi mumkin deb o‘ylab qoldilar va yuzaga kelgan muammoning asosiy sababi non kasalligi bo‘lsa kerak deb taxmin qildilar.

## MAVZU BO‘YICHA ISHLAB CHIQILGAN KEYS

### Non mahsulotlarining sifatiga qo‘viladigan talablar

“Bog’iston-non” MChJ ga yangi tayinlangan boshqaruv raisi R.Azizov korxonadagi ishlab chiqarish jarayonlarini o‘rgana boshladi va bir qancha muammoga duch keldi.

“Bog’iston-non” MChJ korxonasida 1,5 tonna\sutka bo‘lgan, vazni 0,3 kg “Maxsus batonlar” noni ishlab chiqariladi. Bir kuni bu korxonada bir partiya “Maxsus batonlar” non mahsulotlari shakli o‘zgarib ishlab chiqarildi. Ya’ni hajm va g’ovakdorlik past, yumshoq qismining elastikligi, tagdonli nonning yoyiluvchanligi kam. Nonlarning ustki qismi mayda chuqur bo‘lmagan yoriqlar bilan qoplagan.

Bu nonlarni ko‘rgan texnolog R.Azizov vaziyatni to‘g‘rilashga xarakat qiladi.

## **VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

### **Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Тингловчининг маъруза ва амалий машғулотга тайёрланиб келиши ва ўтилган материалларни мустақил ўзлаштиришлари учун кафедра ўқитувчилари томонидан маъруза матнлари ишлаб чиқилган, ҳар бир тингловчига ушбу материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Тингловчиларга маърузада берилган материалларни мустаҳкамлаш учун ушбу соҳага оид чет эл журналларида чоп этилган мақолалар, ҳалқаро конференция материаллари тақдим этилади.

Тингловчиларнинг фан модулини мустақил тарзда қандай ўзлаштирганликлари баҳолашларда ўз аксини топади.

Фан модулининг маъруза ва амалий машғулотлари тингловчининг мунтазам равишда мустақил ишлашини талаб этади.

#### **Мустақил таълим мавзулари:**

1. Ўсимлик мойларини ноанъанавий эритувчилар ёрдамида экстракциялаш.
2. Ёғларни гидрогенлашда ишлатилган катализаторларни регенерациялаш.
3. Глицеринни сифат кўрсаткичларин яхшилаш бўйича ишмий-тадқиқот натижаларин таҳлил қилиш.
4. Ноанъанавий хом ашёлардан мақсадли нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологиялари.
5. Тезпишар макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда маҳаллий хом ашёларни қўлланилиши.
6. Қандли диабет касалликлари учун қандолат маҳсулотлари турлари.

## VII. ГЛОССАРИЙ

<b>Термин</b>	<b>Definition in English</b>	<b>Термин</b>	<b>Ўзбек тилидаги маъноси</b>
<b>AOAC International</b>	An organization involved in validation of testing methods. Formerly the Association of Official Analytical Chemists.	Халқаро АОАС	Тестларни қонунлаштиришда иштирок этувчи уюшма. Олдин химик-аналитикларни расмий ассоциацияси бўлган.
<b>Environmental Protection Agency</b>	A federal government agency that regulates food-related issues, such as sanitizer efficacy and pesticides. Abbreviated EPA.	Атроф мухитни химоялаш бўйича агентлик	Озиқ-овқат маҳсулотларига боғлиқ саволларни, яъни дезинфекция самараси ва пестицидларни бошқарувчи Давлат Федерал агенлиги ЕРА.
<b>EPA</b>	<i>See Environmental Protection Agency.</i>	<b>EPA</b>	Атроф мухитни химоялаш бўйича агентлик
<b>Epidemiology</b>	The study of epidemics; it is used to determine the factors that lead to an outbreak of foodborne illness	Эпидемиология	Эпидемияни ўрганиш: Озиқ-овқат маҳсулотлари келтириб чиқарадиган касалликларни омилини билиш учун ишлатилади.
<b>Exotoxin</b>	An excreted toxin	Экзотоксин	Токсинни секреция қиласи.
<b>Extrinsic factor</b>	An external factor, such as temperature or atmosphere, that influences the ability of microbes to	Ташқи омил	Озиқ-овқат маҳсулотларида микробларни ривожланишига таъсир этувчи ташқи омил: ҳарорат ва атмосфера

	grow in a food.		
<b>Facultative</b>	Having the ability to do something that is not the preferred mode. For example, a facultative anaerobe can grow in the absence of oxygen but grows better in its presence	факультатив	Факультатив анаэроб кислородсиз муҳитда ҳам ўсати, лекин уни иштирокида яхши ўсади.
<b>FDA</b>	See Food and Drug Administration	FDA	Озиқ-овқат ва дориларни назорат қилиш идораси
<b>Fecal-oral route</b>	A route of disease transmission from fecal matter to the body via the oral cavity	Фекал-орал йўл	Касал юқтиришни фекал материалидан оғиз бўшлиғига ўтиш маршрути
<b>50% lethal dose</b>	The concentration of a substance that will kill 50% of a population. Abbreviated LD,,,.	50% ҳалокатли дозаси	50% организмни ўлдириш концентрацияси. Қисқартирилган номи LD
<b>Food and Drug Administration</b>	The U.S. government agency that has legal authority over all foods except meat, poultry, eggs, and alcohol. It is part of the Department of Health and Human Services. Abbreviated FDA	Озиқ-овқат ва дориларни назорат қилиш идораси	АҚШни, хуқуқий хукумат агентлиги бўлиб гўшт, паранда, тухум ва алкоголдан ташқари ҳамма озиқ-овқат маҳсулотлари устидан хуқуқий ваколатга эга. У соғлиқни сақлаш ва ижтиоий хизмати департаментини қисми ҳисобланади.

			Қисқартирилған фирмани номи FDA
<b><i>Food Safety and Inspection Service</i></b>	The food safety regulatory arm of the U.S. Department of Agriculture. It inspects all meat and poultry processing plants. Abbreviated FSIS	Озиқ-овқат хавфсизлиг и ва назорат хизмати	Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини бошқарувчи кучи бўлиб АҚШни қишлоқ хўжалик департаменти ҳисобланади.  У ҳамма гўшт маҳсулотлари турларини, паранда ва ўсимликларни қайта ишлашни ўз ичига олади. Қисқартирилған номи FSIS
<b><i>Food safety objective</i></b>	A quantitative goal for the frequency of a particular foodborne illness. Abbreviated FSO	Озиқ-овқат хавфсизлиги мақсади	Муайян озиқ-овқат манбаларидан касаллик частотаси учун миқдор обьекти.  Қисқартирилған номи FSO
<b><i>FSIS</i></b>	<i>See Food Safety and Inspection Service</i>	FSIS	Озиқ-овқат хавфсизлиги ва назорат хизмати
<b><i>FSO</i></b>	<i>See Food safety objective</i>	FSO	Озиқ-овқат хавфсизлиги мақсади
<b><i>GAPs</i></b>	<i>See Good agricultural practices</i>	GAPs	Яхши қишлоқ хўжалик амалиёти
<b><i>Gastroenteritis</i></b>	Broadly speaking, a disease or illness that originates in the gut.	Гастроэнтеритлар	Купол қилиб айтганда, касалликни ортириш ичакдан бошланади.
<b><i>Generally recognized as safe</i></b>	A legal classification of food additives in use before 1958; it includes additives	Умумий хавфсиз деб эътироф этилган	1958 йилдан олдин фойдаланиш учун юридик классификацияланган озуқавий қўшимча; у

	affirmed as safe since that time. Abbreviated GRAS.		ўзига уша йилдан хавфсиз деб эълон қилинган қўшимчаларни ўз ичига олади. Қисқартирилган номи GRAS.
<b><i>Genetic fingerprinting</i></b>	A nucleic acid-based technique that provides specific identification (a "fingerprint") of a microorganism	Генетик тамға	Муайян микроорганизмларни идентификациялаш учун нуклеин кислота асосидаги услугуб
<b><i>Germinant</i></b>	A compound that induces spore germination	Герминант	Спораларни ўсишини индуцировчи бирим
<b><i>Germination</i></b>	The first irreversible step in the process by which a spore becomes a vegetative cell.	Герминация	Жараённи биринчи қайтмас қадами бўлиб, бунинг натижасида спора ўсувчи хужайрага айланади
<b><i>Glyco-</i></b>	A prefix meaning "containing a sugar."	Глюко-	Олд қўшимча бўлиб, қанд борлигини билдиради
<b><i>GMP</i></b>	<i>See Good manufacturing practices.</i>	GMP	Яхши ишлаб чиқариш амалиёти
<b><i>Good agricultural practices</i></b>	Prescribed practices, such as the use of potable water for rinses, prohibition against fertilizing with human manure, and good worker hygiene, that help ensure the microbial	Яхши қишлоқ хўжалик амалиёти	Бу амалиёт, ичимлик сувини чайиш учун ишлатиш, инсон ахлатини ўгит сифатида ишлатишни чеклаш ва ишчиларни гигиенасини яхшилиги, озиқ-овқат маҳсулотларини микробли хавфсизликни хужалик даражасида таъминлайди.

	safety of food at the farm level. Abbreviated GAPs.		Қисқартирилган номи GAPs.
<b>GRAS</b>	<i>See Generally recognized as safe</i>	GRAS	Умуман хавфсиз деб эътироф этилган
<b>HACCP</b>	<i>See Hazard Analysis Critical Control Point.</i>	HACCP	Критик назорат нуқталарида хавфлар тахлили
<b>Halotolerant</b>	Able to tolerate high salt concentrations	Галотолерант	Тузларни юқори концентрациясига бардош қобилияти
<b>Hazard Analysis Critical Control Point</b>	A proactive, prevention-oriented program that addresses food safety through the analysis and control of biological, chemical, and physical hazards. Abbreviated HACCP	Критик назорат нуқталарид а хавфлар тахлили	Озиқ-овқат маҳсулотларини биологик, кимёвий ва физикавий хавфсизлигини таъминлашга ва профилактикасига йўналтирилган фаол программа.  Қисқартирилган номи HACCP
<b>Psychrophile</b>	An organism that "loves" to grow in the cold, has an optimum growth temperature of 15°C, and cannot grow at 30°C.	психрофил	Совуқда ўсишни "хохловчи" организм, ўсишнинг оптимал ҳарорати 15°C, лекин 30°C ўсмайди.
<b>Psychrotroph</b>	An organism that can grow in the cold but has an optimum growth temperature of >20°C and can	психротроп	Совуқда ўсишни "хохловчи" организм, ўсишнинг оптимал ҳарорати >20°C, лекин 30°C ҳароратда ҳам ўса

	grow at 30°C.		олади
<b>Ready-to-eat food</b>	A food that can be eaten without further cooking, such as deli meats.	Истеъмолга тайёр овқат	Қўшимач пиширмасдан истеъмол қилинадиган овқат, гўштли колбаса.
<b>Saprophyte</b>	An organism that survives by living off dead or decaying plant material.	сапрофит	Ўлган ёки ўсимлик хом ашёларни парчаловчи организмлар хисобига тирик қолувчи организмлар
<b>SASP</b>	See Small acid-soluble proteins.	SASP	Кислотада эрувчи кичик оқсиллар
<b>SEA</b>	See Staphylococcal enterotoxin A.	SEA	Стафилококкли энтеротоксин А.
<b>Selective media</b>	Media that select for the growth of specific bacteria by inhibiting the growth of other bacteria that may be present.	Танлаш мухити	Маълум бактерияларни танлаб ўстириш учун, бошқа бўлиши мумкин бўлган бактерияларни ингибиторлари бор мухит.
<b>Septicemia</b>	A gross, whole-body infection	Септисемия	Бутун баданда тарқаладиган инфекция
<b>Serologica</b>	Able to cause an antibody response	Серологик	Гуморал жавоб бериш қобилияти
<b>Serotypes</b>	Varieties of a bacterial species that respond to different antibodies	Серотиплар	Хар хил антителаларни жалб қиласдан бактерияларни хилма хил кўринишлари
<b>Sigma factor</b>	A protein that binds to a DNA-dependent RNA polymerase.	Сигма омил	ДНК-боғлиқ РНК полимераза билан боғланадиган оқсил.
<b>Small acid-</b>	Spore proteins that confer resistance	Кислота эрувчи	Қаршилик бериш хусусиятли оқсил.

<i><b>soluble proteins</b></i>	properties. Abbreviated SASP.	кичик оқсил	Қисқача SASP.
<i><b>Sporadic</b></i>	Occurring randomly.	спорадик	Тасодифий содир бўлиш
<i><b>Sporulation</b></i>	The process by which a vegetative cell forms and releases a spore.	Спора хосил бўлиш	Хужайрани ўсаётган формаларини спора чиқариш
<i><b>Staphylococcal enterotoxin A</b></i>	One serological type of staphylococcal entero-toxin. Abbreviated SEA	Страфилококкли энтеротоксин	Страфилококни серологик турларини энтеротоксини. Қисқача SEA
<i><b>-static</b></i>	A suffix indicating the ability to inhibit or stop something	-статик	Сўз қўшимчаси бўлиб ингибирлаш ёки тўхтатиш хоссасини беради
<i><b>Temperature abuse</b></i>	The holding of food at temperatures that permit microbial growth, i.e., 40 to 140°F.	Ҳарорат абузиси	Овқатни ҳароратда ушлашда, микробларни ўсишига имкон беради, яъни 40 дан 140 °F гача.
<i><b>Tenesmus</b></i>	The sensation of an urgent need to defecate while being unable to do so.	тенезмус	Кейин қилиб бўлмайдиган холат, тезда дефекация қилишни хис қилиш.
<i><b>Thermophile</b></i>	An organism that grows at high temperatures	Термофил	Юқори ҳароратда ўсуви организм
<i><b>Transmissible spongiform encephalopathy</b></i>	A disease, such as scrapie, kuru, or "mad cow disease," that is caused by prions. Abbreviated TSE.	Юқадиган энцефалопатия	Прионлар келтириб чиқарадиган скрепи, куру ва молларни кутириш" касалликлари Қисқача TSE.

<b>TSE</b>	See Transmissible spongiform encephalopathy	TSE	Юқадиган энцефалопатия
<b>Turkey "X" disease</b>	A disease of turkeys for which the causal agent was not initially known.	Куркани "X" касаллиги	Келтириб чиқариши номаълум бўлган куркани касаллиги
<b>USDA</b>	See U.S. Department of Agriculture	USDA	АҚШ ни қишлоқ хўжалик вазирлиги
<b>U.S. Department of Agriculture</b>	A cabinet-level government department that has legal authority over meat, poultry, and eggs. Abbreviated USDA.	АҚШ ни қишлоқ хўжалик вазирлиги	Гўшт, парранда ва тухум маҳсулотлари бўйича юридик мақомга эга бўлган министрлар кобинети даражасидаги давлат бошқармаси
<b>Vehicle</b>	A source or carrier	Транспорт воситаси	Манба ёки ташувчи
<b>Viable but nonculturable</b>	A term applied to cells that cannot be cultured by conventional methods but that still cause illness if ingested. Abbreviated VNC.	Яшовчан, лекин кўпаймайди ган	Анъанавий усуллар билан ўстириб бўлмайдиган, лекин организмга тушганда касаллик келтириб чиқарадиган хужайраларга ишлатиладиган термин. Қисқача VNC.
<b>Virulent</b>	Causing illness.	хавфли	Касаллик кўзгатувчи
<b>VNC</b>	See Viable but nonculturable	VNC	Яшовчан лекин кўпаймайди
<b>Water activity</b>	The measure of water available for microbial growth and	Сув фаоллиги	Махсулот намлигига нисбатан микроорганизмларни

	<p>chemical reactions, defined as the equilibrium relative humidity of a product.</p> <p>Abbreviated <math>a_w</math>.</p>		<p>ўсиши ва химиявий реакциялар учун сувни меёри.</p> <p>Қисқача <math>a_w</math>.</p>
<b>Xerotolerant</b>	Capable of tolerating dry conditions	Херотолера нт	Куруқ шароитга тоқат қила оладиган

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Асекретов О.К., Борисов Б.А., Бугакова Н.Ю. и др. Современные образовательные. Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с.  
<http://science.vvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>
2. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.
3. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
4. Dodayev Q.O., Choriyev A.J., Ibragimov A. Go’sht mahsulotlari ishlab chiqarish korxonalarining jihozlari. – Т.:Sharq. 2007. -192 b.
5. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.
6. English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia , 2014. Book 1,2.
7. Frank D. Gunstone, John L. Harwood, Albert J. Dijkstra. The lipid handbook - Boca Raton: CRC Press Taylor & Francis Group, 2007. – 791 p.
8. Гулбод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.
9. Г.А.Егоров “Управление технологическими свойствами зерна” Учебное пособие, “Воронеж” 2000. 348 с.
10. Ismoilov T.A. Sut va sut mahsulotlari ishlab chiqarish korxonalari jihozlari. – Т.: “Yangi nashr”. 2012. -256 b.
11. Ибраимов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраимов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.
12. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараённида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.
13. Kadirov Y., Ruzibayev A. Yog'larni qayta ishslash texnologiyasi. – Т.: “Fan va Texnologiya”, 2014. -320 b.

14. Куриязова С.М. Овқатланиш гигиенаси. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2012. -380 б.
15. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.
16. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
17. Mitchell H.Q., Marilene Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.
18. Mitchell H.Q. “Traveller” B1, B2, MM Publications. 2015. 183.
19. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Account 2015. - 134 pp.
20. О.А. Абдуллаев, А.Х. Тошкентбоев. Ўзбекистонда саноат узумчилиги ва виночилик. – Т.: “Мериюс” нашриёти. Ўқув қўлланма. – 2009. – 156 б.
21. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида.  
[https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3\\_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf](https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf)
22. Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge; 1 edition 2014. - 176 pp.
23. P.M.Tursunxodjaev., Ayxodjaeva N.K., “Un va yorma texnologiyasi” – Т.: “Fan va texnologiya”, 2012. 257 б.
24. Q.O.Dodoyev. Konservalangan oziq-ovqat mahsulotlari texnologiyasi. – Т.: Noshir, 2009. - 387 b.
25. Q.O.Dodoyev, A.J.Choriyev. Oziq-ovqat ishlab chiqarish va konservalash kimyosi. – Т.: Iqtisod-moliya. 2010. – 166 b.
26. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.
27. С.Х. Абдуразакова, Г.У. Рустамбекова. Шароб биокимёси. – Т.: “Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, Адабиёт жамғармаси” нашриёти. Дарслик. – 2005 – 255 б.
28. Т.Х. Икромов, Ў.Р. Қўчқоров. «Чорва, парранда ва балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси». – Т.: «Шарқ», 2001. – 180

29. Технологии: педагогика и психология: монография. – Игнатова Н. Ю. Образование в цифровую эпоху: монография. М-во образования и науки РФ. – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с.  
[http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0\\_2017.pdf](http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0_2017.pdf)
- 30.Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.
- 31.Choriyev A.J., Q.O.Dodayev, Icmoilov T.A., D.T.Qoraboyev. Qishloq xo’jalik mahsulotlarini konservalash va saqlash texnologiyasi. – Т.: “Davr”, 2012. -382 b.
- 32.Чеботарев О.Н., Шаззо А.Ю., Мартыненко Я.Ф. Технология муки, крупы и комбикормов. –М.: ИКЦ «МарТ», Ростов-н/Д: Издательский центр «МарТ», 2014. - 688 с.
- 33.William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 edition 2015. - 350 pp.

## **РЕЦЕНЗИЯ**

на учебную программу и учебно-методический комплекс по предмету  
«Современные методы и приборы оценки качества пищевых продуктов»  
авторов А.Т. Рузибаева и Г.З. Джахангировой

Данная рецензируемая учебная программа и учебно-методический комплекс авторы разработали в рамках курса «Современные методы и приборы оценки качества пищевых продуктов» для слушателей Центра сети повышения квалификации и переподготовки кадров при Ташкентском химико-технологическом институте, которые обучаются по специальности «Технология пищевых продуктов».

У учебно-методического комплекса удобная и правильная структура, состоящая из введения, рабочей программы по предмету, интерактивные методы при обучении модулей, теоретический материал, материалы для практических занятий, банк кейсов, материалы для самостоятельной работы, глоссари, приложений и списка использованных источников.

Считаю, что при помощи учебно-методического комплекса по предмету «Современные методы и приборы оценки качества пищевых продуктов», слушатели увидят в общих чертах, какие инновационные технологии в пищевой промышленности используется, укрепят базовые знания по предмету.

Данный учебно-методический комплекс – ресурсное средство и оно может быть использовано в дальнейшем педагогом слушателем в преподавании своего предмета, которые посчитают, что надо внести нововведения или незначительные изменения в свой курс лекций и практических занятий.

Преподаватели А.Т. Рузибаев и Г.З. Джахангирова представили в методической разработке результаты, благодаря которым при систематическом выполнении занятий меняется мировоззрение слушателей на инновационные технологии пищевой промышленности.

Цель учебно-методического комплекса: достичь определённые педагогические приемы и навыки при помощи дополнительных небольших лекций, дискуссий, упражнений, видеороликов и др. Все перечисленные дополнительные занятия позволяют слушателю создать трудовую деятельность более профессиональной и эффективной.

По мнению специалистов, данный учебно-методический комплекс содержательное, последовательное и прекрасно наполненное руководство, которое могут использовать слушатели центра, преподаватели и учащиеся пищевых специальностей в практической деятельности.

Пособие написано доступно и понятно. Авторы А.Т. Рузибаев и Г.З. Джахангирова предлагают свою интерпретацию практических навыков в области инноваций в технологии производства пищевых продуктов.

Наше мнение такое, что рецензируемый учебно-методический комплекс станет интересным для слушателей, а также для преподавателей ВУЗов по пищевой технологии, которым нужно повысить квалификацию в данной области.

Недостатков в учебно-методическом комплексе практически не выявлено.

В заключение можно утверждать, что учебно-методический комплекс можно размножить, чтобы им пользовались не только слушатели Центра сети повышения квалификации и переподготовки кадров при Ташкентском химико-технологическом институте, но и студенты.

**Рецензент:** Бектурганова Алмира Ануарбековна к.т.н., ассоц.профессор кафедры «Технология и стандартизация», АО «Казахский университет технологии и бизнеса»

Дата: « 17 » 02 2021 г.

Подпись: С.Ж

